

рида кўрсатилган<sup>45</sup>. Бу ҳол 1689 йилда ҳам юз берган эди<sup>46</sup>. Ҳатто, ўрта осиеликлар Астрахандан рус моллари билан Эронга борганлар, жумладан, 1677 йилда икки ўрта осиеликни мўйна, телпак, тасма сингари моллар билан Дарбантга жўнатилганлигини Астрахань божхонаси ҳисобга олган<sup>47</sup>.

Шундай қилиб, Урта Осиедан Волга бўйига, жумладан, Астраханга ип, ипак ҳамда зигир газламалари, белбоғ, бўёқ ва бошқа моллар келтирилади. Булардан ташқари, ҳинд, Эрон ва Арабистон моллари ҳам олиб келинган. Айрим маълумотларга қараганда ўрта осиеликлар Сибирь мўйналарини ҳам Астраханга олиб келардилар<sup>48</sup>. Урта Осиега эса чарм ва чарм буюмлари, мўм, асал, ароқ, бўёқ, мўйна, ёғоч идишлар, нина, мовут, мунчоқ ва бошқа рус моллари олиб кетиларди.

5-жадвал

1668, 1681 йилларда <sup>49</sup>	1687, 1688 йилларда
56000 дона нина, 52000 та тўгнағич, 45 бойлам от тасмаси, 560 сереч медних, 220 кўнғироқча, 20 тунука қутича, 500 қутича майда мих, 2200 қалай тугмаси, 2 пуд қалай, 30 бойлам мунчоқ, 21 пуд морж тиши, 10 тўп қогоз, 100 ойна ва бошқалар.	163000 нина, 82 ўқ ёй комплекти, 3900 майда мих, 50 сереч медних, 1406 қутича майда мих, 12 от тасмаси, 20 кўнғироқча, 172 ойна, 100 тарок, 10 бойлам тугмача ва бошқалар.

М. В. Фехнернинг текширишича, XVI асрнинг 80-йиллари охиригача мўм ва асал билан эркин савдо-сотиқ қилинган бўлса-да, кейинчалик у давлат монополиясига айлантирилиб, подшоҳнинг махсус рухсати билан мўм ва асал четга олиб кетиладиган бўлган<sup>49</sup>. Мамлакат ичида ва ташқарисида мум ва асалга талабнинг ортиши бу молларни четга бемалол олиб кетилишини тақиқлашга сабаб бўлган. Шу нарса маълумки, Иван Грозний подшоҳлиги даврида ҳар йили 50 минг пуд мум четга чиқариларди<sup>50</sup>.

<sup>45</sup> Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 10855, л. 1.

<sup>46</sup> Уша архив, № 10857, л. 1.

<sup>47</sup> Уша архив, 7028 л. 1.

<sup>48</sup> В. О. Ключевский, Юқорида кўрсатилган асар, 272-бет.

<sup>49</sup> Масалан, 1589 йилда Бухоро элчисига 400 пуд мум сотиб олишига ижозат берилган эди.

<sup>50</sup> М. В. Фехнер, Юқорида кўрсатилган асар, 76-бет.

Шунингдек, яроғ-аслаҳа ва шу жумладан, қалқонни четга чиқариш тақиқланган бўлиб, жуда оз миқдордагина рус ҳукуматининг ижозати билан элчилар ёки айрим савдогарларга сотиларди.

Шуни айтиш лозимки, баъзи элчиларнинг сўзича, ўзбек хонликларидан ўқ ёй, хом ипак ва қимматли тошларни Россияга чиқариб сотиш ҳам тақиқланган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиега олиб келинадиган рус моллари орасида мовут кам учрарди. Баъзи маълумотларга қараганда, Бухорода Ҳиндистон ва Эрондан келтирилган мовутлар сотилган<sup>51</sup>. Бу ерга мовутлар Португалия ва Туркиядан олиб келинарди. XVII асрга келиб мовутлар Россиядан олиннадиган бўлди.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрда Астрахань, яъни Волга-Каспий йўли орқали Урта Осие билан рус давлати ўртасидаги савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши унинг кейинги вақтларда тобора ўсиб боришига замин ҳозирлади.

XVIII асрда Россия ва Урта Осие ўртасида савдо алоқалари давом этиб, бу алоқада Астрахань ҳамон ўз мавқеини сақлаб қолганди. XVIII асрнинг 30-йилларигача бўлган савдо алоқаларига оид ҳужжатлар деярли сақланмаган. Бу ҳолат кўрилаётган масалани тўла ёритиш имконини бермайди. Лекин шунга қарамай айтиш мумкинки, Урта Осие ва бошқа Шарқ мамлакатларининг Астрахань орқали рус давлати билан савдо алоқаси қизгин равишда давом этган. Бу ҳақда 1715 йилда Петр I томонидан Эронга элчи қилиб юборилган ва Астраханда бўлган Белевиннинг сўзлари гувоҳлик беради: «Астрахань,— деб ёзган у,— Эрон, Хива, Бухоро ва Ҳиндистон билан қизгин савдо қилади. Турли мамлакат савдогарларининг ўз умумий қарвон саройи ёки растаси бўлиб, бу жойда улар яшайдилар ва ўз молларини сотадилар»<sup>52</sup>. Белевиннинг кўрсатишича, Астраханда Бухоро ва Хива қорақўллари жуда қадрланган. Масалан, битта бухоро қорақўли 25—30 сўмгача сотилган. Айни бир вақтда битта қалмоқ қорақўли териси 50 тийинга яқин турган<sup>53</sup>. Ўзбек қорақўллари Россия савдогарларигина эмас, балки эронликлар ҳам сотиб олганлар<sup>54</sup>. Бу ўзбек хонликларининг анча миқдорда Астраханга қорақўллар келтирганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

<sup>51</sup> Б. Г. Курц. Сочинение Кильбургера о русской торговле при царствовании Алексея Михайловского, Киев, 1915, стр. 359.

<sup>52</sup> «Белевин путешествия через Россию в разные Азиатские земли; а именно: в Слаген, Пекин, Дербент и Константинополь», часть первая, СПб., 1776.

<sup>53</sup> Уша асар, 14-бет.

<sup>54</sup> Уша асар, 39-бет.

1716 йилда Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедиция Хивада мағлубиятга учрагандан кейин ҳар икки томон ўртасидаги савдо алоқалари маълум вақтгача тўхтаб қолди. Лекин 1726 йилда Хива хони ўз элчисини Россияга юбориб, савдо муносабатларини қайта тиклашни таклиф этди. Бу таклиф Рус ҳукумати томонидан қабул қилиниб, 1727 йилда Хива ва Бухоро хонликлари билан савдо алоқаларини тиклаш ҳақида Астрахань ҳарбий губернаторига кўрсатма берилди. Бу билан бир қаторда, Астраханда яшовчи (асли самарқандлик) Ёдгор Олимов бошчилигида савдо қарвонини ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳарбий отряд ажратилиши ҳукумат кўрсатмасида уқтириб ўтилди<sup>55</sup>.

1727 йилда Ёдгор Олимов бошчилигидаги савдо қарвони рус молларини олиб Хива ва Бухорога жўнади. 1729 йилда Астраханга қайтиб келди. Бизда 1735 йилнинг айрим ойларида (ноябрь ва декабрь) Урта Осиёдан Астраханга қандай моллар келтирилганлигини кўрсатувчи тўла бўлмаган ҳужжатлар (6-жадвал) мавжуд<sup>56</sup>. Жадвалдаги маълумотлардан аёнки, Астраханга келтирилган молларнинг деярли ҳаммаси тайёр маҳсулотларни, жумладан, газламаларни ташкил этган. Айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, хивалик савдогарларнинг Астраханга фақат газламалар олиб келган вақтлари бўлган. Масалан, 1732 йилнинг июнь ойида Астраханга 8 та хивалик савдогар 10 той бўз газлама келтирган<sup>57</sup>. Жадвалда кўрсатилган савдогарларнинг деярли ҳаммаси хиваликлар бўлган. Айни вақтда Астраханга келган бухоролик савдогарларнинг сони эса тўрт кишидан ошмаган.

Урта Осиё молларини Астраханда яшаб турган — Рус давлати тобелигига ўтган ўрта осиелик, эронлик, ҳинд ва бошқа миллат савдогарлари ҳам келтирилганлиги маълум. 1735 йилнинг июнь ойида Астрахандаги Бухоро хонадонидан истиқомат қилувчи Лочин Аблаев парда, кимхоб, тулки териси сингари молларни Хивадан Астраханга олиб келган<sup>58</sup>.

Астрахань маҳаллий ҳокимиятининг маълумотига кўра, рус давлати тобелигига ўтган Астраханда яшовчи савдогарлар

1743 йилда ҳаммаси бўлиб 3476 сўмлик, 1744 йилда 1281 сўмлик ва 1745 йилда эса 3462 сўмлик молларни Астраханга келтирилганлар<sup>59</sup>. Уларнинг Урта Осиёга олиб борган молларининг миқдори эса 9168 сўмни ташкил этган<sup>60</sup>. Урта Осиёга олиб кетиладиган рус моллари чарм, мовут, нина, пичоқ, бўёқ, мих, турли идишлар ва бошқа бир неча хил молларни ўз ичига оларди<sup>61</sup>. Рус молларини Хива ва Бухоро хонликлари

Моллар	Хива-			
	Мухтор, Хужамқули, Ашур	Нодиров, Навруз, Ашуров	Қурбонов, Чоражонов, Медиев	Боқиев, Ишимов, Шукуров
	сўм-тий.	сўм-тий.	сўм-тий.	сўм-тий.
Кимхоб	112 40	152	99	186
Бўз	140 45	114	47 45	75 50
Гулдор газлама	10	—	5 20	8 40
Парда	33 30	103 65	35 10	52 50
Қизил мата	—	—	16	—
Қалами	—	—	4 40	32
Дока	—	33 50	—	6 50
Серендей (?)	—	31	15 50	8 05
Чодир	35	—	—	1 20
Тулки мўйнаси	—	308 40	—	15 40
Қўй териси	—	790 95	8 40	—
Қоракўл	—	—	—	—
Пахта	9	26	—	—
Дармана	—	60	—	—
Белбоғлар	—	—	—	75 —

\* Манбаларда айрим савдогарларнинг номлари бузиб берилган.

рус, ҳинд ва арман савдогарлари ҳам юбордилар: 1713 йилда Т. Демидов номли рус савдогари мовут, чарм, нина, қулф, ойна ва бошқа молларни Бухорога юборганлигини маҳаллий ҳокимиятга маълум қилган<sup>62</sup>. Шундай моллар рус савдогари Лев Никифоров томонидан 1728 йилда юборилганлиги архив ҳужжатида қайд қилинган<sup>63</sup>. Шунингдек, 1727 йилда бир грек савдогари, 1731 йилда арман ва ҳинд савдогарларининг рус молларини Урта Осиёга олиб кетганликлари

<sup>59</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 4, д. 89, В. 12—4.

<sup>60</sup> Уша жойда.

<sup>61</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 251, л. 69—70.

<sup>62</sup> Уша архив, 67-бет.

<sup>63</sup> Уша архив, 68-бет.

<sup>55</sup> «Полное собрание законов», т. VIII, стр. 769, ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1329, оп. 1404, д. № в. л. 246, д. № Б. л. 708, д. № С., л. 65.

<sup>56</sup> Жадвал қуйидаги архив ҳужжатлари асосида тузилди: Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 538, л. 21, д. 539, л. 19-об, д. 439, л. 20, д. 539, л. 48-об, 46—47-об, 79—80-об, 99—100, 103-об—205—107—118.

<sup>57</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 81-об.


<sup>58</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 1, д. 539, В. 47-об.

ҳақида маълумотлар бор<sup>64</sup>. Рус ва бошқа савдогарлар Хива ва Бухорога махсус қарвонларга уюшган ҳолда ва рус ҳукуматининг бевосита ҳимояси билан жўнардилар. 1732 йилда рус императори Анна Ивановна рус, грек, татар, ва бошқа рус давлати тобелигига ўтган савдогарларнинг талабига кўра савдо-сотик қарвонларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни кўрди. Чунончи, рус ҳукумати

6-жадвал

ликлар				Бухороликлар	
Сафарматов, Нодирматов, Қутлуметов	Ортиқбоев, Муркаев*, Марметов	Меғлиев, Раиметов, Махаматов	Ишннёз, Бермамет, Алиев	Содиқов, Абдуғаниев, Абдураимов.	
сўм-тий.	сўм-тий.	сўм-тий.	сўм-тий.	сўм-тий.	
81 60	137 10	40 10	115 50	109 40	
52 60	124 05	92 50	130 60	84 70	
1 20	21 20	— —	17 —	12 —	
44 40	— —	100 90	11 60	35 50	
25 —	— —	3 30	13 —	6 —	
27 60	5 20	3 20	15 10	15 80	
12 —	— —	20 35	5 —	4 —	
5 50	— —	— —	— —	19 —	
— —	— —	— —	— —	— —	
— —	45 40	— —	9 20	8 60	
22 50	121 40	— —	50 —	24 80	
— —	— —	130 80	— —	— —	
— —	— —	— —	— —	— —	
— —	— —	— —	— —	— —	
— —	— —	— —	— —	— —	

ўзбек хонликларига махсус хат билан мурожаат қилиб, хатда савдогарлар ва улар қарвонининг Ўрта Осиёдаги хавфсизлигини таъминлашни сўраган. Ўзбек хонликлари Астрахань орқали келадиган савдо қарвонларини ва элчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширдилар. 1732 йил май ойида, яъни рус ҳукуматининг юқорида кўрсатилган хатидан 3 ойдан сўнг Хива хони Астрахань генерал-губернаторига қуйидаги мазмунда махсус хат юборди: «Сенга маълум қиламанки, келажакда Хивага савдогарлар ва элчилар юбориладиган бўлса, олдин бу ҳақда менга хабар берилса, савдогарлар ва элчиларни талон-торождан сақлаш учун улар қаршисига ўз одамларимни юбораман. Шунга ўхшаш Астрахандан денгиз орқали Манқишлоққача борадиган савдогарлар ёки элчилар ҳақида ўша жойларда



5-ғасм. Хивага рус савдогари томонидан молларнинг юборилиши ҳақидаги ҳужжатлардан бири.

<sup>64</sup> Уша архив, 69-бет.

яшовчи туркманларга хабар қилинса, туркманлар (бу ерда Хива хонлиги қўл остидаги туркманлар ҳақида сўз бораётир) уларни ўз араваларида Хивага кузатиб қўядилар». Хива хони туркман қабила бошлиқларига савдо карвонларининг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ҳам фармон берган, албатта. Архив ҳужжатларига кўра, Хива хони 1736 йилда ҳам юқоридаги таклиф билан Астрахань маҳаллий ҳокимиятига хат ёзган<sup>65-66</sup>.

Астрахань генерал-губернаторининг 1743 йилда сенатга ёзган рапортига кўра, рус давлати тобелигидаги татар, ўрта осийлик ва бошқалар рус савдогарлари билан бирга катта карвонга уюшиб мовут, чарм, нина, қайчи, бўёқ ва шунинг сингари рус моллари билан Хивага жўнаганлар<sup>67</sup>. Уша рапортда Хивада рус савдогарлари Астрахандан карвон келишини кутиб турганликлари ҳам уқтириб ўтилган<sup>68</sup>. Бу ҳолат ўша вақтларда Ўрта Осий билан савдо бирмунча жонланганидан дарак беради. Бу тўғрида кейинги йилларга оид маълумотлар (7-жадвал) ҳам гувоҳлик беради.

Жадвалда рус давлати тобелигидаги савдогарларнинг Астрахань орқали четга чиқарган ва четдан олиб келган молларининг ҳажми кўрсатилган. Гарчи жадвалда Ўрта Осий билан олиб борилган савдо ажратиб кўрсатилмаган бўлса-да, бухороликлар ва татарларнинг асосан Ўрта Осий билан савдо-сотиқ олиб борганликларини ҳисобга олиб, бу рақамлар шу савдога ҳам тегишли эканлигини пайқаш мумкин. Ўзбек хонликлари билан савдони рус ва арман савдогарларининг бевосита ўзлари ёки уларнинг гумашталари олиб борганлар.

1736 йилда Оренбург барпо этилади ва бу жой орқали Ўрта Осий билан савдо алоқалари тобора жонланади. Бу ҳол эса Астрахань орқали Ўрта Осий билан олиб бориладиган савдо алоқаларининг ривожланиб боришига маълум даражада салбий таъсир этди. Лекин шунга қарамай, Астрахань Россия ва Ўрта Осий ўртасидаги алоқада ўз аҳамиятини бутунлай йўқотмади. 1759 йилда рус ҳукумати Астрахань орқали олиб бориладиган савдо алоқаларини тартибга солиш ва уни бир компанияга уюштириш ҳақида қарор қабул қилди.

<sup>65-66</sup> ЦГИА СССР, в Ленинграде, ф. 276, оп. 1, д. № 506, л. 3-об.

<sup>67</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 1, д. 3639, В. 222. Савдо карвони қуйдаги кишиларни ўз ичига олган эди: Руслар — И. Сухашиков, А. Е. Евринов, И. Мансеев, Д. Соколов, С. Давидов, А. Хрягин, К. Семенов, В. Кондратъев, Я. Земский, И. Чягин, Л. Мочалов, Г. Иванов, М. Бабаши, А. Болонцов; греклар — А. Федосев, Я. Костяников, Ф. Сергеев, А. Христофаров; бухороликлар — А. Аллацков, К. Уразев, Т. Абдуллаев, Х. Қурбонов, Дуянь; татарлар — Алахон, Андуганов, Банатов, Аллаберди; ҳиндлар — А. Бендрабанов, М. Балгандов ва Қарани.

<sup>68</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 5 136, л. 322.

Савдогарлар	Келтирилган моллар		Олиб кетилган моллар		Жами	
	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин
1752 йилда руслар	188759	791 1/2	157843	9 3/4	346602	89 1/4
арманлар	121264	931 1/2	240818	63 1/2	362083	57
бухороликлар						
татарлар	6195	51 1/2	1129	42 1/2	7324	94
гиляндиклар	2934	97 1/2			270	97 1/4
грузинлар						
ҳаммаси	319155	22	399791	15 1/4	716011	40 1/4
1753 йилда руслар	216070	18 1/2	168802	4 3/4	384*72	23 1/4
арманлар	276928	9	511515	33	788340	42
бухороликлар						
татарлар	13762	1 1/2	3934	62 3/4	17696	79 1/4
гиляндиклар	1701	50	2735	50	4337	
грузинлар						
ҳаммаси	508358	94	686987	50 1/2	495246	44 1/4
1756 йилда руслар	136185	66 3/4	98836	54 1/2	235022	21 1/4
арманлар	114784	36 3/4	191496	66 3/4	306281	3 1/2
бухороликлар						
татарлар	20208	50	2023		22231	50
гиляндиклар	289	55			289	55
грузинлар						
ҳаммаси	292018	11	275835	11	567853	22
1757 йилда руслар	63459	85 1/4	21898	73 1/4	85358	58 1/2
арманлар	87457	2 1/4	129804	30	217261	32 1
бухороликлар						
гиляндиклар	7340	98	11091	1/2	18432	8 1/2
грузинлар	22	19			22	19
ҳаммаси	158280	4 1/2	162794	13 3/4	321074	18 1/4

Бу компанияга сенатор, генерал-поручик Воронцев бошлиқ қилиб тайинланди. Компания ўттиз йил муддат билан Воронцевга топширилди. Бу компаниянинг 20 қисмдан иборат қонун ва қоидалари ишлаб чиқилди<sup>69</sup>. Расмий ҳужжатларда бу компания «Бухоро ва Хива билан савдо қилувчи компания» деб ёзилди. Компания Астрахань ва Қизлар портидан то Эрон чегарасигача чўзилган жойлардаги ўтроқ ва кўчманчи халқлар билан савдо олиб бориши керак эди. Компаниянинг мавжуд савдо ва бож қоидаларига тўла бўйсунуши уқтириб ўтилган бўлса-да, лекин унга муҳим имтиёзлар берилди. Масалан, компанияга Россиядан четга чиқариш бутунлай ман этилган темир ва чўян сингарилар билан савдо қилиш ҳуқуқи берилди.

Рус ҳукумати темир ва чўяни хонликларга бир йилда 100 минг пуд ҳажмда олиб боришга рухсат этди. Лекин уларни Эронга олиб бориш ман этилган эди. Шунингдек, компания тузланган балиқ, осет белуга, севрюга, икра ва елим сингариларни сотиши мумкин эди.

Астрахань маҳаллий ҳокимиятига компания молларини қўриқлаш учун ҳарбий отряд ажратиш ва унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Компания Астрахандан ташқари, Санкт-Петербургда ва Москвада бемалол савдо қилиши мумкин эди, шунингдек, ҳукумат қарорига мувофиқ кўрсатилган жойларга магазинлар ва контора ходимлари учун жой қуришига ер ажратиб бериши лозим эди. Ҳукуматнинг бу компанияни тузишдан мақсади савдо манфаатларидан ташқари давлатнинг олтин ва кумушга бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Шунинг учун ҳам компания зиммасига Урта Осиё ва Эрондан келтириладиган олтин, кумушларни давлатга сотиш вазифаси юклатилди.

Компаниянинг марказий контораси Астраханда бўлиб, сенатор Воронцев бошчилигида унинг директори, хизматчилари ва гумашталари тайинланди. Шунингдек, сенатор Воронцевга князь Борис Александрович Куракин шерик қилиб бириктирилди.

1760 йилнинг февралда сенатор Воронцев Бухоро ва Хива хонликларига махсус хат юбориб, бу хатда ҳар икки хонликнинг олдинги йилларда ўз элчилари орқали рус ҳукуматидан Россия савдогарлари турли моллар билан Астрахандан Манқишлоққа бориб хиваликлар, бухороликлар ва туркманлар билан савдо қилишларига рухсат берилишини сўраганликларига мувофиқ махсус компания тузилганлигини маълум

<sup>69</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 466, оп. 1, д. 13, л. 79—83.

қилди. Бу билан бирга, савдо карвонларининг Манқишлоққа юборилганлиги ва бу савдо алоқаларининг кучайтиришига амалий чоралар кўришлари Бухоро ва Хива хонликларидан сўралди. Айни вақтда, сенатор Воронцев компаниянинг Урта Осиё билан савдо қиладиган молларнинг турларини белгилаш ва ўз ҳисобидан денгиз кемалари қуришни қонунлаштиришни сўраб сенатга мурожаат қилди. Сенат ўзининг қароридан Воронцев томонидан тақдим этилган моллар турларини тасдиқлади. Қарорга мувофиқ Урта Осиёга мовут, чарм, нина, ойна, темир асбоблар, турли идишлар, буғдой ва бошқа нарсалар юборилиши кўрсатилган. Урта Осиёдан эса турли газлама-лар, олтин, кумуш, ҳинд моллари, қимматли тошлар ва шу кабилар олиб келиниши керак эди<sup>70</sup>.

Бироқ компаниянинг раҳбарлари ишни тўғри йўлга қўя олмадилар: Астрахань губерния маҳкамасининг 1761 йил декабрида сенатга ёзган рапортида<sup>71</sup> айтилишича, компаниянинг дастлабки фаолиятига Эроннинг Мозандарон воҳасида юқумли касалликнинг тарқалганлиги тўғрисидаги хабарлар тўсқинлик қилган. Шу муносабат билан Каспий денгизда кемаларнинг ҳаракати тўхтатилган. Натижада компания кемалари Манқишлоққа келолмаган. Бироқ кўп ўтмай, Эронда касалликнинг тарқалганлиги тўғрисидаги овозларнинг бекорлиги аниқлангандан сўнг Манқишлоққа компания кемаси қатнаган, лекин у фақат 4000 сўмга яқин ҳажмдаги молларни олган, холос. Бунинг устига кема яхши тайёрланмаганлиги туфайли анча туриб қолган. Натижада Манқишлоққа келган савдогарлар узоқ туриб қолиб фурсатни қўлдан бериб қўйишган. Астрахандаги савдогарлар бундан ниҳоятда қаттиқ норози бўлишган. Улар Астрахань губерния маҳкамасига арз қилиб, ўз гумашталари орқали Хива ва Бухорога анча миқдорда турли моллар юборганликларини, лекин кўрсатилган жойларда гумашталар молларини сотиб, Урта Осиёнинг турли моллари билан узоқ туриб қолганликларини маълум қилганлар. Шунингдек, улар Манқишлоққа тезда кема юборилишини сўраганлар. Губерния маҳкамаси Астрахань савдогарларининг арзини, яъни уларнинг турли моллар ва, шу жумладан, олтин ва кумуш билан Манқишлоқда саккиз ойдан бери кема кутаётганликларини маълум қилди. Астрахань губерния маҳкамасининг кўрсатишича, компания кемаси Манқишлоқда нотўғри хатти-ҳаракатлар қилган. Компания ходимлари Манқишлоқдан Астрахангача моллар ташиш ҳақини одатдагига нисбатан анча ортиқ олган. Бунинг устига кема

<sup>70</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 13, в. 89.

<sup>71</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 1, д. 2306, в. 1—12.

ўз вақтида йўлга чиқмагани учун кўчманчиларнинг молларни талаш хавфи туғилган. Бу ҳол Астрахань маҳаллий ҳокимиятини жуда таъвишлантириб қўйган. Улар ўзларининг рапортида савдогарларнинг моллари Манқишлоқда кўчманчилар томонидан таланса, Хива ва Бухоро хонлари шахсан императорга шикоят қилишларини, Россия савдогарларининг моллари улар томонидан талон-торож қилинишига шубҳа йўқлигини ва бунинг орқасида Россия савдосига путур етказиши сенагга маълум қилди<sup>72</sup>. Айни бир вақтда ўзбек хонлари компанияга қарши ўз норозиликларини билдирдилар. Хива хонлигининг элчиси Али Шукур компания ўз олдига қўйган вазифасини удалай олмаганлигини рус ҳукуматига маълум қилган. Унинг хатида айтилишича, компания тузилганга қадар Манқишлоқда ҳамма вақт кемалар келиб, савдогарларнинг моллари ўз вақтида Астраханга юбориб турилган. Компания тузилгандан кейин ахвол ўзгариб, савдога анча зарар етган. Масалан, ўз вақтида компания кемаси келмаслиги орқасида Урта Осиё савдогарларининг бир қисми Манқишлоқдан Хивага қайтишга мажбур бўлган. Улар йўлда кўчманчилар талонига учраб, 50 минг сўмлик молларидан ажраганлар. Шунингдек, Али Шукур компания кемаси молларни ортган тақдирда ташиш ҳақини кўп олаётганлигини ҳам уқтириб ўтган<sup>73</sup>.

Компания эса бу норозиликларнинг нотўғрилигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бироқ компаниянинг савдо алоқаларини ривожлантиришга қобилиятсиз эканлигига марказий ҳокимият ҳам ишонч ҳосил қилди. 1762 йилнинг 31 июлида рус ҳукумати компанияни тарқатиб, унинг имтиёзларини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарди. Эндиликда ҳар кимга Урта Осиё билан бемалол ва ўзича савдо қилиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, Манқишлоққа кемалар қатнови эркин бўлди<sup>74</sup>.

Шу равишда компания кутилган натижани бермади. Астрахань губернатори Бекатов Урта Осиё билан савдони ривожлантиришда Манқишлоқнинг тугган ўрнини ҳисобга олиб, уни ижарага бермасликни сўраб сенагга мурожаат қилди<sup>75</sup>.

<sup>72</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 1, д. 2306, в. 20—21.

<sup>73</sup> Уша архив, ф. 394, оп. 1, д. 2405, в. 3.

<sup>74</sup> ЦГАДА СССР, ф. 276, д. 522, в. 1.

<sup>75</sup> Губернатор Бекатов сенагга ёзган хатида Манқишлоқ орқали узоқ вақтлардан бери Урта Осиё билан қизгин савдо олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтган. Унинг кўрсатишича, 1719 йилда у жойдан 1346, 1721 йилда 1940 сўмлик бож олинган. 1724 йилда Манқишлоқ 3 йил муддатга 338 сўм тўлаш шарти билан астраханлик савдогар Самарскийга ижарага берилган. 1726 йилда эса Манқишлоқ Астрахань магистратига ўтказилган. Кейинчалик Манқишлоқ яна бошқа бир савдогарга ижарага берилган. 1759 йилда бу жой компанияга 30 йиллик муддатга берилган эди.

Шундан кейин сенагнинг қарорига мувофиқ Манқишлоқ Астрахань маҳаллий ҳокимиятига (илгари вақтларга ўхшаш) ижара пули олмаслик шарти билан берилди. Астрахань порти божхонасининг маълумоти бўйича, 1762—1763 йилларда Урта Осиёдан келтирилган молларнинг ҳажми қуйидагича бўлган.

8-жадвал<sup>76</sup>

Моллар	1762 йилда			1763 йилда		
	миқдори	сўм	тийин	миқдори	сўм	тийин
Алоча	733 тўп	496	10	16 тўп	7	70
Бўз	4420 тўп	275	65	1874 тўп	940	65
Хом сурп	4635 тўп	756	65	299	140	80
Босма	497 тўп	318	70	119 тўп	77	—
Оқ сурп	190 газ	47	50	—	—	50
Қизил мато	140 тўп	70	—	1	—	—
Миткал	48 газ	16	80	—	—	—
Қалами	88 тўп	82	80	62	27	40
Пардалар	2095 дона	1029	50	195	61	65
Белбоғлар	656 дона	327	85	—	—	—
Рўмолчалар	6 дона	1	80	—	—	—
Тўнлар	28 дона	67	—	7	15	—
Чодирлар	62 дона	48	35	37	18	50
Калава ип	841 пуд	8412	75	128 пуд	1285	—
Пахта	63 пуд	477	90	107 пуд	804	37
Тулки териси	49 дона	15	70	27	2	70
Хива шими	54 дона	26	10	3	—	60
Қўй териси	13809 дона	12267	91	499	167	—
Бўёқ	—	30	30	—	—	—
Кунжут ёғи	5 пуд	10	—	—	—	—
Дармана	678 пуд	1959	80	—	—	—
Тамаки	302 п. 23 к.	1255	55	71 п.	84	32
Писта	71 п. 20 к.	143	—	5 п.	12	50
Қуруқ мевалар	119 пуд	238	—	5 п.	7	50
Бошқа моллар	—	—	—	—	40	—

Жадвалдан кўриниб турибдики, Астраханга асосан Урта Осиё газламалари олиб келинган. Шунингдек, калава ип ҳам анча салмоқли ўринни эгаллаган. Бу ҳолат XVIII асрнинг ўрталаридаёқ Астраханда калава ипга эҳтиёжнинг кучайганлигидан дарак беради. Шу билан бирга, техника ўсимликларни (дармана, тамаки)га ҳам талаб кучли бўлган. Анча миқдорда бўз келтирилган. Бунга бўзнинг кенг меҳнаткашлар оммасига қўл келиши сабаб бўлган, албатта. 1763 йилда келтирилган

<sup>76</sup> АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. 2, л. 366, 369.



молларнинг миқдори олдинги йилдагига нисбатан анча камайиб кетган. Бунинг сабаби манбаларда кўрсатилмаган. Бироқ шунга қарамай айтиш мумкинки, ўзбек хонликларидаги ички зиддиятлар савдонинг муайян ўсиб боришига тўсқинлик қилган.

1762—1763 йилларда Астрахань орқали Ўрта Осиёга олиб кетилган молларнинг миқдори ва турлари ҳақидаги маълумотларга (9-жадвал) ҳам эгамиз.

9-жадвал

Моллар	1762 йилда			1763 йилда		
	Миқдори	Сўм	Тийин	Миқдори	Сўм	Тийин
чакмон	14 дона	80	—	1 дона	4	—
мунчок	5 пуд, 20 қадоқ	61	25	13 пуд, 30 қадоқ	90	—
тўгнағич	3000 дона	1	20	—	—	—
Эрон духобаси	4 тўп	27	60	—	—	—
немис духобаси	120 газ	242	40	—	—	—
қоғоз	105 дона	62	67	18 дона	9	10
мўм	20 пуд, 29 қадоқ	186	52	5 пуд, 5 қадоқ	46	12
хитой газламаси	1993	1742	40	211 газ	204	60
тароқлар	—	33	25	—	—	—
михлар	—	82	30	—	—	—
темир асбоблар	—	62	21	—	—	—
чўян қозонлар	543 дона	351	41	120 дона	33	5
ниналар	224400 дона	3262	20	344 дона	111	95
Шемаха ипак газламаси	56	156	—	—	—	—
бўёқлар	25 пуд, 20 қадоқ	3315	—	27 пуд, 18 қадоқ	118	50
мўйналар	—	232	40	123 дона	82	25
қайчилар	112 дона	9	96	213 дона	18	31
Хитой атласи	96	115	20	—	—	—
гармдори	3 пуд, 14 қадоқ	38	60	1 пуд, 10 қадоқ	14	—
ёғоч идишлар	240 дона	6	26	—	—	—
қалай идишлар	3 пуд, 10 қадоқ	28	25	—	—	—
дастрўмоллар	30 дона	14	—	—	—	—
Хитой газламаси	12 газ	18	—	—	—	—
жун газламалар	372 тўп	5524	—	—	—	—
мовутлар	8214 газ	19097	90	98 газ	3657	50
калла қанд	81 пуд, 11 қадоқ	863	80	6 пуд, 40 қадоқ	71	50
қизил ёғоч	166 пуд, 20 қадоқ	310	—	6 пуд, 30 қадоқ	15	50
немис ва эрон ипак газламаси	32 газ	32	—	16	9	45
Шемаха ипаги	89 пуд	5390	—	4 пуд, 15 қадоқ	306	25
чармлар	726 дона	1262	80	544 дона	1050	50
бошқа моллар	—	1138	40	—	257	—

Жадвалдан шу нарса аёнки, Ўрта Осиёга олиб келинган молларнинг асосий қисмини рус моллари ташкил этган. Лекин уларнинг ичида ғарбий Оврупо, Эрон, Хитой ва бошқа мамлакат моллари ҳам учрайди. Кўрсатилган мамлакатларнинг моллари унчалик кўп миқдорни ташкил этмаган. Маълумки, Эрон ва Хитой моллари у жойлардан бевосита Ўрта Осиёга олиб келинади. Ўрта Осиё савдогарлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакати молларини ўз ватанлари эҳтиёжи учун эмас, балки Россия ерларига ҳам келтирардилар. Ўрта Осиёга олиб келинган рус моллари ичида мовутлар, чарм, калла қанд ва нина сингари моллар салмоқли ўринни эгаллаган. Ўрта Осиёга келтирилаётган молларнинг асосий қисмини тайёр маҳсулотлар эгаллаган. 1763 йилдаги рақамларга кўра, шу йили олиб кетилган молларнинг миқдори олдинги йилга нисбатан анча кам. Бунга асосий сабаб юқорида кўрсатилганидек, ўша йили Ўрта Осиёдан молларнинг кам миқдорда келтирилишидир. Жадвалдаги рақамлар фақат айрим Ўрта Осиё савдогарлари олиб кетган молларнинг миқдорини акс эттириб, бошқа савдогарлар томонидан олиб кетилган молларнинг ҳажмини кўрсатмайди. 1762 йилда астраханлик бир фабрикант ва савдогар ўз гумаштаси орқали мовут, мих, қозон, қимматли мўйналар, қанд ва газлама сингари 3000 сўмдан ортиқроқ молларни Бухоро ва Хивага жўнатган. Рус молларининг арман, ҳинд ва татар савдогарлари томонидан ҳам Ўрта Осиёга олиб кетилганлиги маълумдир.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига оид архив ҳужжатларида Астрахань орқали қилинган савдони кўрсатувчи рақамлар мавжуд. Булар рус давлатига тобе ва тобе бўлмаган савдогарларнинг фаолиятлари ҳақида маълумотлар беради. Шу билан бирга, Астраханнинг ташқи савдосидан келадиган дастрўмаднинг умумий ҳажмини (10-жадвал) кўрсатади.

Рус давлатига тобе савдогарлар орасида арманлар савдо обороти бўйича биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринда рус савдогарлари туради. Шубҳасиз, бунга рус савдогарларининг Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа мамлакатларга кам бориши сабаб бўлган. Хорижий савдогарлар орасида эса ҳиндлар, арманлар ва хивалиқлар салмоқли ўринни эгаллаганлар.

Жадвалдаги хивалиқ савдогарларга тегишли рақамлар Ўрта Осиёдан келтирилган ва у ерга олиб кетилган молларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу ерда арман ва ҳинд савдогарларининг Ўрта Осиёга ҳам қатнашлари ҳисобга олинса, у вақтда уларга тегишли рақамларнинг маълум қисми Ўрта Осиёга ҳам тааллуқли экани маълум бўлади. Жадвалдаги рақамлар Астраханда савдо анча жонланганлигини кўрсата-

Савдогарлар	1764 йилда				1765 йилда				1766 йилда				
	келтирилган		чиқарилган		келтирилган		чиқарилган		келтирилган		чиқарилган		
	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин	
1. Рус давлатига тобелар													
руслар	18883	8	51570	12	28742	77	9419	72	9912	45	18076	61	
арманлар	100579	61	122153	42	66205	82	42459	7	23025	78	19381	50	
тагарлар*	4915	28	8991	25	5131		9802	6	3734	80	3773	35	
эронликлар	5861	22									864	35	
қизларлик савдогарлар	2	56										35	
қалмоқлар	1359	79			110				392	92			
2. Хорижий савдогарлар:													
арманлар	36080	43	70130	91	52093	88	40336	30	6964	12	61376	30	
эронликлар	2152	95	22183	85	18757	95	39993	91	2643	99	21236	98	
ҳиндлар	34753	98	140227	48	62740	85	53060	72	21742	99	62510	9	
хиваликлар	31875	43	67256	24	46788	46	51177	1	21742	90	9/4492	91	
греклар	39	82											
кабардинлар	10	34											
ҳаммаси	256312	91	482515	85	283006	29	254666	75	92863	38	282162	93	

\* Астраханда (Бухоро колониясида) яшовчи ўрга осиеликлар ҳам киради.

ди. Лекин кейинги йилларда эса бу ҳол кескин ўзгариб, савдонинг ўсмай қолганлигини пайқаш мумкин (11-жадвал)<sup>77</sup>.

Гарчи жадвал кўрсатилган йилларнинг сентябрь ва август ойларигача бўлган вақтдаги савдони акс эттирса-да, лекин тўла маълумот бермайди. Жадвалдаги рақамлар Астрахань савдоси ҳақида маълум тушунча беради. У ерга келтирилган ва олиб кетилган молларнинг ҳажми олдинги йилларга нисбатан кам. Айниқса, Россия савдогарларининг фаолияти анча пасайган. Афсуски, бунинг сабаби бизга номаълум.

11-жадвал

Савдогарлар	1781 йилда				1785 йилда			
	келтирилган		чиқарилган		келтирилган		чиқарилган	
	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин	сўм	тийин
1. Рус давлатига тобелар:								
руслар	—	—	1730		348		965	90
арманлар	—	—	850	50	9826		1389	04
татарлар	—	—	666	50	409		—	—
Эронлар	—	—	—	—	10854	30	3528	94
2. Хорижийлар								
арманлар	—	—	20562	40	—	—	—	—
эронликлар	—	—	34197	20	—	—	—	—
бухороликлар	—	—	5396	50	990	—	—	—
хиваликлар	—	—	1204	50	25592	95	—	—
туркманлар	—	—	66	50	812	60	—	—
ҳиндлар	—	—	1766	10	4256	49	—	—
ҳаммаси			66440	20	53189	34	5883	88

Жадвалнинг характерли томони шундаки, бухоролик ва хивалик савдогарларнинг маблағлари алоҳида берилган. 1781 йилда бухороликлар хиваликларга қараганда рус молларини кўпроқ олиб кетганлар. Афтидан, бунга бухороликлар фақат Оренбург ва Троицк эмас, балки Астрахань орқали ҳам савдони кучайтиришга ҳаракат қилганликлари сабаб бўлган бўлса керак. 1785 йилда эса хиваликлар олдинги ўринга ўтган.

XVIII асрнинг охири чорагида Астрахань орқали савдодиган молларнинг миқдори анча ошган.

Астрахань орқали савдо бирмунча жонланган бўлса ҳам, лекин у ҳар икки томон талабига жавоб бера олмай қолди.

<sup>77</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 5509, 96 об. д. 6280, л. 58-об.



Шунинг учун ҳам 1798 йилда рус давлат арбоблари ўртасида ўзбек хондликлари ва Эрон билан савдони кучайтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида ёзиш-малар бўлган. Генерал граф Гудович икки масалани олдинга сурди: биринчидан, Хива, Бухоро, Эрондан келтирилди-ган молдарга алмашиш учун рус молларининг етишмаслиги сабабли у ерларга олтин ва кумуш чиқаришга рухсат бериш, иккинчидан, Россия манфаатларини кўзлаган ҳолда кўрсатилган жойлар билан савдони ривожлантиришга қаратилган тадбирларни кўриш<sup>78</sup>.

12-жавабдал

Йиллар	Келтирилган моллар		Чиқарилган моллар	
	сум	тийин	сум	тийин
1787	548315	63	792039	2
1788	477092	85	543929	38
1789	567771	95	488424	48
1790	423755	50	473432	79
1791	425779	51	413618	21
1792	520030	44	418832	75
1793	428508	40	291036	56
1794	450275	61	276752	62
1795	306918	95	472422	68
1796	317074	25	394878	22
Жами	4465523	16	4565366	74

Бу ҳар икки масала юзасидан император саройи қошидаги кенгашнинг бошлиғи А. Безбородкодан тортиб, коммерц-коллегия, ташқи ишлар министрлиги ва бошқа идораларнинг бошлиқлари ўзаро фикр алмашдилар. Буларнинг ҳаммаси Урта Осиё ва Эрон билан алоқаларни ривожлантириш зарурлигини, бу савдодан рус давлати Фарбий Европа билан савдога нисбатан кўпроқ фойда олишини қайд этиб ўтдилар. Шунингдек, Урта Осиё ва Эрон билан савдони кучайтириш ҳисобига Россия фабрикаларининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш мумкинлиги қайд қилинди. Урта Осиёдан калава ип, пахта, ип ва ипак газламалар, қоракўл, мўйналар, кунжут ёғи, олмос, қимматли тошлар, марварид, ҳинд моллари ва бошқа нарсалар олиш кераклиги таъкидланди. Ҳар йили фақат Манқишлоқ орқали 30 минг сўмлик калава ип олиниб турилганлиги таъкидланган<sup>79</sup>. Урта Осиё ва Эронга чиқарилиши та-

<sup>78</sup> ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1146, оп. 1, д. 165, л. 1.

<sup>79</sup> Уша жойда, в. 46.

қиқланган молларни, жумладан, темир, чўян ва тунука сингариларни олиб кетишга ижозат берилиши сўралди, фақат ҳарбий снарядлар олиб кетилмаслиги керак эди, Урта Осиё билан савдони кучайтириш учун у ерда ҳарбий қалъа ва ғиштдан раста қуриш таклиф этилди.

Урта Осиё ва Эрон билан савдони ривожлантириш туғрисидаги фикрлар император саройи қошидаги кенгашда муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинди. Бу қарор асосида императорнинг фармони чиқарилди<sup>80</sup>.

Рус ҳукуматининг тақиқланган молларни, жумладан, темир, пўлат, олтин ва кумуш тангаларни Урта Осиёга олиб кетилишига йўл қўйиши Урта Осиё билан савдо алоқаларининг ўсишида муҳим роль ўйнади. Эндиликда Урта Осиёга олиб кетиладиган рус молларининг тури анчагина ортди.

1798 йилда рус ҳукумати Урта Осиё билан алоқани кучайтирувчи иккинчи бир қарор қабул қилди. Қарорга кўра, Астрахань маҳаллий ҳокимияти Урта Осиё ва Эрон савдогарларини ҳурмат билан кутиб олиб, уларнинг фаолиятларига тўла шароит туғдириши керак эди. Шу билан бир қаторда, божхонани Шарқ тилларини билган таржимонлар билан таъминлаб, савдогарлар ишини осонлаштирилиши лозим эди<sup>81</sup>.

1800 йилда рус давлатининг ўзбек хонликлари билан алоқани кучайтириш масаласи яна кўтарилди. Урта Осиё ва Ҳиндистон билан савдони кучайтириш йўлларини ўрганиш ҳақида рус ҳукумати вакиллари ўртасида фикр алмашилди. Улар савдо алоқаларини кучайтириш ва бу савдода Россия савдогарларининг манфаатларини тўла таъминлаш ва улар ролини ошириш зарур деган хулосага келдилар<sup>82</sup>.

Ўзбек хонликлари билан алоқани кучайтириш масаласи Россия савдогарларининг бевосита ўзлари томонидан ҳам кўтарилган эди. Масалан, 1800 йилда оренбурглик бир гуруҳ

<sup>80</sup> ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1146, оп. 1, д. 165, л. 60—60-об. Рус ҳукумати темир ва пўлатни Урта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларга чиқаришни тақиқлаган эди. Лекин уларни яширин ҳолда олиб кетиш ҳаракатлари бўлган. Чунончи, 1737 йилда хивалик Б. Худойшукуров 33 пуддан ортиқ пўлатни Астрахандан олиб кетаётганда қўлга тушган. Темир ва пўлат рус ҳукуматининг махсус руҳсати билангина Урта Осиёга келтирилди. Шу йўл билан 1776 йилда 2100 пуд тунука, 802 пуд эмал; 1777 йилда 701 пуд тунука, 289 пуд пўлат; 1778 йилда 314 пуд тунука, 804 пуд пўлат; 1779 йилда 978 пуд пўлат Хивага жўнатилган. Шунингдек, темир ва пўлат Бухоро хонлигига ҳам олиб кетилган.

<sup>81</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 13, оп. III, д. 64, л. 7.

<sup>82</sup> ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1374, оп. 3, д. 2490, л. 1—8 и д. 9.

йирик савдогарлар<sup>83</sup> Астрахандан тортиб то Хитой чегарасигача бўлган жойларда Урта Осиё, Хитой ва Ҳиндистон билан савдони ривожлантириш учун «Россия — Осиё компаниясини» тузишни таклиф этдилар. Компаниянинг 24 бўлимдан иборат қонун-қоидаларини ҳукуматга тақдим қилдилар<sup>84</sup>. Бу қонун-қоидаларга кўра, Урта Осиё, Ҳиндистон, Хитой ўртасидаги савдо 20 йил муддат билан компания монополиясига айлантирилиши керак эди. Компаниянинг 3 директори бўлиб, уларнинг бири Бухорода туриб иш олиб бориши лозим эди. Бухорода компаниянинг манфаатларини ҳимоя қилувчи Россия консули тайинланиши уқтириб ўтилган. Компания карвонлари хавфсизлигини таъминлаш учун махсус ҳарбий отряд ажратилишини, темир ва мис сингари моллар билан савдони кенгайтиришни ва бу савдони компания монополиясига айлантириш масаласини кўтардилар, ҳукуматдан пўлатни Осиёга чиқаришга рухсат сўрадилар. «Россия-Осиё компанияси»га Россия савдогарларигина аъзо бўлиб кириши мумкин эди.

Рус ҳукумати компания тузиш ҳаракатига хайрихоҳлик билан қараган. Лекин ўзбек хонликларидаги ўзаро урушлар ва карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш оғир масала эканлиги компаниянинг самарали иш олиб боришига йўл қўймас эди. Бунинг устига ўзбек хонликларида, жумладан, Бухорода Россия элчихонасини очиш ўша пайтда амалга ошадиган иш эмас эди. Хуллас, «Россия-Осиё» компаниясини тузишга ҳали шароит йўқ эди. Шундай қилиб, Урта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан савдонинг муайян равишда ривожланиб боришини таъминлаш ҳаракати бу гал ҳам амалга ошмади. Бироқ юқорида баён этилган рус ҳукумати ва савдогарларнинг тадбирлари рус давлатининг Урта Осиё билан савдо алоқасини ривожлантириш учун қаттиқ киришганлигидан гуноҳлик беради.

#### ХІХ АСРДА САВДО АЛОҚАЛАРИ

ХІХ асрнинг даслабки йилларида Астрахань орқали Урта Осиё ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларида молларнинг турлари ўзгариш юз бермаган. Чунончи, 1803 йилга оид маълумотларда 150 ўрта осиелик савдогарларнинг Астра-

<sup>83</sup> Жумладан, тулалик 1-гилдия савдогар — И. Карелин, переяславлилик 1-гилдия савдогар — К. Крестовников, переяславлилик 2-гилдия савдогар — Ф. Куманин, переяславлилик 2-гилдия савдогар — А. Куманин, ростовлик 1-гилдия савдогар — Ф. Кекин, ростовлик савдогар — Петр Се-ребренников, ростовлик савдогар — С. Кайдалов, ростовлик 2-гилдия савдогар — С. Гогин, москвалик 1-гилдия савдогар — А. А. Купанин, москвалик савдогар — С. Новоселов ва бошқалар.

<sup>84</sup> ЦГИА СССР в Ленинграде, ф. 1374, оп. 3, д. 2490, л. 39-об.

ханга келтирган моллари асосан тайёр маҳсулотлар бўлган-лиги (13-жадвал)<sup>85</sup> қайд этилган. Айниқса, бўз, хом сурп ва гулдор газламалар кўп миқдорда келтирилган. Калава ип ва қоракўллар ҳам анча қисмини ташкил этган. Шунинг кўрсатиб ўтиш лозимки, савдогарларнинг кўпчилиги хивалик (134 киши) бўлган. Улар орасида кўп миқдорда мол билан келган савдогарларни учратиш мумкин. Масалан, Абдулла Аминов

13-жадвал

Моллар	Хиваликлар келтирган	Бухороликлар келтирган	Жами
	сон	сон	
Бўз	3468	5	3473
Хом сурп	1761	158	1919
Дока	461	—	461
Гулдор газлама	1807	40	1847
Олача	498	—	498
Ипак аралаш газлама	150	7	157
Астарлик ип газлама	2	—	2
Тўнлар	107	29	136
Белбоғлар	993	274	1267
Калава ип	1659 пуд, 55 қалоқ	1 қалоқ	1659 пуд, 56 қалоқ
Қоракўллар	1686	127	1814
Тулки мўйнаси	230	10	240

330 пуд калава ип, 613 бўз, 1500 та белбоғ, 436 гулдор газлама, 249 хом сурп, 465 та қоракўл ва бошқа молларни Астраханга келтирган<sup>86</sup>. Иккинчи бир хивалик 94 пуд калава ип, 360 та қоракўл, 476 гулдор газлама, 86 та белбоғ ва бошқа моллар олиб келган<sup>87</sup>. Бошқа бири эса 172 пуд калава ип, 124 хом сурп, 489 бўз ва унинг ҳамроҳи Ниёзов эса 75 пуд калава ип, 574 бўз, 262 гулдор газлама, 305 та олача, 360 та қоракўл ва бошқа шу каби моллар билан келганлар<sup>88</sup>.

Бухороликлар орасида ҳам кўп миқдорда моллар келтирган айрим савдогарларни учратиш мумкин. Жумладан, М. Файзиев деган киши 75 хом сурп, 81 та белбоғ, 20 та тўн

<sup>85</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 466, оп. 1, д. 26, л. 23—26, 27-об, 28, 73, 74-об, 75—75-об.

<sup>86</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 26, в. 12.

<sup>87</sup> Уша архив, в. 14.

<sup>88</sup> Уша архив, в. 13.

ва бошқа моллар келтирган<sup>89</sup>. Айрим маълумотларга қараганда, Астраҳанда калава ипга эҳтиёж анча зўр бўлган. Ҳатто савдо карвонларининг нуқул калава ип билан Астраҳанга келган вақтлари ҳам бўлган. Масалан, 1805 йилда хиваликлар 536 той ва бухороликлар 307 той калава ип келтирганлар<sup>90</sup>. Калава ип кўпроқ маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатилган. Шунинг учун ҳам Астраҳанга келтирилган калава ипнинг миқдори мунтазам ўсиб бормай, гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб турган.

Кейинги йилларда ҳам Урта Осиёдан Астраҳанга келтирилган молларнинг асосий қисмини тайёр маҳсулотлар қоплаган. Масалан 1806 йилнинг 2 июнида хиваликлар каравонидан 3515 хом сурп, 1668 бўз, 594 та белбоғ, 183 та тўн, 42 гулдор газлама, 2256 ва бошқа моллар келтирилган эди<sup>91</sup>. Кўрсатилган йилда бошқа бир нечта хивалик савдогарларнинг моллар билан келганлиги манбаларда қайд қилинган. Жумладан, ўша йилнинг март ойида Астраҳанга 23776 бўз, 11778 гулдор газлама, 3878 хом сурп, 485 та қоракўл ва 1223 пуд калава ип келтирилган. Июнь ойида Маматкарим номли савдогар 3590 хом сурп, 522 бўз, 254 та тўн, 129 та чойшаб, 172 гулдор газлама, 207 та белбоғ, 22 пуд калава ип; Измир Широф деган савдогар 5284 хом сурп; 1769 бўз, 666 гулдор газлама, 283 та тўн, 216 та тулки мўйнаси, 49 та белбоғ; Аваз Бахчиев номли савдогар 1726 хом сурп, 384 бўз, 286 гулдор газлама, Дўсниёзов номли савдогар 1331 хом сурп, 817 бўз ва бошқа молларни келтирганлар<sup>92</sup>. Бундай мисолларни кўпайтириш мумкин, бироқ буни эҳтиёж йўқ. Кўрсатилган молларнинг турлари ва миқдори Урта Осиёдан Астраҳанга келтирилган моллар ҳақида тушунича беради. Шунини айтиб ўтиш лозимки, юқорида баён этилган савдогарлар томонидан ҳаммаси бўлиб 426 пуддан ортиқ калава иплар келтирилган<sup>93</sup>.

XIX асрнинг бошларида Астраҳань орқали Урта Осиё билан савдо анча жонланган. Бироқ савдонинг кенг қулоч ёйишига фақат ўзбек хонликларидаги ўзаро урушларгина эмас, балки Астраҳандаги айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари-нинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари ҳам тўсқинлик қиларди. 1809 йил 11 августда бир гуруҳ хивалик ва бухоролик савдогарлар Астраҳань генерал-губернатори номига ёзган аризасида

божхона ходимлари бож ҳақини ошириб юборганликларини ва бошқа тўсқинликларни кўрсатганлар, Урта Осиё савдогарлари бундай тартибсизликларни дарҳол бекор қилинишига талаб қилганлар<sup>94</sup>.

Савдо-сотиқнинг кенг ривожланишига рус ҳукуматининг Урта Осиё ва, умуман, Шарқ мамлакатларидан келтириладиган молларни карантиндан ўтказиш ҳақидаги фармони ҳам сабаб бўлган. Бу фармонга мувофиқ, 12 кун давомида Астраҳанга келган савдогарлар моллари билан медицина назоратидан ўтишлари шарт эди. Бу тадбирлар юқумли касаллик тарқалишининг олдини олиш нуқтани назардан тўғри бўлса-да, бироқ савдога путур етказарди. Масалан, карантин муносабати билан савдо маълум вақтгача тўхтаб қолиб, савдогарлар фурсатни бой бериб қўярдилар. Бу ҳол Урта Осиё савдогарларининг норозилигига сабаб бўларди, албатта. 1805 йилда хивалик карвон боши Ишниёзов Астраҳань граждан-губернаторига шу мазмунда хат ёзган: «Шу июль ойида Хива ва Бухородан бизга тегишли карвон бешта савдо кемаларида моллар ва кўп одамлар билан Манқишлоқ пристанидан Седлистовга келди... Бироқ Седлистовда кўрсатилган кемалар моллари ва одамлари билан карантинда нима учундир бир ҳафтадан ортиқ ушланиб, Астраҳанга қўйилмаётир...». Шунингдек, у ўтган йили ўрта осиеликларнинг карантинда узоқ ушланиб қолиниши натижасида қишлаб қолишга мажбур бўлганларини, бунинг оқибатида катта зиён кўрганларини маълум қилди. Карвон боши савдогарларнинг карантиндан тез бўшатилиб, уларнинг ўз ватанларига тезроқ қайтишларига ёрдам беришини сўради<sup>95</sup>.

Карантин Урта Осиё савдогарларинигина эмас, балки айрим рус амалдорларини ҳам ташвишга солди. Жумладан, Эрондаги рус консули Скобинский ўзининг рус ҳукуматига ёзган хатида карантиннинг ортиқча тадбир эканлигини, у Урта Осиё савдосининг сусайишига олиб келишини кўрсатиб ўтди. Шунингдек, хатда Астраҳанга ва Оренбургга келтириладиган моллар асосан ўзбек хонликларига қарашли маҳаллий маҳсулотлар ҳисобланиб, ўрта осиеликлар юқумли касаллик тарқалган жойлар — Туркия ва Эрон билан яқиндан алоқа қилмасликлари баён этилади. Бу билан бир қаторда, Скобинский Афғонистон ва Ҳиндистон молларининг Бухоро орқали Астраҳанга келтирилиши ҳам ҳеч қандай юқумли касаллик тарқатмаслигини кўрсатиб ўтди. Хуллас, Скобинский Урта Осиё савдосига нисбатан карантинни қўл-

<sup>89</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 27, в. 7.

<sup>90</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 105, в. 49—50.

<sup>91</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 233, в. 70—71, 129, 137.

<sup>92</sup> Уша жойда, в. 5—9.

<sup>93</sup> Уша жойда, в. 70—71, 129—137.

<sup>94</sup> Уша архив, ф. 1, оп. II, д. 48, в. 183.

<sup>95</sup> Уша архив, ф. 466, оп. 1, д. 105, в. 46—47.

лаш асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтди. У карантинни амалга оширишга қаратилган тадбирлар учун ҳар йили ўн минг сўмдан ортиқ пул сарфланаётганини ва бундан давлат хазинасига зарар етаётганлигини маълум қилди<sup>96</sup>.

Скобинский тақлифлари ҳақида рус давлати вакиллари ўртасида фикр алмашилди. Астрахань генерал-губернатори ўзининг ички ишлар министрлигига ёзган хатида Скобинскийнинг тақлифларига қарши чиқди. Унинг фикрича, Бухоро ва Хива хонликлари Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа жойлар билан яқиндан савдо алоқалари қилиб туради. Шунинг учун у жойлардаги юқумли касалликлар ўзбек хонликлари орқали Астраханга ўтгани ҳеч гап эмас эканлигини хатда уқтириб ўтди.

Астрахань генерал-губернатори ҳукуматдан ҳар эҳтимолга қарши карантинни бекор қилмасликни сўради. Генерал-губернатор чегарадан олинадиган маълумотларга қараб карантинни кучайтириш ёки сусайтиришни тақлиф этди<sup>97-98</sup>.

Карантин масаласи нима билан тамом бўлганлиги бизга номаълум. Лекин кейинги йиллардаги баъзи маълумотларга қараганда, карантин бекор қилинмаган. 1811 йилнинг 18 августидан карантин ходимлари 5634 бўз, 5730 хом сурп, 5400 гулдор газлама, 3489 пуд калава ип, 1235 та белбоғ ва 5500 та қоракўл сингари Урта Осиё молларини карантинга қабул қилинганлигини Астрахань генерал-губернаторига маълум қилган<sup>99</sup>. Афтидан, карантин эълон қилиш дастлабки вақтларга қараганда бирмунча тартибга солинган. Чунки савдогарларнинг карантинга қарши норозилиги ҳақида архив ҳужжатларида маълумотлар учрамайди.

Қўлимизда 1812—1821 йиллар давомида Астраханга келтирилган молларнинг миқдорини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд:

Россия савдогарлари	892454 сўм
Арман савдогарлари	9018816 сўм
Эрон савдогарлари	23027303 сўм
Хива, Бухоро ва татар савдогарлари	5317757 сўм

Бу маълумотларга кўра, ҳар йили ўрта ҳисобда ярим миллиондан ортиқ Урта Осиё моллари рус, арман ва бошқа савдогарлар томонидан Астраханга келтириб турилган. Кўрса-

<sup>96</sup> Уша архив, ф. 1, оп. 2, д. 138, в. 1—4.

<sup>97-98</sup> Уша архив, ф. 1, оп. 2, д. 138, в. 22—23.

<sup>99</sup> Уша архив, ф. 1, д. 109, в. 3—5.

тилган йилларда Астраханга келтирилган Урта Осиё молларининг турлари ўзгармаган. Фақат пахтанинг миқдори айрим вақтларда бирмунча ошган, холос. Масалан, 1821 йилнинг 13 августидан 10 та хивалик савдогар 226 той пахта келтирган<sup>100</sup>. Уша йилнинг 4 декабрида 8539 бўз, 9955 хом сурп, 2950 газлама, 150 та олача, 1824 та тўн ва бошқа моллар билан бирга 60 тахта пахта ва 4 тўп ип келтирилган<sup>101</sup>. 1822 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида 6783 баста, 8606 бўз, 109 та тўн, 35 тўп калава ип ва 109 той пахта<sup>102</sup>; 1823 йилнинг 5 январидан эса 3710 та бўз, 3900 баем, 3200 хом сурп, 800 гулдор газлама, 290 та тўн, 13 тўп калава ип ва 5 той пахта келтирилган эди<sup>103</sup>.

Уша йилнинг январь ва июль ойларида ўрта осиелик савдогарларнинг ҳар бири қанча миқдорда мол келтирилганлиги ҳақида маълумотларга (14-жадвал) эгамиз.

Жадвалда номланган савдогарларнинг ҳаммаси (булардан бир киши бухоролик) хивалик бўлиб, улар Астрахань орқали савдода ҳамон асосий ўринни эгаллаб келмоқда эдилар.

1824 йилнинг ноябрида эса 30085 газлама, 22026 хом сурп, 7316 бўз, 429 та олача, 2972 та тўн, 79 та қоракўл, 9 пахта, 61 той ва 9 пуд калава ип Астраханга келтирилган<sup>104</sup>.

Демак, бу ерга келтирилган молларнинг асосий қисмини ҳамон газлама ташкил этиб, пахта ва калава ип, айрим йилларни ҳисобга олмаганда, унчалик кўп келтирилмаган. Бу йилларда Астраханга Урта Осиё моллари билан бирга яна бир неча хил бошқа моллар (15 жадвал)<sup>105</sup> олиб келинган.

Булардан ташқари, дармана, кунжут ёғи, гилам ва бошқа моллар, яъни 50 хилдан ортиқроқ Урта Осиё моллари Астраханга келтириб турилган. Булар орасида чет мамлакат моллари жумладан, ҳинд шолиси кўп миқдорда келтирилган.

1826 йилда бухороликларнинг савдо обороти қуйидагича (16-жадвал)<sup>106</sup> бўлган.

Жадвалда баъзи бухороликларнинг савдо обороти кўр-

<sup>100</sup> Уша архив, ф. 471, оп. 1, д. 127, в. 24.

<sup>101</sup> Уша архив, д. 128, л. 27—29-об; 46—47-об.

<sup>102</sup> Уша архив, д. 270, в. 37, 55, 38 ва 56.

<sup>103</sup> Уша архив, д. 269, в. 27—29.

<sup>104</sup> Уша архив, ф. 471, оп. 1, д. 497, в. 108—113.

<sup>105</sup> Уша архив, ф. 679, оп. 1, д. 48, в. 46 орқаси, 47, 53—60.

<sup>106</sup> Уша архив, ф. 679, оп. 1, д. 48, в. 46

<sup>107</sup> Маълумки, у вақтларда ўрта осиелик савдогарлар номлари жадвалда кўрсатилганидек аталмаган, албатта. Божхона ходимлари ҳужжатлар тузишда савдогарлар номларини европаштирган. Бу ҳол кейинги саҳифаларда ўрта осиелик савдогарлар номига оид ҳужжатлардан ҳам аён.

Савдогарлар	Моллар		Савдогарлар	Моллар		Савдогарлар	Моллар	
	сум	тийин		сум	тийин		сум	тийин
А. Назаров	4792		Н. Холмамедов	3232		П. Жабборбердиев	3140	
Б. Сайдикулов	845		Б. Худойбердиев	150		Б. Воискулов	3368	10
М. Ниёзатов	3251		Х. Отаннёзов	3540		И. Умарминор	1580	
С. Раҳмонкулов	1690	50	М. Холмамедов	1160	50	С. Эшнқёзов	1589	20
М. Раҳмонкулов	1333		И. Рашидов	1227	80	П. Панаев	1160	80
А. Воискулов	3751		Б. Ширмамедов	108	50	Г. Бобоев	1753	60
К. Полвонкулов	1760		К. Хўжакулов	136		А. Ниёзов	6610	
И. Жалилов	3631	50	А. Ниёзов	5452	10	А. Боиннёзов	650	50
Э. Раҳмонкулов	3200		А. Чамполатов	1340		И. Мирзабоев	4506	
Н. Содиқов	1103		С. Бобоев	3688		У. Саидниёзов	2399	
Ч. Латип	2768		Н. Азизов	954	20	К. Абдуллаев	620	20
И. Жалилов	1385		Г. Нурбобоев	6322	50	И. Қобулов	2613	60
В. Раимбердиев	3156		А. Азизов	3190		И. Широв	120	
Л. Қаландаров	1894	20	К. Назаров	1080		Е. Ниёзов	5280	
К. Наиров	1875		И. Аббосов	6917		П. Бердиев	1234	
Т. Бердиев	644		И. Ашуоров	4628		Р. Қилчичев	2290	
Н. Ниёзов	1195		И. Назаров	2422		А. Талъатов	5660	
Н. Мамат	961	50	Б. Алиматов	10509	90	А. Ниёзметов	1254	50
М. Аминов	2574							

сатилмаган (бунинг сабаби манбада айтилмаган). Эҳтимол бухороликлар олдинги йилда келтирган молларини сотиб, 1826 йилда рус моллари билан ўз ватанига қайтган бўлсалар керак. Шунинг учун божхона ходимлари бухороликларнинг келтирган моллари бўйича маблағларни кейинги йил ҳисобига киритмаганлар.

15-жадвал

Моллар	Миқдори	Сум	Тийин	Моллар	Миқдори	Сум	Тийин
Бўз	18692	341254	15	духоба	23 ва 9 газ	311	75
Олача	4389	8417	50	жун	4 пуд	—	—
Ип газлама	70330	211843	65	пахта	80	—	—
Хом сурп	190			калава ип	33	—	—
Чордор	42	187		ошланган тери	39	—	—
Тастаров <sup>108</sup>	998	974		бўри териси	50	153	
Қизил газлама	9314	23332	10	тулки мўйнаси	357	117	70
Ола-була мато	501	1612	50	оёқ кийими	231	—	—
Чопон газлама	11	137	50	қоракўл	12107	51517	30
Рўмоллар	17	31	20	пўстин	2	12	
Белбоғлар	398	3649		кўзойнак	18	9	
Кўрпалар	54			тугмачалар	3000	111	
Тўнлар	10629	8567		чай	3 пуд	84	
Ипак аралаш газлама	9	90		фируза тоши	3680	73	
Кашмир шолиси	179	249065		қамиш	487	845	50
Телпак	46	33		фируза майдаси	5 пуд	1500	
Чакмон	9	27		бўёқ	168 пуд	1130	75
Камар	16	3		отлар	5	1750	

Яна шу нарсани тахмин қилиш мумкинки, айрим вақтларда бухороликлар Нижний-Новгород ярмаркасида ўз молларини сотиб, Астрахань орқали Бухорога қайтганлар. Шунинг учун жаadwalда айрим бухороликлар келтирган моллар миқдори кўрсатилмаган.

1826 йилга тегишли маълумотга кўра, Астрахань орқали савдода хиваликлар ҳамон муҳим ўринни (17-жадвал)<sup>108</sup> эгаллаган.

Умуман, 1826 йилга келиб Урта Осиёнинг Астрахань орқали Россия билан савдоси анча кучайди. Бунга 1827 йилнинг 8 январида Астрахань божхона округининг молия ми-нистрлигига ёзган хатига кўра, Эрондаги уруш туфайли Эрондан Астраханга моллар келтиришнинг тўхтаб қолиши сабаб

<sup>108</sup> Газлама турларидан бири, манбаларда бу газлама номи бузиб берилган.

бўлган. Шу хатда агарда Эрон билан савдо алоқалари тикланмаса, бунинг ҳисобига Хива хонлиги билангина эмас, балки Бухоро хонлиги билан ҳам савдони кучайтириб юбориш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган<sup>109</sup>.

Дарҳақиқат, Урта Осиёнинг рус давлати билан савдо алоқасининг муайян ўсиб боришига ўзбек хонликларидаги ўза-

16-жадвал

Савдогарлар	Моллар		Савдогарлар	Моллар	
	сўм	тийин		сўм	тийин
М. Рашидов	—	—	Ш. Ниёзов	—	—
М. Жалилов	—	—	Ф. Мирзажонов	—	—
А. Ортиқов	7292	50	М. Аминов	—	—
Р. Исмадуллаев	—	—	А. Низомбердиев	—	—
А. Болтаев	250	20	М. Абдуллаев	—	—
М. Болтаев	—	—	Б. Тоиров	47596	—
Маматали	148	90	Мирзамамедов	46	—
Мулланиёз	—	—			
Б. Маҳаматов	—	—	Х. Тоиров	13990	—
М. Авазов	—	—	Асатуллаев	—	—
М. Ниёзов	—	—	М. Аҳроров	—	—
М. Ашурмамедов	46	—			

ро уруш ва зиддиятлардан<sup>110</sup> ташқари, эронликларнинг рақобати ҳам тўсқинлик қилган. Уруш натижасида Россиянинг Эрон билан савдоси тўхтаган. Бу пайтда Астраханга Урта Осиё молларини келтиришнинг кучайиши билан бир қаторда, бу молларнинг нархи ҳам ошган. Айниқса, Урта Осиё пахтасига талаб кучли бўлиб, унинг нархи ортган. Бир пуд пахта 21—23 сўмга сотилган (аввал бир пуди 14—16 сўм атрофида сотиларди)\*. Шунингдек, бошқа Урта Осиё молларининг нархи ҳам кўтарилган.

<sup>109</sup> Уша архив, ф. 672, оп. 1, д. 37, в. 10.

<sup>110</sup> Чунончи, 1827 йил май ойида Астрахань божхона округининг бошлиғи молия министрлигига берган ҳисобида Астрахань портига Хива ва Бухоро карвонлари секинлик билан келаётганлигини ва бунга Бухоро хонлигидаги жанжаллар сабаб бўлаётганини маълум қилган. Июнь ойида берган хабарига қараганда Урта Осиё карвонлари ҳам кела бошлаганлиги айтилган. Бу ҳол рус савдогарларига анча фойда келтирарди. Чунки хиваликлар ва бухороликлар кечикканликлари туфайли Нижний-Новгород ярмаркасига улгура олмайдилар. Фурсатдан фойдаланиб, рус савдогарлари ярмаркадан Астраханга келишга улгуриб, молларни ўрта осиеликларга сотганлар ва жуда катта фойда кўрганлар. Бошқача қилиб айтганда, ўрта осиеликлар рус молларини иккинчи қўлдан олишга мажбур бўлардилар.

\* Государственный архив Астраханской области, ф. 679, оп. 1, д. 46, л. 58.

Бироқ Астраханда Урта Осиё савдосининг жонланиши узоққа чўзилмади. 1829 йилда Эронда тинч вазият вужудга келади. У ердан Астраханга кўп миқдорда турли моллар келтирилади бошлади. Ҳатто, уруш туфайли тўхтаб қолган савдонинг ўрнини қоплаш учун Россиядан Эронга олиб кетиладиган молларнинг ҳажми ошиб кетди. Натижада Эрон савдогарлари Астрахань савдосида асосий ўринни (18-жадвал)<sup>111</sup> эгаллашга эришдилар.

Бу жадвалдан маълумки, Россия тобелигига ўтган эронликлар ҳам савдо-сотиқда салмоқли ўрин эгаллаган. Астрахань маҳаллий ҳокимиятининг маълумотиغا қараганда, кейинги вақтларда Волга дарёсининг Каспий денгизига қуйиладиган қўлтиғида сувнинг пасайиши кема қатновини қийинлаштирган. Бу ҳол ўзбек хонликлари ва Эрон билан савдонинг кенг қўламда боришига маълум даражада халақит берган.

Бироқ бу тўсиқларга қарамай, Урта Осиё савдогарлари савдони кейинги вақтларда ҳам давом эттирганлар. 1830 йилда бир гуруҳ хивалик ва бухороликларнинг турли газлама, пахта, калава ип, белбоғ ва бошқа Урта Осиё молларини Астраханга келтирганликлари божхона ҳужжатларида қайд қилинган<sup>112</sup>. Бундай маълумотларни 1833 йилдаги божхона ҳужжатларида ҳам кўриш мумкин<sup>113</sup>.

1834 йилда Хива хонлигидан 505128 сўмлик моллар Астраханга келтирилиб, бу ердан 556929 сўмлик рус моллари олиб кетилган. 1835 йилда эса келтирилган Урта Осиё молларининг миқдори 655552 сўмни ташкил этган<sup>114</sup>. Шу йили Урта Осиё молларининг Астраханга келтирилганлиги ҳақида Астрахань архивидаги ҳужжатларда ҳам айрим маълумотлар бор<sup>115</sup>. Бундай маълумотлар 1836 йилга оид ҳужжатларда ҳам мавжуд<sup>116</sup>.

1836 йилда рус ҳукумати Урта Осиёнинг ички томонига суқилиб кириб ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида Оренбург генерал-губернатори Перовский бошчилигида Хива хонлигига экспедиция юборишга қарор қилди. Перовский ўз юришини бошлашдан олдин Хива хони Оллоқулга хат билан муро-

<sup>111</sup> Уша архив, ф. 679, оп. 1, д. 95, в. 3.

<sup>112</sup> Уша архив, ф. 471, оп. 1, д. 926, в. 100—104.

<sup>113</sup> Уша архив, ф. 471, оп. 1, д. 1241, в. 36, 37, 38—41; д. 1240, вв. 43—45, 48—49, 58—62, 75—77—81, 103, 110—115, 138—139, 156—159, 168, 169, 171—173.

<sup>114</sup> Журн. МВД, СПб., 1836, кн. 7—9, стр. 342.

<sup>115</sup> Уша журнал, д. 1547, лл. 17, 37, 53—60, 76—77, 90—99; д. 1544, лл. 126—131; д. 1504, л. 133—140; д. 1511, л. 33, 42—44, 56—59—60, 77—81, 87, 102—104, 122, 127.

<sup>116</sup> Уша журнал, ф. 460, оп. 1, д. 134, в. 12, 27—33, 38, 49—51, 67—72, д. 174, в. 28—30, 37—42, 49—52—53.

Савдогарлар	Моллар		Савдогарлар	Моллар		Савдогарлар	Моллар	
	сўм	тинин		сўм	тинин		сўм	тинин
Нодирматов	9316	40	Н. Маматов	4544	50	Л. Аббосов	9887	
А. Полвонкулов	7560		Н. Содиқов	1490		И. Жамолов	48864	
Х. Отаниёзов	3480		А. Жафаров	15473	50	А. Жаллолов	6817	60
Эшматов	5637	50	В. Ниёзов	7654	60	Л. Сенткулов	870	
У. Абдуллаев	10974	50	Б. Сенткулов	10554		Б. Бадав	9090	50
А. Воисов	2474	50	А. Ниёзов	14733		Н. Жаллолов	10072	
М. Алиқамбаров	3565	50	А. Худойбердиев	87675	80	А. Ниёзматов	800	50
И. Байдов	23509	55	Н. Бобоев	8408	50	М. Ниёзматов	4522	50
М. Бердиев	33106		А. Рахимов	20431	40	М. Султонов	18972	50
К. Раймов	986		К. Нурбобоев	1962	50	Я. Бобо	1015	
Н. Наумбетниёзов	16268		С. Назаров	1962	50	М. Дўсматов	1422	
Р. Ойвазиев	1653	80	Н. Авазбердиев	2035	60	Р. Аллашев	2388	50
М. Ортиқов	1632		Р. Рахимов	5839		А. Сафаров	2692	20
А. Мамат	1845		Х. Назаров	5830		А. Дўсматов	1360	50
С. Ниёзов	3674	90	К. Каримберди	2851		С. Ражабметов	3287	50
Б. Шариф	1960	50	Т. Назаров	6830	30	П. Полвонкулов	3487	
А. Нодирматов	864	75	М. Меликулов	11188		А. Авазиев	3054	10
А. Ермакелов	4914		Ш. Ёқубов	726		А. Бекбосов	2705	
О. А. Абдукаримов	225	90	З. Оллоназаров	2926		К. Абдуллаев	2434	
А. Усенбоев	4299	50	Полвон	848		Ю. Ниёзов	1407	50
Б. Жандосов	2055	20	С. Маматов	1755	40	М. Абсатторов	1558	40
С. Бордиев	16395		Ш. Абдурашидов	4461		Б. Отаниёзов	1112	50
М. Бобоев	5765	20	Кулниёзов	3300		М. Сандиёзов	1620	95
Б. Хусайнов	20366		М. Раҳмонкулов	4070	2	Ш. Азизов	30023	
А. Худойбердиев	14362	40	С. Маматов	1368	20	П. Рўзимамедов	4701	
Р. Мухаммадназаров	732		С. Ясемтом	742			2880	
			Ж. Раймкулов	3141				

А. Бектурдиев	5082		С. Авазбердиев	1612	20	Г. Эшниеъов	2312	50
К. Юсупов	7988		Н. Жалилов	983	50	Х. Хўжайиёзов	2324	
Мирхўжа	1092		М. Мухамедов	1542		А. Ашуржонов	2446	50
М. Бердиев	673	50	А. Алисов	508	20	Х. Хўжаев	4596	
М. Назаров	100		К. Хошимов	6150		Қ. Дўсматов	1368	
А. Жонбоев	2952	40	Қ. Болтаев	10756	50	Л. Вонскулев	1155	
М. Хўжаев	2595		П. Бердиев	7359		А. Афонбоев	6530	
И. Ашуров	69	50	Ж. Алаев	2280	50	У. Абдурашидов	8596	50
Қули Аҳмедов	66		К. Ниёзматов	6781	50	А. Назаров	6197	50
И. Оқов	759		Х. Нурозиев	2671	30	С. Қулибобоев	850	
Ниёзметназаров	699		Н. Ниёзов	2677	50	Г. Қаландаров	3583	
А. Эшматов	1819		П. Эшниеъов	3584	50			
И. Қулиев	2620	50	К. Назаров	3398	50	Б. Махмудов	10769	
П. Бобоев	3262	70	М. Ниёзматов	3046	10	С. Рашидов	8682	80
А. Сеитниёзов	5065	60	П. Бердиев	9259	50	М. Раззоқов	234	50
А. Аҳмедов	4283	20	Мусо Пиров	2597	20	С. Полвонкулов	8893	50
Х. Бойжонов	10278	50	С. Ниёзматов	1583	20	А. Қайюмов	13097	50
С. Нетьматов	8590		К. Аҳмедов	3569	40	Д. Гилдиштиров	6635	
П. Шохмутов	11875	30	Б. Бояскулов	3835	50	М. Абдуллаев	563	
М. Сатторкулов	9863	30	Қаландаров	2174	50	А. Назаров	3724	90
А. Қулниеъов	11542	30	Қ. Шарипов	2161	80	А. Маматов	2182	50
Қурбонниёз	9017	50	Б. Шарипов	880		А. Кучиков	16793	50
Б. Иохаматов	8664	20	Б. Ниёзматов	2270		Б. Ниёз	3420	50
И. Қобулов	1814	70	А. Хусайнов	2656		Бобоширов	6517	50
Абдужаббор	14907	50	А. Маматов	2078		С. Инниёзов	7380	50
К. Аллашев	5396	30	А. Турсунов	8216		А. Саванкулов	6430	50
А. Ашууров	1358		П. Назаров	14079		И. Абдурахимов	2690	
А. Панзуллаев	1280		Раҳимов	2736		А. Абдурахиманов	3307	
А. Давлатқул	6183		Н. Ниёзиев	3775		Р. Эшниеъов	2565	50
П. Панаев	12306		Б. Полвонкулов	3849		П. Ниёзов	20682	50
М. Худойназаров	4560		А. Назаров	10801		А. Ниёзматов	3420	50
Л. Абдурахиманов	2332		К. Ниёзов	4207		А. Қулниеъов	2660	50
А. Дўстниёзов	12715		А. Эшниеъов	929		А. Сафаров	5244	
А. Ниёзматов	6915		Р. Полвонкулов	1420		Н. Бердиев	10167	
М. Бакиев	3513		М. Абдурахиманов	1720		А. Рўзиматов	1503	
			Н. Дўсумов	4963				



жаат қилади. Хатда хонликдаги рус асирларини ўз ватанига қайтарилишини, қирғиз-қайсақларнинг ички ишига аралашмасликни ва рус давлати савдогарларига кенг ҳуқуқлар берилишини талаб этди. Перовский бу талаблар амалга олмагунча ҳеч қандай музокара олиб борилмаслигини хонга маълум қилди. Айни вақтда рус ҳукумати Астрахань, Оренбург ва Сибирь линияларида хивалик савдогарларни ушлаб қолиш ҳақида кўрсатма берди<sup>117</sup>.

18-жадвал

Савдогарлар	Келтирилган моллар		Олиб кетилган моллар	
	сўм	тийин	сўм	тийин
Россия савдогарлари	87899	90	551993	
Россиядаги арманлар	203145	78	538897	
Россиядаги эронликлар	910—347	17	1146747	85
Россия татарлари	4680	68	1591368	15
Эронлик савдогарлар	1350988			
Эрон арманлари	—		8330	
Хиваликлар	629096	15	690565	50
Бухороликлар	26973	75	48296	

Хива хонлигининг ҳукмрон доиралари рус ҳукумати талабларини бажаришдан бош тортди. Лекин Россия билан алоқанинг узилиши хонлиkning иқтисодий аҳволига сезиларли таъсир этди. Шунинг учун ҳам Хива хони рус ҳукуматининг айрим талабларини қондириш орқали Россия билан алоқани тиклашга ҳаракат қилди. 1837 йилда Хива хони Қобилбой деган элчи орқали 25 рус асирини қимматли совғалар билан Россияга юборди. Лекин рус ҳукумати ўз талабларининг тўла қондирилишини сўраб, элчини қайтариб юборди. Шундан кейин Хива хони Бухоро хонлиги билан Россияга қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилди. Лекин бу уриниш натижа бермагач, Хива хони Россия билан алоқани яхшилаш мақсадида Россияга яна элчи жўнади. Россия билан Хива ўртасидаги алоқанинг ёмонлигини хонлиkning аҳволига салбий таъсир этди. Бу ерда рус молларига талаб кучайди ва молларнинг нар-

<sup>117</sup> Уша архив, ф. 464, оп. 1, д. 190, в. 8.

хи кўтарилди. Бу ҳақда 1837 йилга тегишли маълумотлар (19-жадвал) гувоҳлик беради.

Хива хонлигида рус молларидан халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кенг фойдаланилган. Бу тўғрида хиваликлардан бири шундай деган эди: «Ҳозирда хиваликлар Россияга жуда боғланиб қолган. Уларнинг кундалик турмушида темир ва чўян муҳим ўринни эгаллайди, булардан бел, омов,

19-жадвал

Рус моллари	Хивадаги нархи	
	1836 йилгача	1836 йилдан кейин
Кўнғир чарми 10 донаси	130 сўм	270 сўм
Арзамас чарми 10 донаси	155 сўм	300 сўм
Аччиқ тош 1 пуди	12 сўм	40 сўм
Қанд 1 пуди	50 сўм	68 сўм
Киновар (бўёқ) 1 пуди	150 сўм	600 сўм
Симоб 1 пуди	240 сўм	500 сўм
Чит 50 гази	35 сўм	40 сўм
Миткал <sup>118</sup> 50 гази	22 сўм	30 сўм
Рангли мовут	150 сўм	210 сўм
Чўян 16 пуди	112 сўм	150 сўм
Тулука 1 пуди	9 сўм	15 сўм
Пулат 1 пуди	12 сўм	20 сўм

пичоқ, болта, ўроқ, қурол-аслаҳалар, арра, уй асбоблари тайёрланади. Шунингдек, хиваликлар чарм ва бошқа зарур молларни ҳам Россиядан оладилар».

Россиянинг Хива хонлиги моллари учун талабчан бозор сифатидаги аҳамияти ҳам катта эди. «Хива хонлиги, — деб ёзилган эди ҳужжатларнинг бирида, — пахта, ип, газлама, турли мева ва бошқа молларни Эрон, Бухоро ва Афғонистонда сота олмайдилар. Улар ўз молларини фақат Россияда ўтказишлари мумкин эди. Шунинг учун хиваликлар савдо соҳасида Россияга бутунлай боғланиб қолган».

Шундай қилиб, Хива хонлиги, бир томондан, рус молларининг етишмаслигидан, иккинчи томондан, эса ўз моллари учун талабчан бозордан маҳрум бўлиб, катта қийинчиликларни кечирмоқда эди. Хива хонлиги бу аҳволни бир оз енгиллаштириш мақсадида рус молларини Бухородан олишга уриниб кўрди. Хива хонининг кўрсатмасига мувофиқ, хонлик тер-

<sup>118</sup> Ип газламанинг бир хили.

риторийсидан ўтадиган Бухоро қарвонларига Хива молларини олиш ва рус молларидан бир қисмини сотиш мажбурияти юклатилди.

Бухоро хонлиги фурсатдан фойдаланиб (1837—1838) Россия билан алоқасини анча кучайтиришга муваффақ бўлди. 1838 йилда Астраханга келган ўрта осиелик савдогарларнинг ҳаммаси бухороликлар бўлиб, улар пахта, калава ип, хом сурп, бўз, гулдор газлама, чойшаб, гилам, қорақўл, қалпоқ, тўн сингари молларни келтирганлар<sup>119</sup>.

1839 йилда рус ҳукумати Хива хонлигини эгаллаш мақсадида Перовский бошчилигида ҳарбий экспедиция жўнатди. Бироқ бу экспедиция табиий шароит оғирлиги туфайли катта йўқотиш билан Оренбургга қайтди. Бу Хива билан Россия муносабатининг юмшашига олиб келди. Бунинг устига Хива хони рус давлати билан савдо алоқасини тиклаш мақсадида 1840 йилда Отаниёз хўжа номли элчини 418 рус асирлари билан Оренбургга жўнатди. Шу билан бирга, Хива хони ўз қўл остидаги қорақалпоқ, туркман, қирғиз бошлиқларига ва хонлиқнинг маҳаллий ҳокимиятига бундан кейин русларни асирликка олмаслик ҳақида махсус кўрсатма берди. Шунингдек русларга тажовуз қилмаслик ва рус давлати билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлинганлиги тўғрисида хабар қилинди<sup>120</sup>. 1840 йилда Хива хонлиги билан савдо ва элчилик муносабатлари тикланганлиги ҳақида Астрахань ва Оренбург маҳаллий ҳокимиятига буйруқ берилди. Астраханда ва бошқа жойларда тутиб қолинган хиваликлар озод қилиниб, улар фаолиятларига йўл қўйилди<sup>121</sup>.

Хива хонлиги билан муносабатнинг бузилиши рус давлати манфаатларига ҳам зид эди. Шунинг учун ҳам рус ҳукумати Хива хонлиги билан алоқани тиклашга мажбур бўлган.

Рус ҳукумати Хива хонлиги билан алоқа тикланганлигини расмийлаштириш мақсадида Хива элчиси Отаниёз хўжанинг Петербургга боришига рухсат берди. Шу мақсадда Хивага ҳам рус элчиси юборилди. Шундай қилиб, ҳар икки томон ўртасида савдо алоқалари тикланиб, хиваликлар Астраханга қатнай бошладилар. Бу ҳақда 1841 йилда тузилган ҳужжат гувоҳлик беради<sup>122</sup>. Кейинги 1842 йилда Астраханга 6072 сўм-

лик пахта, 17284 сўмлик калава ип, 17259 сўмлик ип газлама, 1233 сўмлик ипак буюмлари, 1090 сўмлик мўйналар, 212 сўмлик жун буюмлар ва 3229 сўмлик бошқа моллар келтирилган<sup>123</sup>. 1843 йилда эса 4586 хом сурп, 2621 бўз, 1187 олабула мато, 5404 қизил газлама, 413 та белбоғ, 993 та қорақўл, 4586 та тулки мўйнаси, 679 той пахта, 124 той калава ип ва бошқа моллар олиб келинган<sup>124</sup>. Хива хонлиги билан Россия ўртасида савдо алоқалари тикланган бўлса-да, лекин Астрахань маҳаллий ҳокимиятининг баъзи вакиллари ўзбошимчалик билан хивалик савдогарларни чеклашга уринардилар. Масалан, Астрахань шаҳар думаси хиваликларни гильдияга ёзилишларига мажбур қилиб улгуржи савдо билан шуғулланишларига йўл қўймаган. Шунинг учун ҳам хиваликлар шаҳар думасининг тадбирига норозилик билдириб божхона бошлиғига арз қилдилар. Натижада шаҳар думаси ва божхона ўртасида ёзишмалар бўлиб, хиваликларнинг даволари қонуний эканлиги исботланди. Божхона шаҳар думасига шу нарсани кўрсатиб ўтдики, агарда хиваликлар фаолиятига тўсқинлик қилинса, улар Астрахандан безадилар. Бу эса давлат манфаатларига очиқдан-очиқ зарардир<sup>125</sup>. Божхонанинг шаҳар думаси билан ёзишмаси нима билан тамом бўлганлиги бизга номаълум. Бироқ кейинги йилларда ҳар икки томон ўртасида савдо алоқалари одатдагича давом этган. 1845 йилнинг январда 635 сўмлик калава ип, 21272 сўмлик пахта, 2224 сўмлик мўйналар, ўша йилнинг август ва сентябрь ойларида эса 292 той пахта, 6406 та тўн, 12343 та олача, 5828 хом сурп, 451 та кўрпа, 50 та белбоғ, 197 олабула газлама, 9 калава ип, 914 та қорақўл, 947 та тулки мўйнаси, 105 та сиёҳдон, 14 та гилам ва бошқа Ўрта Осиё моллари Астраханга келтирилган<sup>126</sup>.

1846 йилда айрим рус фабрикант ва савдогарлари Астрахань ва Хива хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларини янада кучайтириш учун компания тузиш масаласини кўтариб, махсус хат билан ҳукуматга мурожаат қилдилар. Хат эгалари — I-гильдия савдогарлари, фабрикантлари — И. Ф. Баранов ва С. И. Зубов Хива хонлигидан пахта, рўян сингари қимматли молларни келтириш кўпаяётганлигини маълум қилган. Шу билан бирга, савдони кучайтириш зарурлигини баён

<sup>119</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 460, оп. 1, д. 559, л. 28—29, 37—39, 48—49—50, 57—59.

<sup>120</sup> С. В. Жуковский, Юқорда кўрсатилган асар, 120—121-бетлар.

<sup>121</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 2, оп. 2, д. 191, л. 1—2.

<sup>122</sup> Уша архив, ф. 460, оп. 1, д. 1223, в. 23—24, 27—28, д. 1140, в. 29; д. 1223, в. 15—29.

<sup>123</sup> Уша архив, ф. 672, оп. 1, д. 248, в. 25 орқаси, 28.

<sup>124</sup> Уша архив, ф. 460, оп. 1, д. 1766, в. 16—18, 31, 33, 37, 52—53, 55—56, 67—68, 71—72; д. 1606, 13, 15—16, 21; д. 1686, в. 17—18, 35—40, 44—46; д. 1755, в. 45—47.

<sup>125</sup> Уша архив, ф. 681, оп. 1, д. 3232, в. 3—7.

<sup>126</sup> Уша архив, ф. 460, оп. 1, д. 279, в. 272 орқаси, 274; д. 2428, в. 33; д. 438, в. 16; д. 2433, в. 59; д. 2433, л. 46-об, 60, 34-об, 35, 47—50 об, 51, 61-об—63; д. 2438, в. 34, 38, 40, 41, 54, 64—65, 69, 93.

қилганлар: Уларнинг ёзишича, Россияга келтириладиган моллар миқдорининг ўсиши Хивада пахтанинг янада кўпроқ экилишига сабаб бўлган. Хива хонлиги билан савдони кучайтириш ва компания фаолиятини йўлга қўйиш учун алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш ва Ново-Александровскийда склад қуриш зарурлигини кўрсатганлар. Шунингдек, рус фабрикантлари Орол денгизи, Амударё орқали янги линия очиш зарурлигини уқтириб ўтганлар. Уларнинг фикрича, Орол денгиздаги балиқ ва бошқа ҳайвонлар овладиган жойлар Хива хонлигидан ижарага олинishi ва бу билан компания фаолиятига энгилли туғдирилиши керак эди. Компания учун Орол денгизининг Бирс оролида склад қуриш зарур эди. Хуллас, Орол денгизи орқали ўтадиган янги линиянинг қулайлиги ва яқинлиги хатта алоҳида кўрсатиб ўтилган. Рус фабрикантлари компания тузишдан савдони ривожлантириш билан бирга, қуйидаги мақсадларни ҳам кўзлаганлар:

1. Балиқ ва ҳайвонлар овладиган жойларни ижарага олиш ниқоби остида Орол денгизда рус давлати байроғини ўрнатиш.

2. Рус давлати чегарасидан Амударё ва Қўнғиротгача энг яқин ва хавфсиз йўлни очиш.

3. Хивага суқилиб кириш.

4. Хива хонлигида Россия билан бўладиган савдони хиваликлар қўлидан олиб, уни компания монополиясига айлантириш<sup>127</sup>.

Манфактура ва савдо кенгаши Москва бўлимининг раиси Мейдендорф молия министри Ф. П. Бронгенкога ёзган хатида компания тузиш ҳар томонлама фойдали ва мақсадга мувофиқлигини баён қилди<sup>128</sup>. М. К. Рожкованинг кўрсатишича, И. Ф. Баранов ва П. С. Зубов 1844 йилда Урта Осиё хонликлари билан ширкат «Товарищество» тузганлар. Бу савдогар ва фабрикантлар Хива, Бухоро, Тошкент ва Қўқон билан савдо алоқаларини йўлга қўйганлар. Аммо ҳукуматнинг ёрдам бермаслиги ва бошқа сабаблар орқасида улар тузган компания 1848 йилда (шу йили Баранов вафот этган) ўз иштини давом эттириб олмаган<sup>129</sup>. Афтидан, рус савдогарлари Юқорида кўрсатилган хатни ёзгунларига (1846 йилга) қадар компания тузиш учун маълум тадбирлар амалга оширилган. 1846 йилга келиб улар компанияни расмийлаштириш ва унинг фаолиятига кенг йўл очиш мақсадида, ҳукуматдан тегишли ёрдам олиш ниятида унга мурожаат қилганлар. Лекин етар-

ли ёрдам бўлмаганлиги сабабли компания ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошира олмаган.

1854 йилги маълумотларга (20-жадвал) кўра, бу даврда Урта Осиёдан Астраханга кўпроқ пахта олиб келинган.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, 1854 йилдан кейин Астрахань орқали давом этаётган Урта Осиё савдоси тўхтаган. 1860 йилда Астрахань божхонасининг берган ахборотига кўра, бу ҳолнинг содир бўлишига карвон йўлидаги кўчманчиларнинг қароқчилиги сабаб бўлган<sup>130</sup>. Фақат 1869 йил-

20-жадвал

Моллар	Миқдори	Сум	Тийин
Пахта	8758 пуд 20 қадок	34696	25
Газламалар	271 пуд 30 қадок	8951	75
Мўм	—	7486	
Турли бўёқлар	3074 пуд 10 қадок	6138	50
Мўйналар	—	1215	10
Елим	6 пуд 10 қадок	376	50
Қуруқ мевалар	9 пуд	13	50
Ипак буюмлар	—	6089	5
Ипак аралаш буюмлар	—	149	50
Жун буюмлар	—	85	

га келиб Красноводск орқали бир гуруҳ савдогарлар турли моллар билан Астраханга келган. Шу муносабат билан Астрахань божхонасининг берган маълумотларига қараганда, хиваликлар Астраханга келмай қўйганлар бунга уларнинг Оренбург орқали қатнашлари ҳам сабаб бўлган. Тошкент босиб олингандан кейин Оренбургда карантин ва божхоналар тугатилиб, савдо учун анча қулай шароит вужудга келган<sup>131</sup>.

1869 йилда Оренбург йўлида савдо карвонлари таланган! Шунинг учун хиваликлар Красноводск орқали қатнаганлар. Шундай қилиб, бир неча йиллар давомида тўхтаб қолган савдо яна йўлга қўйилди. Бу ҳол Астрахань маҳаллий ҳокимияти ва марказий ҳукумат вакиллари ўртасида савдони тиклаш ва

<sup>127</sup> «Русско-туркменские отношения в XVIII—XIX вв.», Сборник архивных документов, Ашхабад, 1963, стр. 393—394.

<sup>128</sup> Уша асар, 342-бет.

<sup>129</sup> М. К. Рожков ва Юқорида кўрсатилган асар, 136-бет.

<sup>130</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 679, оп. 1, д. 566,

л. 15.

<sup>131</sup> Уша архив, ф. 1, оп. 6, д. 17, в. 2.

тараққий эттириш ҳақида фикр алмашилишига туртки бўлди. Масалан, Астрахань губернатори ўзининг молия министрлигига ёзган хатида Астраханда Урта Осиё савдосини Красноводск орқали йўлга қўйиш ва тегишли чоралар кўришни сўраган. Губернатор Красноводск қўлтигидаги рус савдо кемаларига хивалик савдогарларнинг юкларини ортишга қулай шароит яратиб беришни таклиф этди<sup>132</sup>.

Астраханда Урта Осиё савдосининг тўхтаб қолишига оид ҳужжатлар орасида Астрахань Статс комитетининг маълумоти алоҳида диққатга сазовордир. Маълумотда карвонларнинг таланиши Урта Осиё савдосига зарба берилганлиги уқтириб ўтилган. Шунингдек, Хивадан то Манқишлоққа карвонлар хавфсизлигини таъминлаш учун ажратилган отрядга сарфланган ҳаражатлар Астраханга келтирилган Урта Осиё молларнинг нархини ошириб юборган, Урта Осиёнинг Эрон билан рақобат қилишида қийинчилик туғдирган. Бунинг устига Астрахань савдогарлари Урта Осиё савдогарларидан олган қарзларини ўз вақтида бера олмаган ёки бутунлай тўламаганлар. Бу масалага маҳаллий ҳокимият ва суд органлари жуда совуққонлик билан қараб, уларнинг қарзларини ундириб бермаганлар. Ҳатто, Астрахань савдогарлари Урта Осиё молларига алмаштириш учун ўз молларини кўпинча етказиб бера олмаганлар. Бу сабаблар «қарикки томон учун фидали бўлган» савдони инқирозга олиб келган.

Урта Осиёга келтирилаётган рус молларига тўхтаб ўтадиган бўлсак 1812—1821 йилларга тегишли маълумотларга кўра, Астрахандан ҳаммаси бўлиб 8283421 сўмлик рус моллари Урта Осиёга кўнатирилган. Бу миқдор ўша вақтларда Урта Осиёдан келтирилган молларнинг миқдорига нисбатан (116 бетга қаранг) анча ортиқ. Бу ҳол Урта Осиёда рус молларига талабнинг зўрлигидан далолат беради. 1823 йилнинг апрель ойида бир гуруҳ хивалик савдогарлар 22453 сўмлик рус молларини ўз ватанларига олиб кетганлар. Шу йилнинг май, сентябрь, октябрь ойларида эса хивалик ва бухоролик савдогарлар қўйндаги миқдорда рус молларини (21-жадвал) олиб кетганлиги маълум.

Рақамлар ҳар бир савдогар олган ва, умуман, Урта Осиёга кўнатирилган рус молларининг ҳажми ҳақида маълумот беради. 1826 йилдаги маълумотлар (22-жадвал) олиб

кетилган рус молларининг миқдори, ўлчови ва баҳоси ҳақида тўла тушунча беради<sup>133</sup>.

Булардан ташқари арқон, олтин тангалар, Голландия червонлари, бўёқлар, кумуш буюмлар, қозон, ёғоч идишлар ва бошқа моллар олиб кетилган. Хуллас, Урта Осиёга олиб кетилган рус моллари орасида темир, пўлат, чўян буюмлар, ип газламалар салмоқли ўринни эгаллаган. XIX асрнинг 20-йилларига келиб Урта Осиё, жумладан, Хива хонлиги бозорида газламалар асосий ўринни ола бошлаган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Астраханда Урта Осиёга қараганда Эрон билан савдо анча кучли эди. Шунинг учун жадвалда келтирилган молларнинг, асосан, газламаларнинг анча қисми Эронга юборилган.

21-жадвал

Савдогарлар	Сўм	Савдогарлар	Сўм	Савдогарлар	Сўм
М. Ниёзматов	5140	Ю. Ниёзов	8985	А. Жабборов	1250
П. Аминов	4103	С. Эшниеъов	4010	Х. Отаниеъов	1673
Х. Каипов	4064	А. Дўсумбоев	6650	И. Оллоназаров	4952
М. Дўстматов	3261	Н. Боқиев	4727	М. Султонов	8449
К. Юсулов	6505	Ж. Бердиев	8475	Е. Бобоев	3156
Х. Дўстниеъов	3116	Т. Ерназов	1851	М. Ниёзов	3788
А. Эшниеъов	3340	М. Султонов	1925	С. Эшниеъов	3996
М. Жалолов	5243	Д. Ниёзов	3834	К. Нурализов	2197
Р. Ниёзов	3874	М. Холматов	6720	П. Қиличев	3090
С. Рўзмат	1889	П. Ғаниев	9787	А. Отаниеъов	4715
Л. Қаландаров	6605	И. Ишров	7384	Е. Жонбоев	6535
С. Нуруллаев	3123	А. Вешов	4718	Жонбердиев	5922
Н. Ниёзов	8813	А. Аббосов	6558	А. Ниёзов	3078
С. Болтаев	2250	Мамат	800	Р. Ниёзов	5090
И. Назаров	4116	Х. Отаниеъов	1400	С. Бобоев	1200
Воисқулов	7001	Шаҳобрашидов	4828	И. Қобулов	2465
И. Абдурашидов	2382				

Бу вақтларда (1827 йилда) Урта Осиё савдогарларининг савдо фаолиятини кўрсатувчи айрим маълумотлар (23-жадвал) сақланган.

Бунга кўра, Астрахандан рус молларини олиб кетган ўрта осиелик савдогарларнинг кўпчилиги хивалик бўлиб, уларнинг даромадлари салмоқли ўринни эгаллаган. Бу ҳол хиваликлар Астрахань орқали олиб бориладиган савдода ҳамон ўз мавқеларини сақлаб келаётганликларидан гувоҳлик беради. Буни 1829 йилдаги Урта Осиё савдогарларининг фаолиятини кўрсатувчи маълумот ҳам тасдиқлайди. Шу йил

<sup>132</sup> Уша архив, ф. 1, оп. 6, д. 17, в. 5—60.

<sup>133</sup> Уша архив, ф. 679, оп. 1, д. 48, в. 9—21.

Моллар	Юборилган жойи	Миқдори	Сум
Дори-дармон	Хивага	20 қадок	132
Дарахт қатрони	"	89 қадок	1520
Ёзув қоғози	"	1931	7560
Почта қоғози	"	"	17
Пардалар	"	17 дона	102
Кимхоб	"	14354 газ	35187
Тафта (шойи)	Хива ва Эронга	2443 газ	2969
Накмон газламаси	Хивага	2429 газ	1059
Байка <sup>134</sup>	"	278 газ	360
Тун газламаси	Хива ва Эронга	680 газ	6668
Мовут	"	46258 газ	14849
Қалин сурп	"	4734 газ	6620
Дағал газлама	Хива ва Эронга	27046 газ	14950
Сариқ газлама	Хивага	128528 газ	62357
Бахмай	Хива ва Эронга	1859 газ	39163
Чойшаб	Хивага	643 газ	3152
Чит	"	158665 газ	94429
Ярим чит	"	107580 газ	62140
Дағал ип газлама	"	70510 газ	8438
Оқ муш	"	335 пуд 30 қадок	13695
Товоқ (тегочдан)	"	305 дона	35
Пиёла	"	3007 дона	215
Игнадон	Хива ва Эронга	449 дона	57
Болааб уйинчоқи	"	60 дона	6
Маржон	Хивага	2 пуд 35 қадок	4605
Кавуш	Хива ва Эронга	38 жуфт	63
Чарм	Хивага	34271 жуфт	149824
Этик	Эрон ва Хивага	174 жуфт	487
Зигир буюмлари	Хивага	306 газ	86
Совуш	"	20 пуд 10 қадок	227
Сетка (тилла буюм)	Хива ва Эронга	3 пуд 3 қадок	622000
Лом	"	3729 пуд	10826
Тунуна	"	46450 пуд	146283
Хивчинсимон	"	"	"
Тунука	"	134 пуд	5355
Қизил мис	Хивага	4910 пуд	144940
Жез	"	156	4850
Қалай	Хива ва Эронга	158 пуд 36 қадок	4390
Қулф	"	36045 дона	2919
Машина нинаси	"	3179460	7224
Чўян қозонлар	Хивага	8277 дона	26679
Чўян қумдонлар	Хива ва Эронга	15135 дона	8662
Пичоқ	"	150 дона	998
Қўтлар	Хивага	1936 дона	709
Қайчилар	"	31 дона	195

<sup>134</sup> Жун ёки ипдан тўқилган майин мато.

Моллар	Юборилган жойи	Миқдори	Сум
Патнислар	Хива ва Эронга	1019 дона	958
Симлар	Хива	20 пуд	200
Пўлат тўсин	Хива ва Эронга	3553 пуд	1678
Тобланган пўлат	"	1225 пуд	5688
Таганов <sup>136</sup>	"	185	382
Чўян	Хивага	155 пуд	5308
Тўғнағич	"	22000 дона	24
Мунчоқлар	Хива ва Эронга	57 пуд 23 қадок	3265
Ангишвона	"	41730 дона	665
Самовар	Хивага	525 дона	6077
Ховонча	Хива ва Эронга	78 дона	194
Тослар	"	36 дона	222
Қўргошин	Хивага	1660 пуд	8673
Тулки панжаси	"	186 дона	3752
Савсар мўйнаси	"	124 дона	90
Кўзойнақлар	"	286 дона	250
Тарелкалар	Хива ва Эронга	1744 дона	1569
Чойнақлар	"	620 дона	365
Парма	Хива ва Эронга	4728 дона	549
Қалла қанд	"	1692 пуд	55129
Новват	Хива ва Эронга	130 пуд	4810
Шакар қанд	"	16 пуд	1829
Сандиқлар	"	2680 дона	10249
Тамаки	"	526 пуд 23 қадок	1440

бухороликлар 48296 сўмлик, хиваликлар эса 690565 сўмлик рус молларини олиб кетганлар<sup>135</sup>.

XIX асрнинг 40—50-йилларида Урта Осиёга рус молларидан ип газламалар кўплаб (24-жадвал) олиб кетилган<sup>137</sup>.

Рус молларини Астрахандан Урта Осиёга асосан Хива ва бухоролик савдогарлар олиб кетган. Шунингдек, рус, татар ва бошқа миллат савдогарлари ҳам келтирганлар. Рус савдогарлари Урта Осиё шаҳарларига карвон йўлларидаги талон-торождардан қўрқиб, кўпинча татар, арман ёки ўрта осийлик гумашталари орқали моллар юбориб турганлар. Бироқ айрим вақтларда русларнинг ўзлари ҳам борардилар. Жумладан, 1827 йилда рус савдогарлари Хивага ўзлари бориб савдо қилиш истагини билдирганлар<sup>138</sup>.

Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Кас-

<sup>135</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 679, оп. 1, д. 95, л. 3.

<sup>136</sup> Уч оёқли темир ўчоқ.

<sup>137</sup> Госархив Астраханской области, ф. 679, д. 248, в. 30—37; д. 279, в. 275, 284; д. 489, в. 88—90.

<sup>138</sup> Ушга архив, ф. 679, оп. 1, д. 46, в-421.

пий-Волга йўли орқали Ўрта Осиё билан Россиянинг савдо алоқаси тўхтаган. Бунга асосан Оренбургнинг йирик савдо

23-жадвал

Хиваликлар	Сум	Хиваликлар	Сум	Хиваликлар	Сум
М. Нодирматов	4050	А. Воисов	5389	М. Назаров	6466
А. Полвонкулов	7127	Ш. Ёқубов	834	Х. Отаниёзов	4559
У. Абдуллаев	11713	И. Жаматов	30982	Б. Дўстниёзов	1516
М. Алиакбаров	2939	Полвонкулов	6129	М. Сажаарқулов	4355
И. Боидов	13152	Б. Ниёзов	3525	К. Миразизов	3000
М. Бердиев	40442	К. Абдуллаев	2445	Б. Юсупов	300
Н. Наубетниёзов	20319	А. Ниёзов	2650	М. Хўжаев	6081
С. Ниёзов	7408	М. Сайидниёзов	22471	А. Ниёзов	10166
Бобошариф	2672	П. Рўзметов	4510	К. Ашмив	3650
У. Ниёзов	3286	К. Ниёзов	2648	Дўстниёзов	5951
А. Ёрмақулов	3533	А. Ашуржонов	3735	Н. Ниёзвисов	394
С. Бердиев	7745	К. Дўстматов	8258	А. Назаров	9412
М. Бобоев	10399	Л. Восиқулов	5585	Р. Назаров	7691
Б. Хусанов	6442	А. Анорбоев	6530	Р. Оллобердиев	100
А. Жабборов	10003	Л. Худойбердиев	1288	Б. Дурдиев	3118
В. Ниёзов	4918	И. Абдурашидов	3069	М. Алнев	2324
Б. Сайидқулов	12104	А. Назаров	16587	С. Моётқулов	240
А. Ниёзов	15591	Н. Ниёзматов	13225	Б. Эшннёзов	2617
К. Нурбобоев	5082	Н. Бобоев	9893	Ш. Абдурахмонов	3692
С. Назаров	4339	С. Полвонкулов	6890	И. Алимамедов	8528
Р. Раимов	11367	А. Кучиков	4878	А. Жалилов	5043
А. Назаров	3753	Б. Количев	1504	Н. Ниёзматов	5361
Каримберди	8399	И. Абдурахимов	6570	А. Полвонкулов	5028
Б. Бердиев	12776	И. Ниёзматов	1325	М. Ниёзматов	3820
М. Худойназаров	2013	А. Дурдиев	5623	И. Боймаматов	1038
А. Ниёзматов	8050	Абдурахмонов	8770	Қулниёзматов	2147
Б. Полвонкулов	8743	С. Нуруллаев	5961	С. Бобоев	11459
Р. Эшннёзов	1940	А. Эшқулов	721	Л. Қаландаров	9615
Б. Бобоев	2844	Н. Болтаев	8343	П. Назаров	19110
				П. Панаев	13184
Бухороликлар	Сум	Бухороликлар	Сум	Бухороликлар	Сум
М. Рашидбоев	15182	Б. Муҳамедов	1017	М. Саидниёзов	6300
А. Ориқов	3898	М. Миравазов	3200	Ш. Ниёзов	660
Ф. Мирзажонов	14378	М. Ақромов	12205	М. Болтаев	5681
М. Жалилов	1444	М. Аминов	16417	А. Низомбердиев	17636
Р. Исмагуллаев	320	М. Абдуллаев	16904	Н. Бобожонов	3512

марказига айланиши сабаб бўлди. Оренбург ўзининг географик жойланишига ўра ҳар уччала ўзбек хонликларининг

24-жадвал

Моллар	1842 йилда		1845 йилда		1854 йилда	
	сум	тийин	сум	тийин	сум	тийин
Ип газламадан қилинган буюмлар	6408	95	4463	74	8638	—
Қоғоз	992	80	172	—	932	—
Зиғир буюмлари	400	50	34	50	880	—
Ёғоч идишлар	808	57	109	45	382	50
Чарм ва чарм буюмлари	7942	45	2726	50	4074	50
Ойналар	9	—	91	50	50	—
Бўёқлар	6807	50	584	80	5772	—
Темирлар	5600	15	154	80	207	—
Пўлатлар	75	—	—	—	—	—
Мис буюмлари	87	17	19	05	154	—
Мислар	276	—	754	50	45	—
Кумуш буюмлар	23	—	—	—	—	—
Қалай ва қалай буюмлар	379	50	—	—	5	—
Чўян қуймаси	18603	50	170	60	6415	95
Каноп буюмлари	39	—	—	—	38	—
Бўёқлар	479	55	380	35	—	—
Мўйналар	503	70	—	—	118	—
Чинни ва кулолчилик идишлари	212	44	25	—	100	—
Ойна ва хрусталь	450	—	4	20	9	20
Қанд	2550	50	1186	90	3197	—
Тамаки	67	30	64	—	11	—
Ипак газламалар	1021	62	134	80	361	—
Жундан қилинган кийимлар	3389	80	1338	90	1275	—

25-жадвал

Моллар	1827—1837 йиллар	1837—1847 йиллар	1840—1850 йиллар
Ўрта Осиёдан келтирилган	6951254	8944355	8971675
Оренбургдан келтирилган	4575120	5027243	6763635

савдогарлари учун қулай эди. Шунингдек, Оренбургга қатнаш Россия савдогарлари учун ҳам қулай эди. Натижада Оренбург орқали олиб бориладиган савдонинг ҳажми анча

ошиб-кетди. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар (25-жадвал) гувоҳлик беради<sup>139</sup>

Демак, XIX асрнинг 30—40-йилларига келиб Урта Осиёдан Оренбургга келтирилган молларнинг миқдори икки миллион сўмдан ошди. Шунингдек, Оренбург орқали Нижний Новгородга ҳам қарвонлар қатнаган.

#### ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЧОРИЗМ ПРОТЕКТОРАТИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ

Туркистон генерал-губернаторлигининг тузилиши ва Бухоро хонлигининг Россия вассалига айлантирилиши рус давлатининг Урта Осиёдаги мавқеини ошириб юборди. Эндликда рус ҳукумати Хива хонлигини бўйсундиришга қаратилган тадбирлар кура бошлади. Хива хонлигига Тошкент, Оренбург, Кавказ, яъни уч томондан зарба бериш ҳақида қарор қабул қилинди. 1869 йилда Каспий денгизининг шарқий қирғоғига чор аскарлари ўрнаштирилди ва Краснодарск шаҳри барпо этилди. Чоризм аскарлари 1873 йилнинг 29 майида Хива хонлигини эгаллади. Уша йилнинг 12 августидан Хива хони Саидмуҳаммад Раҳим ва Туркистон генерал-губернатори Каурман ўртасида шартнома имзоланди. Шартномага кўра, Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирилди. Шартномада рус савдогарларининг манфаатларини ҳимоя қилуни бир қатор тадбирлар ўз ифодасини топди. Чунончи, хонликнинг территориясида рус савдогарларидан ҳеч қандай бек ва солиқлар олинмайди. Бундан ташқари, рус савдогарларига Хива хонлигида ўз агентларини қўйиш ҳуқуқи берилди. Шундай қилиб, рус савдогарлари бевосита Урта Осиё территориясида эркин савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Эндликда Урта Осиё билан Волга бўйи ўртасидаги савдода Краснодарскни боғловчи марказга айлантириш ҳаракати бошланди. Бунинг учун Краснодарск орқали Урта Осиё билан савдони кучайтириш зарурлиги қайд қилинди.

Хива билан сулҳ тузилиши биланок полковник А. Глуховский ва Хива савдогари Ибодулла бошчилигида Краснодарска қарвон юборилди. Фон Каурман ва полковник А. Глуховский молларнинг сотилишига шароит яратиб берилишини сўраб, Астрахань губернаторига махсус хат билан мурожаат қилдилар. Ибодулла бошчилигидаги қарвон 1873

<sup>139</sup> Небольсин, Очерки торговли России со Средней Азией. Записки РГО, кн. X, СПб., 1855, стр. 329—331.

<sup>140</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 1, оп. 10, л. 2763, л. 1-об; л. 2.

йилнинг 2 октябрида Астраханга 37 пуд ипак, 600 пуд пахта, 44 пуд ипак пахта, 32 пуд қоракўл, 35 пуд жун ва бошқа моллар билан келган. Бу молларнинг бир қисми Нижний Новгород ярмаркаси ва Москвага олиб кетилиши керак эди<sup>141</sup>. Астрахань губернаторининг «Правительственный вестник» газетасига юборган хабарига қараганда 1874 йил августидан Краснодарска 135 туяга ортилган мол билан бир гуруҳ хиваликлар келган. Уларнинг моллари асосан пахтадан иборат бўлиб, у Астрахань орқали Москвага жўнатилиши керак эди. Бошқа моллар эса Астраханда ва кўчманчилар орасида сотилиши лозим эди. Хиваликлар ўз моллари эвазига темир, мис, чўян идишлар ва бошқа шу сингари нарсалар олишларини маълум қилганлар.

Кейинги вақтларга оид маълумотларга қараганда Краснодарск орқали Хива билан Бухоро хонликлари ўртасидаги савдо алоқалари бирмунча яхшиланган. Буни 26-жадвал<sup>142</sup> дан яққол кўриш мумкин.

26-жадвал

Моллар	Сум	Кимга тегишган	Қардан
Пахта, ипак	7100	Хивалик Эркабойга	Хивадан
Ипак, бугдой	6300	бухоролик Аминовга	Бухородан
Ипак, қоракўл ва тўн	4200	бухоролик Мамадсолига	
Ипак, тўн, пешмат, бўз, парча, калава ип, пахта ва бошқалар	57200	хиваликларга	Хивадан
Ипак, қуруқ мева, Хива олтин тангаси	12000		
Пахта, ипак, қуруқ мева-валар;		полковник Глуховский ва хиваликларга	
Рўян ва ошланган қўй териси	16250	ҳажга, Маккага борувчиларга	
Турли майда моллар	235		
Турли моллар	1672		
Ипак ва тўнлар	2350		
Майда моллар	672	текинликларга	Текиндан
Эчки жуни	1720	бухоролик Ниёзовга	Урганчдан

<sup>141</sup> Уша жойда, в. 12—14. Қарвонбоши Ибодулла шуни маълум қилдики, хиваликлар 10 минг туялик қарвон билан Астраханга келмоқчилар, лекин улар кўчманчилар ҳужумидан қўрқмоқдалар.

<sup>142</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 1, оп. 9, д. 2809, л. 13—14.



26-жадвалнинг давоми

Моллар	Сум	Кимга тегишли	Қаердан
Тун, эчки жуни, ошанган кўй териси, ипак, қорақўллар	7100	полковник Глуховскийга	Хивадан
Ипак ва қорақўл	600	Маккага борувчиларга	Хивадан
Ипак газламалар	300	"	"
Ун ва крупа	1700	хиваликларга	"
	2300	"	"
Ипак моллари, қорақўл, балиқ, икра ва турли чармлар	15200	рус Аваков ва хиваликларга	"
Турли моллар	7000	савдогар Аковга	"
Бугдой	500	хиваликларга	Хивадан
Ипак ва 100 туя	10000	хиваликларга	"
Хом тери	10000	номудларга	Атрек ва Урганчдан
Бугдой ва сўк	1300	хиваликларга	"
Гидам, мўйна		"	"
Сигир ёғи	6700	текинликларга	Текиндан
Бугдой	800	хиваликларга	Хивадан
Бугдой	620	"	"
Пахта, ипак, тун, кишиш ва хом тери	115000	хиваликларга	Хивадан
Пахта ва бугдой	6000	"	"
Бугдой	100	"	"
Пальма ёғочи	720	хиваликларга	Хивага
Турли майда моллар	17930	арманларга	Петро-Александровскийга
Турли майда моллар	2342	турли қишлоқларга ва туркманларга	даштга
Чарм, ип газлама		полковник Глуховский вакили	"
Мовут, сандиқлар	3700	Гершевга	янги Урганчга
Турли майда моллар		вязмалик Даниловга	Хивага
36 челақ ароқ, 5 бочка ароқ	1000	рус савдогарига	"
Майда моллар	900	арманга	Хивага
Қалай	1400	"	"
Майда моллар	1500	"	"
Пальма ёғочи	8040	хиваликларга	"
Пальма тароғи	2415	"	"
"	4021	"	"
"	9320	бухороликларга	"
"	1000	"	"
Газлама ва қанд	6500	Бухоро яҳудийсига	Бухорога
Нина, қанд ва бўёқ моллари	230	арманларга	Петро-Александровскийга
Пальма ёғочи	9000	хиваликларга	Хивага
Фотоген темир буюмлар		"	"
қозон ва вино	2000	арманларга	"

Моллар	Сум	Кимга тегишли	Қаерга
Нефтоген	15000	хиваликларга	"
Сокисфотоген		полковник Глуховскийга	"
Хурмо, хиная, сандиқлар	2065	арманларга	Урганчга
Фотоген ва майда моллар	835	арманларга	Петро-Александровскийга
Нефтология ва пальма ёғочи	1600	ёвмудларга	Хивага
Нефтогилия	800	хиваликларга	"
Майда моллар ва газлама	1500	арманларга	Петро-Александровскийга
Нефтогилия ва пальма ёғочи	4200	хиваликларга	Хивага
Фотоген	800	рус савдогарларига	Петро-Александровскийга
Фотоген газлама ва бошқа моллар	14000	"	"
Газлама, фотоген, ичимлик ва бошқа моллар	42950	арманларга	Хива ва Петро-Александровскийга
Боққолчилик моллари, фотоген нефтогилия ва вино	1200	хиваликларга	Хивага
Қўргошин, сандал, газлама	4375	"	Урганчга
Газлама, фотоген, вино, лампа, сокис	83000	арманларга	Хивага
Газлама, чарм ва мовут	76000	хиваликларга	Урганчга
Фотоген турли газламалар ва мовут	3600	Боку нефть жамиятига	Петро-Александровскийга
Мовут, газлама, қўргошин, сокис ва чарм	23000	хиваликларга	Хивага

Кўриниб турибдики, Красноводскка, Хива хонлигидан асосан пахта, ипак сингари моллар келтирилган. Масалан, хивалик савдогар Эркабойнинг ўзи Красноводскка 71 минг сўмлик мол келтирган.

Гарчанд рус, арман ва бошқа савдогарлар ҳам Урта Осиё билан Красноводск орқали савдога қатнашган бўлсалар-да, хиваликлар муҳим ўринни эгаллаган. Красноводскдан Хива ва бошқа Урта Осиё шаҳарларига олиб кетилган рус моллари ҳақида айрим маълумотлар (26-жадвал) мавжуд.

Демак, Красноводскда Урта Осиё ва рус моллари билан савдо анча жонланиб, у жойга руслар, арманлар, хиваликлар, бухороликлар ва туркманлар қатнаб турдилар. Бу вақтларга келиб Урта Осиёга олиб кетиладиган моллар қаторига

фотоген, нефтоглия, пальма ёғочи ва сокис-сингари моллар қўшилади. Арманлар, Красноводск савдосида хиваликлардан кейин иккинчи ўринни эгаллаганлар.

Урта Осиё кеинчалик, XIX асрнинг учинчи чорагида Красноводск ва, умуман, Закаспий областлари билан савдони давом эттирган бўлса-да, бироқ бу савдо кўпроқ маҳаллий аҳамиятга эга бўлган. Бошқача қилиб айтганда, Урта Осиё моллари кўрсатилган жойлар орқали Волга бўйига хусусан Астраханга унчалик кўп миқдорда олиб кетилмаган. Жумладан, 1898 йилга тегишли маълумотларга кўра, 119832 сўмлик Урта Осиё моллари Манқишлоқдан Астраханга олиб кетилган, холос. Бу олдинги йилда олиб кетилган молларга нисбатан олти марта ортиқдир. Кўрсатилган молларнинг 92343 сўмини пахта ташкил этган эди.

Хуллас, XIX асрнинг учинчи чорагида Астрахань эмас, балки Манқишлоқ Урта Осиё билан Волга бўйи савдо алоқасида маълум ўрин эгаллаб, бу ерда Урта Осиё молларини рус молларига алмаштирилди.

Гарчанд Астрахань XIX асрнинг ўртасидан ўзининг Волга-Каспий йўлидаги муҳим савдо маркази сифатидаги ролини йўқотган бўлса-да, бироқ Урта Осиёнинг Волга бўйи билан савдо алоқалари тўхтаб қолмаган. Чунончи, Урта Осиё Волганинг юқори оқимида жойлашган Нижний Новгород ярмаркаси орқали илгаридан савдони давом эттирмоқда эди.

#### НИЖНИЙ НОВГОРОД ЯРМАРКАСИДА УРТА ОСИЁ САВДОСИ

Урта Осиёнинг Волга бўйи билан алоқасида бу ерларда қадимги даврлардан оқ вужудга келган ярмаркалар муҳим роль ўйнаган. Ҳазар подшоҳининг пойтахти Итиль ва Булғордаги ярмаркаларда ўрта осиелик савдогарлар фаол қатнашган.

Муғуллар юриши ва тажовузи Волга бўйидаги ярмаркаларни издан чиқарди. Бироқ кўп ўтмай XIII аср ўрталарида Қозон яқинидаги Асри майдонида ташкил этилган ярмаркага Шарқ ва рус савдогарлари қатнай бошладилар. Кейинчалик Москва давлати билан Қозон хонлиги ўртасидаги курашлар ярмарканинг тобора ўсиб боришига тўсқинлик қилди. Ҳатто, ярмаркада Қозон хонлиги томонидан рус савдогарларининг ташанган вақтлари ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам, рус князи Василий Иванович 1529 йилда рус савдогарларига Қозон ярмаркасига бормаслик ҳақида буйруқ берди. Москва давлати ўзининг шарқий чегарасида жойлашган Василий-Сурен деган жойда ярмарка ташкил этиб, Қозон

ярмаркасига зарба беришга қарор қилди. Шубҳасиз, бу ярмаркага Шарқ савдогарларини жалб қилиш назарда тутилган эди. Василий-Сурен ярмаркаси Волга бўйидаги ўзаро курашлар туфайли кутилган натижани бермади. Москва давлатида Романовлар хонадони ўрнатилгандан кейингина Волга бўйидаги савдо бирмунча яхшиланди.

1620 йилда Волга-Каспий йўлининг марказида жойлашган Макарьев монастыри тикланди. Монастир 1439 йилда Қозон хони томонидан бузиб ташланган эди. Аста-секин монастыр атрофида савдо-сотиқ ривожланиб, у ерда 1641 йилдан Макарьев ярмаркаси вужудга келди<sup>143</sup>. Бу ярмарка вақтлар ўтиши билан кенгайиб, шуҳрат қозонди.

1816 йилда ёнғин орқасида Макарьев ярмаркаси куйиб кетди. Шундан сўнг бу ердан 84 чақирим нарида Волга бўйидаги Нижнийда ярмарка ташкил этилди. Шу равишда Макарьев ярмаркаси асосида Нижний Новгород<sup>144</sup> ярмаркаси вужудга келган эди.

Ярмарканинг XVII—XVIII асрлардаги фаолиятига оид маълумотларга эга эмасмиз. Шунинг учун бу даврлардаги Урта Осиё савдоси ҳақида фикр юритишнинг иложи йўқ. Агар Россия билан Урта Осиё ўртасида Волга бўйи орқали қадимий вақтлардан алоқа ўрнатилганлигини ҳисобга олсак, шубҳасиз, ўша вақтларда ярмаркага ўрта осиеликлар ҳам қатнаганлиги маълум бўлади.

Ярмаркага ўрта осиелик савдогарлар XVIII асрнинг иккинчи ярмида қатнамаган бўлсалар керак. Чунки бу вақтларда рус ҳукумати ўз савдогарлари манфаатларини кўзлаб, чет эл савдогарларини, шу жумладан, ўрта осиеликларни мамлакатнинг ички томонларига қўймаслик ҳақида фармон қабул қилган эди. Ажнабий савдогарлар Астрахань, Оренбург, Троицк, Сибирь линияси сингари чегара жойларга келиб савдо қилишлари мумкин эди. Рус савдогарлари ўша жойлардан Урта Осиё ва бошқа Шарқ молларини Россиянинг ички томонларига, шу жумладан, ярмаркаларга келтирадилар. Гарчанд ўрта осиеликлар ярмаркаларга қатнамаган бўлсалар ҳам, у ерларда Урта Осиё моллари билан савдо қилинган. Ажнабий савдогарларни Россия ички томонларига қўймаслик ҳақидаги фармон Урта Осиё, Эрон, Хитой сингари мамлакатлар ўртасидаги алоқага салбий таъсир этмасдан қолмади. Бу, айниқса, ярмаркалар фаолиятига салбий

<sup>143</sup> Айрим ишларда ярмарка 1620 йилда, яъни Макарьев монастыри тикланган вақтдан ташкил топганлиги уқтириб ўтлади.

<sup>144</sup> Ҳозирда бу жой Горький шаҳри номи билан юритилмоқда.

таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам 1812 йилда рус ҳукумати Шарқ савдогарларини Нижний Новгород, Ирбит ва Коренной (Украина) сингари йирик ярмаркаларга бемалол боришлари ҳақида фармон чиқарди<sup>145</sup>. Бунда Астрахань ва Оренбург маҳаллий ҳокимият вакилларига ўрта осиеликларнинг кўрсатилган ярмаркаларга боришлари учун тўсқинлик қилмаслик ҳақида кўрсатма берилган эди<sup>146</sup>. Шу қарорга биноан 1812 йилдаёқ бухороликлар, хиваликлар, ҳиндлар, арманлар Нижний Новгород ярмаркасига бориш истагини билдириб Астрахань губерния маҳкамасига мурожаат қиладилар<sup>147</sup>.

Ўрта осиеликларнинг фармон чиқарилмасдан аввал ҳам ярмаркага қатнаганликлари ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. 1699 йилда бир ўрта осиелик савдогар Макарьев ярмаркасига 1244 сўмлик мол келтирган. Ярмаркага 1809 йилда ҳам ўрта осиеликлар борганлиги маълум. Улар Астраханда ярмаркага боришликка махсус паспорт берилишини сўраб губерния маҳкамасига мурожаат қилганлар<sup>148</sup>. Бир гуруҳ бухороликларнинг бу сўрови фақат ўша ярмарканинг ўзида савдо қилиш шарти билан қондирилган эди<sup>149</sup>. Ўша йили Мирниёз Азизов номли хивалик савдогар ҳам ярмаркага боришга рухсат берилишини сўраган.

Демак, Россия ички тсмонларига кириб савдо қилиш тақиқланган бўлса ҳам ўрта осиеликлар лозим топилган вақтларда ярмаркага қатнаб турганлар. 1812 йил фармон чиққандан кейингина ўрта осиеликлар ярмаркага мунтазам қатнаганлар. Натижада Нижний Новгород ярмаркаси Волга бўйидаги Россияни Ўрта Осие, Эрон, Хитой, Кавказ билан боғловчи йирик ва муҳим савдо марказига айланди: «Нижний Новгород ярмаркаси — деб ёзади авторлардан бири, — Россиянинг Шарқ билан савдо алоқасида ғоятда муҳим ва ягона бозордир. Шу савдога Шарқ билан алоқанинг анча катта таъсири бор...»<sup>150</sup>. Яна бир автор шундай деб ёзган эди: «Нижний Новгород ярмаркаси... кузатувчи учун жуда қизиқ бир манзарадир. Россиянинг бу бозори Ока ва Волга дарёларини бирлаштирадиган жойда ўрнашган Оврупонинг Шарқ билан алмашинадиган растасидир...»<sup>151</sup>.

<sup>145</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 13, д. 1537, л. 5.

<sup>146</sup> Уша жойда, ф. 13, д. 1537, л. 1, 16—17.

<sup>147</sup> Уша жойда, 3-бет.

<sup>148</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 13, оп. 65, д. 308, л. 168.

<sup>149</sup> Уша жойда, ф. 13, оп. 65, д. 398, л. 187.

<sup>150</sup> П. Мельников, Нижегородская ярмарка в 1843, 1844 и 1945 годах, Нижний Новгород, 1846, стр. 3—4.

<sup>151</sup> А. Зубов, Описание Нижегородской ярмарки, СПб., 1839.

Дарҳақиқат, ярмарка Россия билан Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқада салмоқли ўрин эгаллаган.

Ўрта Осие савдогарлари Астрахань, Оренбург, Троицк, Сибирь линияси орқали ярмаркага турли моллар олиб борардилар. 1815 йилга оид маълумотларга кўра, ярмаркада ҳаммаси бўлиб 3916000 сўмлик Ўрта Осие моллари сотил-

28-жадвал

Савдогарлар	Сўм	Савдогарлар	Сўм
Муқимжонов	30 000	Муратов	38 000
Муҳамедов	30 000	Қурбонов	37 000
Мирсоилов	40 000	Муҳаммаджонов	40 000
Сайфуллаев	40 000	Мирбону	50 000
Кари	50 000	Файзжоний	40 000
Бобожинов	40 000	Ёдгоров	30 000
Халилов	50 000	Маннонов	50 000
	50 000		28 000
Нурбай	35 000	Абдуллаев	26 000
Мирёқуб	30 000	Расулов	21 000
Мулла Умаров	40 000	Яҳъёев	30 000
Холибой	35 000	Розиқбой	40 000
Муҳамедов	40 000	Мирфозилов	38 000
Сафаров	45 000	Ғофурбой	50 000
Мурзин	50 000	Ҳакимжон	30 000
Уразқўзи	35 000	Азимов	24 000
	40 000		

ган<sup>152</sup>. 1820 йилда эса 258100 сўмлик газлама ва бундан ташқари турли Ўрта Осие моллари харид қилинганлиги маълум<sup>153</sup>.

1820 йилда ярмаркада қатнашган ҳар бир ўрта осиеликнинг савдо маблағларини кўрсатувчи қимматли маълумотлар (28-жадвал) мавжуд<sup>154</sup>.

Демак, ярмаркада 30 кишидан ортиқ савдогар қатнашиб, уларнинг савдо обороти бир миллиондан ортиқ сўмни ташкил этган. Бу миқдор 1815 йилги Ўрта Осие савдоси ҳажмидан кам. Бундай аҳволни 1821 йилдаги ярмаркада қат-

<sup>152</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 489, оп. 286, д. 258, л. 24.

<sup>153</sup> Уша жойда, д. 377, л. 163.

<sup>154</sup> Уша жойда, ф. 489, оп. 286, д. 378, л. 117—120.

нашган Урта Осиё савдогарларининг маблағлари мисолида ҳам (29-жадвал) кўриш мумкин<sup>155</sup>.

Бинобарин, Урта Осиё молларининг умумий миқдори олдинги йилга нисбатан икки юз минг сўмдан кўпроқ даражада камайганлиги кўриниб турибди. Ярмаркага Урта Осиёдан турли газламалар, кийим-кечаклар, ипак, калава ип, пахта, қимматли тошлар, қоракўллар, бўёқлар ва бошқа моллар олиб келинади. Россияда тўқимачилик саноати ҳали ривожланмаган вақтларда ярмаркага кўп миқдорда (30-жадвал) Урта Осиё газламалари келтирилган.

29-жадвал

Савдогарлар	Сўм	Савдогарлар	Сўм
Миррасулов	30 000	Шарипов	90 000
Назарбоқиев	30 000	Хусаинов	70 000
Мирниёзов	40 000	Бобожонов	50 000
Мусаев	30 000	Одилов	50 000
Рауфбоев	50 000	Абдубадалов	20 000
Мирзашоев	50 000	Юсупов	20 000
Салимжонов	40 000	Бердиев	20 000
Муҳамедов	40 000	Аминжонов	200 000
Фузаилов	60 000	Имонов	30 000
Нормуҳамедов	100 000		

Жадвалдан аёнки, XIX аср ўрталаридан бошлаб Урта Осиё газламаларига талаб пасайган. Бунга Россияда тўқимачилик саноатининг ўсиши ва унинг сифат жиҳатидан устунлиги сабаб бўлган эди.

Тўн қилинадиган газламалар кўпроқ бошқирд, татар ва бошқа рус бўлмаган халқлар эҳтиёжи учун ярмаркага келтирилган. Афтидан, Россия тўқимачилик саноатида тўн қилинадиган газламалар ишлаб чиқарилмаганлиги туфайли XIX аср 70-йилларида бошлаб ярмаркага тўнлик газламалар кўплаб келтирилган. Бироқ бу хилдаги газламалар ҳам ярмаркадаги Урта Осиё савдосида қатъий бир ўринни эгаллай олмади, савдо тобора сусая борди. Шундай қилиб, XIX аср иккинчи ярмида рус газламалари Урта Осиё газламаларини ташқи савдодангина эмас, балки маҳаллий ички савдодан

<sup>155</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 489. оп. 286, д. 423, л. 12, стр. 14.

ҳам тобора кўпроқ сиқиб чиқармоқда эди. Лекин шунга қарамай жадвалда кўрсатилганидек, Урта Осиё газламалари ярмаркага оз миқдорда бўлса-да, келтирилиб турилган. Чунки бу газламалар дағал бўлса-да, арзонлиги ва пишиқлиги билан оддий кишилар эҳтиёжини қондирар эди. «Бухоро ва Тошкентдан,— дейилади архив ҳужжатларидан бирида,— ярмаркага бахти, бўз, бурмет, тўнлик газлама келтирилиб турилади... Бахти, бўз дағал тўқилган бўлса-да, пишиқ бўлиб, улар оддий кишилар томонидан сотиб олинади»<sup>156</sup>.

30-жадвал

Йиллар	Сўм	Йиллар	Сўм	Йиллар	Сўм
1820	258 100	1854	48 000	1874	105 000
1830	97 000	1855	3 500	1875	157 000
1831	82 000	1856	23 500	1876*	2000 000
1837	610 500	1858	40 000	1837	20 000
1839	321 400	1859	60 000	1878	33 000
1840	142 020	1860	32 000	1879*	30 000
1847	126 400	1862	120 000	1880*	28 125
1848	108 120	1864	—	1881*	35 250
1849	80 300	1867	3 000	1882*	53 700
1850	57 100	1868	21 000	1885*	52 500
1851	53 000	1869	1 875	1888*	10 000
1852	220 000	1871	12 250	1891*	10 250
1853	75 000	1873	11 500	1892*	8 200

\* 1876 йили 750 минг сўмлик, 1879 йили 35 000 сўмлик, 1880 йили 39 000 сўмлик, 1881 йили 75 000 сўмлик, 1882 йили 21 000 сўмлик, 1885 йили 27 000 сўмлик, 1888 йили 6 000 сўмлик, 1891 йили 2250 сўмлик, 1892 йили 2250 сўмлик тўн қилинадиган газлама келтирилган.

Айрим архив маълумотларининг кўрсатишича, XIX аср 30—40-йилларида Урта Осиё, Эрон газламалари Астраханда қизил ранга бўялиб, сўнгра ярмаркага келтирилган. Масалан, 1838 йилда 900 000 сўмлик шундай газлама ярмаркага келтирилган<sup>157</sup>.

Астраханда Урта Осиё газламаларини бўяш иши билан

<sup>156</sup> П. Мельников, Уша асар, 271-бет.

<sup>157</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 775, л. 88.

Бухоро, арман ва Эрон колонияларидаги кишилар шугулланарди.

XIX аср биринчи ярмида ярмаркага ипак газламалар ва хом ипак келтирилганлиги ҳақида айрим маълумотларга эгамиз. Бироқ бундай маълумотлар ҳужжатларда алоҳида кўрсатилмай, бошқа моллар миқдорига қўшиб берилгани учун ярмаркага келтирилган ипак моллар миқдорини аниқлаш қийин. Ярмаркага Ўрта Осиё ипак моллари келтирилганлиги 1829 йилга тегишли архив ҳужжатларда қайд қилиб ўтилган<sup>158</sup>.

1851 йилдан бошлаб ярмаркага келтирилган Ўрта Осиё ипак молларининг умумий миқдорини кўрсатувчи маълумотларга (31-жадвал) эгамиз.

Буларга кўра, XIX аср 80-йилларидан ярмаркага келтириладиган ипак газламалар миқдори анча камайиб кетган. Бунга Россияда ипак моллар ишлаб чиқариш бирмунча жонланиб, Ўрта Осиё хом ипагига талаб зўрайганлиги сабаб бўлган эди. Бундан ташқари, ярмаркага 1878 йилда 400 пуд<sup>159</sup>, 1879 йилда 1000 пуд<sup>160</sup>, 1880 йилда 900 пуд<sup>161</sup> ва 1881 йилда 2000 пуд<sup>162</sup> Тошкентдан йигирилган ипак келтирилганлиги архив ҳужжатларида қайд қилинган. Шунингдек, Тошкентдан «хомак» номли ипак ярмаркага олиб келинарди. Тошкентдан ипак моллари келтирилганлиги ярмаркаларга тегишли ҳужжатларда уқтириб ўтилган. Бу XIX аср иккинчи ярмида Тошкентда ташқи бозор учун кўп миқдорда ипак ишлаб чиқарганлигидан дарак беради. Тошкентдан 1878 йилдан 1881 йилгача ҳаммаси бўлиб 816 000 сўмлик йигирилган ва 298 500 сўмлик «хомак» ипаклари ярмаркага олиб келинган<sup>163</sup>. 1883 йилда эса йигирилган ипакнинг миқдори 380 000 сўмни ташкил этган эди<sup>164</sup>.

Архив ҳужжатларида Бухородан ҳам ипак моллари ярмаркага келтирилиб турилганлиги кўрсатиб ўтилган. Гарчи ярмаркага ипак моллари Бухоро ёки Тошкентдан келтирилган бўлса ҳам, уларнинг маълум қисми Фарғона водийси, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан олиб келинганлигига

<sup>158</sup> Журнал МВД, СПб., 1829, кн. 1, стр. 210.

<sup>159</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 15, л. 137—138.

<sup>160</sup> Уша жойда, д. 1527, л. 45.

<sup>161</sup> Уша жойда, д. 1549, л. 25.

<sup>162</sup> Уша жойда, д. 1578, л. 19.

<sup>163</sup> 1878 йилда 2000 пуд, 1879 йилда 500 пуд, 1880 йилда 600 пуд, 1881 йилда 500 пуд «хомак» ипаги ярмаркага келтирилган.

<sup>164</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1601, л. 18 об.

шубҳа йўқ. Ўрта Осиё ипак газламалари ва таёёр кийимларининг ярмаркага келтирилиши вақтинча эди, холос. XIX аср охиридан Ўрта Осиё ипак соҳасида ҳам Россиянинг хом ашё базасига айлана борди.

31-жадвал

Йиллар	Тун қилнадиған газлама		Ипак туңлар		Хом ипак	
	миқдори	сўм	миқдори	сўм	пуд	сўм
1851	5 000	32 000	—	—	—	—
1852	18 000	20 600	2000	14 000	—	—
1853	4 000	11 000	800	5 600	—	—
1854	20 000	42 500	2000	85 000	—	—
1855	6 000	16 000	800	5 000	145	15 160
1856	200	2 100	—	—	60	9 000
1858	2 500	15 500	—	—	260	33 250
1859	20 000	112 000	—	—	424	20 400
1860	10 000	52 500	7000 жуфт	13 500	362	5 820
1862	4 000	24 000	500 "	8 500	780	93 800
1864	1 700	10 400	—	—	200	40 500
1866	—	—	—	—	150	42 750
1867	2 500	11 250	—	—	950	145 000
1868	10 000	32 625	—	—	600	139 000
1869	800	2 800	—	—	1200	263 380
1871	3 000	22 500	—	—	1900	385 134
1873	20 000	120 000	—	—	2500	437 500
1874	150 000	900 000	—	—	2000	277 500
1875	120 000	700 000	—	—	1500	195 500
1876	150 000	750 000	—	—	2500	492 500
1877	10 000	55 000	2000	32 000	2100	300 000
1878	2 500	13 750	5000	—	7600	413 500
1879	5 000	35 000	2000	18 000	4500	620 000
1880	6 000	39 000	3000	—	5300	701 000
1881	10 000	75 000	2000	—	7100	731 500
1882	3 000	21 000	3000	27 000	5400	863 500
1885	5 000	27 000	2000	14 000	3100	272 000
1888	1 000	5 500	1000	7 000	1600	362 600
1891	1 500	2 000	600	5 100	—	—

Ярмаркага келтирилган Ўрта Осиё моллари орасида коракўл териси муҳим ўринни эгаллаган. Шунингдек, ярмаркага тулки, бўри ва бошқа мўйнали ҳайвон терилари (32-жадвал) келтирилган.

Мўйнали терилар жадвалда кўрсатилган йиллардан олдинги вақтларда ҳам ярмаркага келтирилганлиги ҳақида айрим маълумотлар бор. 1829 йилда 500 минг сўмлик мўйна-

32-жадвал

Йиллар	Қоракўллар		Тулки териси		Бўри териси	
	дона	сўм	дона	сўм	дона	сўм
1836	100 000	—	807 000	—	—	—
1837	35 000	175 000	35 000	175 000	—	—
1840	31 500	45 675	12 400	11 160	—	—
1843	38 200	34 200	46 200	69 300	—	—
1844	19 800	14 050	11 750	12 950	6000	11 400
1845	22 300	147 750	46 200	69 300	8220	8 075
1846	—	105 427	60 000	52 285	5030	5 714
1847	70 000	100 000	70 000	60 000	6000	12 000
1848	100 000	92 928	60 000	46 000	5000	27 000
1849	171 000	126 500	39 000	122 700	4200	5 400
1850	185 000	224 000	70 000	80 500	1000	2 443
1851	185 000	183 000	78 000	151 000	—	—
1852	395 000	288 600	25 000	39 000	7400	10 600
1853	180 000	329 000	65 000	98 000	4000	4 300
1854	143 000	171 400	3 500	55 000	—	—
1855	100 000	229 900	35 000	58 300	700	735
1856	232 000	233 680	15 000	34 500	—	—
1858	380 000	259 000	547 000	68 600	800	1 240
1859	432 000	337 000	42 000	69 600	1000	1 500
1860	169 000	306 000	32 000	34 600	600	720
1862	190 000	388 500	18 000	54 000	700	1 440
1864	65 000	187 000	25 000	32 500	3000	5 250
1866	66 100	218 770	—	—	—	—
1867	112 500	362 250	20 000	33 000	—	—
1868	150 000	448 400	10 000	20 000	—	—
1869	439 000	828 500	20 000	43 000	300	645
1871	190 000	463 750	20 000	48 000	—	—
1873	355 000	1 088 000	50 000	147 500	600	600
1874	906 000	1 691 900	30 000	73 500	500	500
1875	620 000	1 806 000	100 000	225 000	2000	15 000
1876	780 000	1 591 250	200 000	380 000	20000	12 000
1877	610 000	1 992 000	75 000	178 125	2000	1 500
1878	370 000	1 070 000	110 000	275 000	2000	2 500
1879	590 000	339 200	100 000	275 000	3000	3 000
1880	855 000	2 201 500	150 000	303 750	3500	3 500
1881	532 000	1 765 000	50 000	147 500	5000	55 000
1882	553 000	2 157 000	50 000	140 000	4000	3 000
1885	1162 000	2 422 500	50 000	112 500	3000	6 000
1888	820 000	2 183 100	50 000	155 000	1000	1 500
1891	1553 000	4 330 600	75 000	181 250	1500	1 875
1892	256000 <sup>165</sup>	2 918 250	50 000	140 000	1500	1 875

<sup>165</sup> Бундан ташқари 540 000 дона қоракўл ярмаркага келтирилган. Бироқ улар сотилмай Москвага олиб кетилган.

лар келтирилган<sup>166</sup>. Бундай моллар 1815<sup>167</sup>, 1831<sup>168</sup> ва 1832<sup>169</sup> йилларда ҳам келтирилганлиги маълум. Ярмаркага турли рангда қоракўл мўйнаси келтирилиб, уларнинг нархи турлича бўлган. Уларнинг дондор ва қоракўл сингари хиллари энг қимматли ҳисобланган. 1873 йилги маълумотга кўра, дондорнинг кул ранглисидан ўнтаси 22 сўмдан 26 сўмгача, қораси эса 10 сўмдан сотилган. Юқоридаги жадвал шуни кўрсатадики, Урта Осиё мўйналаридан энг қимматлиси қоракўл бўлиб, ўзбек хонликлари Россия томонидан босиб олингандан кейин ярмаркага қоракўл келтириш анча ошди. Айрим йилларда келтирилган қоракўллар миқдори 2 миллион ва, ҳатто, 4 миллион сўмдан ошиб кетган. Урта Осиёнинг босиб олиниши Россияга, шу жумладан, ярмаркага кўплаб қоракўл келтириш имконини туғдирди. Россияда қоракўллар, айниқса, армия эҳтиёжи учун кўплаб олинган.

Урта Осиё қоракўллари ва, шунингдек, тулки мўйнаси ярмаркадан Россияга чекка ўлкаларигача олиб кетилган. Масалан, бир ҳужжатда Урта Осиё мўйналари Хитой савдогарлари учун ярмаркадан сотиб олинганлиги кўрсатиб ўтилган<sup>170</sup>.

Урта Осиёдан ярмаркага кийик, савсар, қора олмахон териси келтирилган. Бироқ булар мунтазам равишда ярмаркага олиб келинмай, айрим йиллардагина келтирилган. Масалан, кийик териси 1836—1840 йиллар давомида ярмаркага 8000 сўм миқдорда олиб келинган<sup>171</sup>. Кийик терисининг кам келтирилишига Урта Осиёда кийиклар сонининг озлиги сабаб бўлган бўлса керак. 1847 йилдан 1875 йилгача ярмаркага келтирилган савсар мўйнасининг миқдори 33-жадвалда кўрсатилган<sup>172</sup>.

Афсуски, келтирилган савсар мўйнаси ҳақида жадвалда кўрсатилган рақамлардан ташқари ҳеч қандай архив ҳужжатлари йўқ. Шунинг учун савсар мўйнасининг сифати, унинг Россия эҳтиёжи учун аҳамияти тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Айниқса, XIX аср 70 йилларида Урта Осиёда савсар мўйнаси тайёрлаш ва у билан ярмаркада савдо-сотиқ қилиш кучайган. Бироқ 1887 йилдан бошлаб савсар мўйнаси

<sup>166</sup> Журнал МВД, СПб., 1829, кн. 1, стр. 210.

<sup>167</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 258, л. 24.

<sup>168</sup> Журнал МВД, СПб., 1831, кн. 6, стр. 240.

<sup>169</sup> Журнал МВД, СПб., 1837, кн. 24, стр. 98—99.

<sup>170</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 236, д. 1374, л. 144 об.—145.

<sup>171</sup> Журнал МВД, СПб., 1847, стр. 248.

<sup>172</sup> 1846 йилда ярмаркага 31500 сўм миқдорда олмахон териси келтирилган.

хайвопларнинг қирилиб кетиши натижасида ярмаркага савсар териси кам келтирила бошладн.

XIX аср 50—60-йилларидан ярмаркада Ўрта Осиёда рўян ўсимлиги илдизидан олинадиган қизил бўёқ сотилганлиги ҳужжатларда қайд қилинган<sup>173</sup>. Қизил бўёқ ярмаркага Бухородан, Хивадан олиб келингани учун манбаларда «марена хивинский»<sup>174</sup>, «марена бухарский»<sup>175</sup> номи билан қайд қилинган.

Ярмаркага Ўрта Осиёдан, ҳатто, дармана уруғи олиб келинганлиги маълум. Дармана уруғининг дори сифатида 1832 йилда ярмаркада сотилганлиги ҳужжатларда ўқтириб ўтилган<sup>176</sup>. 1830 йилда ярмаркага 167 600 сўмлик майиз, қуруқ мева ва боққолчилик моллари олиб келинган<sup>177</sup>. Ярмар-

33-жадвал

Йил	Дона	Сўм	Йил	Дона	Сўм
1847	900	21 800	1876	30 000	225 000
1852	4 000	10 150	1877	5 000	50 000
1853	4 480	28 000	1879	5 000	47 000
1854	3 900	17 350	1880	6 000	51 000
1855	2 760	10 425	1881	10 000	90 000
1862	2 500	19 500	1882	2 000	18 000
1873	4 000	36 000	1885	10 000	28 750
1874	20 000	200 000	1888	9 000	19 500
1875	25 000	262 000	1892	3 000	1 800

кага қуруқ мевалар — майиз, хурмо, олхўри, ёнғоқ, pista, миндаль асосан Эрондан келтириб турилганлиги учун Ўрта Осиёдан бундай мевалар жуда кам келтирилган. Масалан, 1882 йилда Эрондан ярмаркага бир миллион сўмдан ортиқ миқдорда қуруқ мева келтирилган. Бинобарин, ярмаркада Эрон қуруқ меваларига эҳтиёж Ўрта Осиё меваларига нисбатан катта эди. XIX аср биринчи ярмида ярмаркада Ўрта Осиёдан олиб келинган туя, қўй, эчки жуни билан савдо қилинган вақт-

<sup>173</sup> 1850 йилда 10 000 пуд, 1859 йилда 10 000 пуд, 1851 йилда 7000 пуд, 1852 йилда 13000 пуд, 1853 йилда 15000 пуд, 1854 йилда 4000 пуд, 1855 йилда 9000 пуд, 1862 йилда 7000 пуд қизил бўёқ келтирилган.

<sup>174</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1145.

<sup>175</sup> Журнал МВД.

<sup>176</sup> Журнал МВД, СПб., 1854, кн. IX, стр. 95—96; 1954, кн. 2, стр. 65—66.

<sup>177</sup> Уша жойда, 1837, кн. 24, стр. 98—99.

лар бўлган. Масалан, 1830 йилда 13 450 сўмлик туя ва 36800 сўмлик эчки жуни ярмаркада харид қилинган<sup>178</sup>. 1831 йилда ярмаркага 12 900 сўмлик қўй жуни, 27 000 сўмлик эчки жуни келтирилган<sup>179</sup>.

XIX аср 30-йилларидан бошлаб тошкентликлар ярмаркага фируза олиб келганлар. 1836 йилда 150 000<sup>180</sup>, 1837 йилда 175 000<sup>181</sup>, 1839 йилда 209 900<sup>182</sup>, 1840 йилда 57000<sup>183</sup>, 1843 йилда 35800<sup>184</sup>, 1844 йилда 3000<sup>185</sup>, 1845 йилда 14000<sup>186</sup>, 1846 йилда 22857<sup>187</sup>, 1847 йилда 14 000<sup>188</sup> ва 1862 йилда 30 000 сўм ҳажмида ярмаркада фируза сотилган. Ярмаркага Ўрта Осиё қимматли тошларидан кўк тош ҳам келтирилиб (34-жадвал) турилган.

34-жадвал

Йил	Пуд	Сўм	Йил	Пуд	Сўм
1850	170	26 280	1873	20	14 500
1852	160	17 500	1874	25	17 600
1854	54	15 000	1875	20	35 000
1855	70	15 000	1876	10	15 000
1860	50	14 400	1877	10	10 000
1864	22	8 000	1878	15	17 000
1868	25	7 200	1880	5	6 000
1869	20	6 300	1881	10	16 000
1871	40	24 000	1885	4	8 000

Кўк тошлар оз миқдорда келтирилган бўлса-да, юқори баҳода сотилганлиги кўриниб турипти.

Ўрта Осиё савдогарлари ярмаркага ҳинд шолисини олиб келиб, Ҳиндистон билан Россия ўртасидаги савдода воситачилик ролини ўйнаганлар. Шуниси диққатга сазоворки, ярмаркадаги Ўрта Осиё савдосида шоли билан савдо салмоқли ўринлардан бирини эгаллаган вақтлар бўлган. Масалан,

<sup>178</sup> Журнал МВД, СПб., 1830, кн. 5—6, стр. 183.

<sup>179</sup> Журнал МВД, СПб., 1831, кн. 7, стр. 240.

<sup>180</sup> Журнал МВД, СПб., 1836, кн. 9—10, стр. 594.

<sup>181</sup> Журнал МВД, СПб., 1837, кн. 12, стр. 179—180.

<sup>182</sup> Журнал МВД, СПб., 1839, кн. 7—9, стр. 125.

<sup>183</sup> Журнал МВД, СПб., 1840, кн. 2, стр. 74.

<sup>184</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 817, л. 186.

<sup>185</sup> П. Мельников, указ. соч., стр. 274.

<sup>186</sup> Уша жойда.

<sup>187</sup> Журнал МВД, СПб., 1847, стр. 328.

<sup>188</sup> Центральный государственный исторический музей СССР, ф. 170, л. 36. л. 44.



ярмаркага 1829 йилда 500 000<sup>189</sup>, 1837 йилда 315 000<sup>190</sup>, 1839 йилда 485 000<sup>191</sup>, 1840 йилда 120 500<sup>192</sup>, 1843 йилда 76500<sup>193</sup>, 1850 йилда 55 248<sup>194</sup>, 1851 йилда 19 320<sup>195</sup>, 1852 йилда 27 900<sup>196</sup>, 1860 йилда 11 200<sup>197</sup> сўм миқдорда ҳинд шолиси олиб келинган. Ҳинд шолиси Россия эҳтиёжидан ташқари Европа бозори учун ҳам сотиб олинган<sup>198</sup>. Кейинги йилларда, яъни Урта Осиё босиб олингандан сўнг ярмаркага шולי келтирилмаган. 1863 йилда «Волга» газетасининг кўрсатишича, ҳинд шолиси сифат жиҳатдан яхши бўлса-да, Европа шолиси билан рақобат қила олмаган. Шунинг учун ҳам ярмаркага ҳинд шолиси кам келтирилган<sup>199</sup>. Урта Осиёдан ярмаркага келтирилган молларнинг талай қисмини калава иплар (35-жадвал) ташкил этади.

Бинобарин, XIX аср 20-йилларидан 82-йилларигача ярмаркага анча миқдорда калава ип келтирилиб турилган. Шуниси характерлики, 3—4 йилни ҳисобга олмаганда, келтирилган калава ипнинг миқдори ўша вақтлар ичида 70—80 минг сўмдан камаймаган. Демак, ярмаркадаги Урта Осиё савдосида калава ип муҳим ўринни эгаллаган. Калава ипдан тўқимачилик саноатида ярим хом ашё сифатида фойдаланилган. Гарчи бу ипдан тўқилган газламалар дағал бўлса-да, пишиқ ва арзон бўлиб, камбағалларга жуда қўл келарди.

Астрахандан ҳам ярмаркага Урта Осиё калава ипи келтирилган вақтлар бўлган. Бу ердаги бўёқчилар ёки савдогарлар ўрта оснелик савдогарлардан олган оқ рангли ипларни қизилга бўяб сотардилар. Масалан, 1836 йилда шундай иплардан 8000 пуд сотилган<sup>200</sup>.

Урта Осиё босиб олингандан кейин ҳам ярмаркада калава ипга бўлган талаб пасаймади. Ҳатто, ярмаркада сотилган

калава ипнинг миқдори 200 000 сўмдан ошиб кетган вақтлар ҳам бўлган. Келтирилган калава ипнинг миқдори унча кўп бўлмаса-да, унинг нархи гоҳ ошиб, гоҳ камайиб турганлигини кўриш мумкин. XIX аср 20—30-йилларида ҳар бир пуд калава ип 40 сўмдан 70 сўмгача ёки 105 сўмдан 110 сўмгача нархда сотилган бўлса, кейинги йилларда бу нарх 7 сўмдан 11 сўмгача камайди.

35-жадвал

Йил	Пуд	Сўм	Йил	Пуд	Сўм
1826	200 000	—	1862	15 000	195 000
1830	—	206 350	1864	6 500	208 000
1831	—	185 900	1865	12 000	—
1836	19 000	—	1866	6 000	114 000
1837	40 000	2 100 000	1867	20 000	270 000
1839	6 200	533 200	1868	12 000	132 000
1840	850 той	91 375	1874	8 000	80 000
1843	—	98 500	1875	7 000	70 000
1844	—	154 300	1876	10 000	81 250
1845	23 680	256 120	1877	100 000	95 000
1846	3 500	36 000	1878	20 000	250 000
1847	16 000	160 000	1879	10 000	120 000
1849	11 200	110 000	1880	15 000	172 500
1851	8 000	84 000	1881	20 000	240 000
1852	10 000	96 000	1882	18 000	198 000
1854	16 000	142 000	1885	5 000	45 000
1855	12 000	105 000	1887	2 000	—
1856	2 500	27 750	1888	3 000	33 510
1858	8 000	100 000	1891	3 500	36 310
1859	12 000	120 000	1892	3 500	36 750
1860	4 800	50 000			

Америкадаги пахта кризиси туфайли 1864 йилда Урта Осиё калава ипнинг бир пуди 31—33 сўмгача нархда сотилди. Кейинчалик бу нарх 17—20, 11—13, 10—12 сўмгача тушди. 1885 йилдан бошлаб ярмаркага Урта Осиё калава ипини келтириш камая бориб, пировардида у билан савдо йўққа чиқди. Бора-бора тобора ўсиб бораётган Россия тўқимачилик саноати учун Урта Осиё калава ипи ярамай қолди.

Ярмаркада тобора аҳамияти ва миқдори ошиб борган моллар ҳисобига пахта ни киритиш мумкин. Пахта ярмаркадаги Урта Осиё савдосида ҳал қилувчи ролни ўйнаб, ташқи савдода асосий буюм бўлиб қолди. Қўлимизда 1826<sup>201</sup> ва

<sup>201</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 377, л. 163-об.

<sup>189</sup> Журнал МВД, СПб., 1829, кн. 1, стр. 210.

<sup>190</sup> Журнал МВД, СПб., 1837, кн. 12, стр. 179.

<sup>191</sup> Журнал МВД, СПб., 1839, кн. 7—9, стр. 125.

<sup>192</sup> Журнал МВД, СПб., 1841, кн. 2, стр. 73.

<sup>193</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 817, л. 186-об.

<sup>194</sup> Журнал МВД, СПб., 1851, кн. 1—3, стр. 205; П. Мельников, указ. соч., стр. 272.

<sup>195</sup> Журнал МВД, СПб., 1852, кн. 1—3, стр. 115.

<sup>196</sup> Журнал МВД, СПб., 1853, кн. 1—3, стр. 164.

<sup>197</sup> Журнал МВД, СПб., 1860, кн. 12, стр. 177.

<sup>198</sup> П. Мельников, указ. соч. стр. 272.

<sup>199</sup> Газета «Волга», № 39, 23 май 1863 года.

<sup>200</sup> Журнал МВД, СПб., 1836, кн. 9—10, стр. 395.

1826 йилларда<sup>202</sup> ярмаркага Урта Осиё пахтаси келтирилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шу йили 500 000 пуд пахта келтирилиб, унинг ҳар бир пуди 17 сўмдан 20 сўмгача нархда харид қилинган. 1829 йили ҳам ярмаркада пахта сотилганлиги маълум<sup>203</sup>.

Афсуски, XIX аср 30-йилигача ярмаркаларда сотилган Урта Осиё пахтасининг миқдориға тегишли архив ҳужжатлар тўла сақланмаган. 36-жадвал ярмаркада пахта билан қилинган савдонинг миқдори ҳақида тушунча беради.

36-жадвал

Йил	Пуд	Сум	Йил	Пуд	Сум
1830	—	96 000	1864	180 000	3 500 000
1831	—	78 000	1865	105 000	3 500 000
1836	52 000	—	1866	80 000	—
1837	55 000	1 237 500	1867	350 000	2 800 000
1839	25 300	556 600	1868	90 000	846 000
1840	4 200 той	189 000	1869	100 000	1 315 000
1843	11 280	52 280	1871	200 000	1 755 000
1844	2 720	11 680	1872	300 000	—
1845	1 920	12 700	1873	250 000	1 750 000
1846	7 000	32 857	1875	250 000	1 602 500
1847	10 000	48 200	1876	300 000	1 539 000
1848	4 700	23 600	1877	210 000	1 682 500
1849	1 000	5 700	1879	150 000	1 250 000
1851	1 000	5 500	1880	180 000	1 395 000
1852	15 000	81 000	1881	245 000	2 085 625
1853	25 000	129 500	1882	200 000	3 107 500
1854	24 000	138 000	1885	225 000	1 212 000
1855	12 000	105 000	1888	290 000	2 406 000
1856	2 500	27 750	1890	220 000	—
1858	8 000	100 000	1891	195 000	2 713 875
1859	45 000	292 500	1892	165 000	1 476 125
1860	30 000	150 000	1894	—	2 900 000
1862	125 000	1 562 500			

Ярмаркага Америка пахтасининг кам келтирилиши орқасида 1837 ва 1839 йилларда пахта миқдори ярим, ҳатто, бир миллион сўмдан ҳам ошиб кетди.

Маълумки, Россия тўқимачилик саноатида Америка пахтаси асосий хом ашё ҳисобланган. Бу пахта сифат жиҳатидан Россияда Урта Осиё ва Эрон пахтаси билан кенг савдо қилишга катта тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам бирор

сабаб билан Россияга Америка пахтаси оз миқдорда келтирилган тақдирдагина Урта Осиё пахтасига талаб зўраяр ва унинг нархи ошарди. Чунончи, Америка ва Европанинг ҳамма бозорларида пахта нархининг ошиши 1847 йилда Урта Осиё пахтаси нархини ҳам ошириб юборди. 1846 йилда бир пуд пахта 4 сўм 75 тийин бўлган бўлса, бу нарх 1847 йилда ярмаркада 6 сўм 57 тийингача кўтарилди<sup>206</sup>.

1855—1858 йилларда ҳам Урта Осиё пахтасининг нархи яна ошган. Америкада гражданлар уруши (1861—1865) вақтида Россияга Америка пахтасини келтиришни иложи бўлмади қолди. Натижада Нижний Новгород ярмаркасида, Москвада ва Россиянинг бошқа жойларида 1860 йилда Урта Осиё пахтасининг бир пуди беш сўмдан сотилган бўлса, 1862 йилда унинг нархи 12—13 сўм орасида бўлган. Бироқ Урта Осиё пахтаси сифат ва миқдор жиҳатидан рус тўқимачилик саноатини ҳали етарли даражада таъминлай олмаслиги учун Америкада гражданлар уруши вақтида Россияда газламалар ишлаб чиқариш камайиб кетди. 1860 йилда ишлаб турган 57 йигирув фабрикасида 1863 йилда 35 таси, 659 тўқимачилик фабрикасида 338 таси қолди, холос. Урта Осиё савдогарлари Россияда пахта етишмаслигини яхши билганлари ҳолда ярмаркага имкони борича кўпроқ пахта келтиришга уриндилар. Уз навбатидан Россия савдогарларининг Урта Осиё пахтасига бўлган қизиқиши ошган.

Бу ҳақда архив ҳужжатларида шундай дейилган: «Утган (1864 йилда) Америка Қўшма Штатларидаги уруш орқасида Европа бозорларида пахтанинг камлигини билган бухороликлар (1862—Ҳ.З) Россияга пахта келтиришни анча кўпайтирдилар. Утган йилга нисбатан ярмаркага пахта икки ярим марта (яъни 125 минг пуд) кўп келтирилди. Рус савдогарлари (оренбурглик Деев, Путилов ва Веснинлар Бухорода комиссионерларига эга) 85000 пуд, бухороликлар 40000 пуд пахта келтирганлар. Бундан ташқари Москва савдогарлари Милютин, Морозов, Лепишкин ва Қозон татарлари томонидан Оренбург губерниясининг чегараси Троицк ҳамда Петропавловскда 100 минг пуддан ортиқ пахта сотиб олинган»<sup>207</sup>.

Оренбург ва Сибирь линиясида рус ва татар савдогарлари ўрта осиеликлар қўлидан кўплаб пахта сотиб олиб, бундан келадиган даромадни қўлларида тўплашга ҳаракат

<sup>206</sup> Центральный исторический музей СССР, ф. 170, д. 36, л. 44 об.—45.

<sup>207</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 289, д. 1145, л. 53, об.—56 об.

<sup>202</sup> Николай Тюринь, Записки о поездке на Нижегородскую ярмарку, М., 1827, стр. 33.

<sup>203</sup> Журнал МВД, СПб., 1829, кн. 1, стр. 210.

қилдилар. Чунончи, 1867 йилда ярмаркага келтирилган 350 минг пуд пахтанинг атиги 75000 пуди Урта Осиё савдогарлари, 275 минг пуди рус савдогарлари томонидан келтирилган эди<sup>208</sup>. 1867 йилдан ярмаркага Америка пахтаси кўплаб келтирила бошлагач, Урта Осиё пахтасини кўп миқдорда ғамлаган савдогарлар зарар кўрадилар<sup>209</sup>. Ҳатто, 250 минг пуд Урта Осиё пахтаси сотилмай қолган. Одатда ярмаркада сотилмай қолган Урта Осиё пахтаси Москва<sup>210</sup> ва Қозон бозорларига олиб кетиларди<sup>211</sup>.

1865 йилданоқ ярмаркага келтирила бошлаган Америка пахтаси Урта Осиё пахтасининг нархини пасайтириб юборган бўлса-да, бироқ унинг миқдорини камайтира олмади. Бунда Урта Осиёда Россия ҳукмронлиги ўрнатилган бошлаши орқасида савдо алоқаларини янада самарали бўлишини таъминловчи шароитнинг вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Рус тўқимачилик саноати бирмунча такомиллашиб, Урта Осиё пахтасидан сифатли газламалар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши, ярмаркадаги Урта Осиё савдосида пахтанинг қатъий ўрин эгаллашига сабаб бўлган. «Яқин вақтларгача, — деб ёзади 1865 йилда авторлардан бири, — бу (Урта Осиё — Ҳ. З.) пахтадан ип ва газлама тўқиш мумкин эмас деб ҳисобланарди. Эндиликда Америка пахтаси аралаштирмасдан газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Шундай қилиб, пахта кризиси тўқимачилик саноатимизни такомиллаштириб юборди»<sup>212</sup>.

Бинобарин, XIX аср 60-йилларига келиб рус тўқимачилик саноати бевосита Урта Осиё пахтасидан хом ашё сифатида фойдаланишга киришилган эди.

Архив ҳужжатларида Россияга пахта Бухоро, Хива, Тошкент ва Қўқондан келтирилганлиги уқтириб ўтилган. Шунингдек, уларда пахтанинг ярмаркада сотилиш нархи берилган. Масалан, 1871 йилда Хива пахтасининг бир пуди 9 сўм, Бухороники 8 сўм 75 тийин, Тошкент ва Қўқонники 8 сўм 50 тийин бўлган<sup>213</sup>. 1873 йилда Хива пахтаси 7 сўм 40 тийин, Бухороники 7 сўм, Тошкент ва Қўқонники 6 сўм 50 тийиндан харид қилинган<sup>214</sup>. 1879 йилда эса Хива пахтасининг бир

<sup>208</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1260, л. 51—52 об.

<sup>209</sup> Уша жойда.

<sup>210</sup> Уша жойда.

<sup>211</sup> Журнал МВД, СПб., 1856, кн. 21, стр. 65.

<sup>212</sup> В. П. Безобразов, Очерки Нижегородской ярмарки, М., 1865, стр. 49—50.

<sup>213</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1334, л. 40.

<sup>214</sup> Уша жойда, д. 1898, л. 30.

пуди 9 сўм, Бухороники 8 сўм 50 тийин, Тошкент ва Қўқонники 8 сўмдан баҳоланган<sup>215</sup>.

Хуллас, ярмаркада Хивадан келтирилган пахта сифатли бўлганлиги туфайли ортиқ нархда сотилган. Бундай аҳволни 1876 йил<sup>216</sup>, 1877 йил<sup>217</sup>, 1880 йил<sup>218</sup>, 1881 йил<sup>219</sup>, 1882 йил<sup>220</sup> ва ундан кейинги йилларда кўриш мумкин.

XIX аср учинчи чорагида Бухоро, Хива, Тошкент ва Қўқондан ярмаркага қанча миқдорда пахта келтирилганлигини (37-жадвалдан)<sup>221—222</sup> кўриш мумкин.

37-жадвал

Йиллар	Бухоро	Хива	Тошкент	Қўқон	Америка пахтаси
	пуд	пуд	маҳаллий пахта	Миср пахтаси	
1878	100 000	50 000			
1879	100 000	20 000	30 000	—	—
1880	80 000	50 000	50 000	—	—
1882	200 000	100 000	25 000	—	—
1884	70 000	50 000	7 000	—	—
1885	60 000	80 000	10 000	—	—
1887	150 000	50 000	35 000	—	15 000
1888	170 000	120 000	40 000 <sup>223</sup>	—	—
1890	40 000	180 000	25 000	—	—
1891	25 000	110 000	25 000	15 000	30 000
1892	25 000	110 000	20 000	—	30 000

Умуман олганда ярмаркага кўпроқ пахта Бухородан, Хивадан келтирилган.

Ярмаркага Тошкент ҳамда Қўқон пахтаси билан бирга оз миқдорда бўлса-да, Миср ва Америка пахтасининг келтирилиши Урта Осиё пахтаси қимматини ошириш билан бир қаторда рус тўқимачилик саноатини қисман сифатли хом ашё билан таъминлаб турган.

Урта Осиёда етиштирилган Миср ва Америка пахтаси 1891 йилда ярмаркада юқори нарх билан сотилган. Жумладан, Миср пахтасининг бир пуди 9 сўм 50 тийин, Америка

<sup>215</sup> Уша жойда, д. 1527, л. 45.

<sup>216</sup> Уша пойда, д. 1431, л. 31.

<sup>217</sup> Уша жойда, д. 1460, л. 28.

<sup>218</sup> Уша жойда, д. 1448, л. 270.

<sup>219</sup> Уша жойда, д. 1549, л. 25.

<sup>220</sup> Уша жойда, д. 1578, л. 18 об.

<sup>221—222</sup> Уша жойда, д. 1646, л. 22 об.

<sup>223</sup> Манбалардаги бу рақамларда маҳаллий ва Миср пахтасининг умумий ҳажми кўшиб берилган. Шунинг учун бу пахтанинг миқдорини билиш қийин.

пахтасининг бир пуди эса 9 сўм 25 тийиндан 9 сўм 50 тийингача баҳоланган эди.

XIX аср охирларига келиб Ўрта Осиё пахтасига тўқимачилик саноатида талаб катта бўлса-да, ярмаркага унчалик кўп миқдорда пахта келтирилмаган. Темпир йўл қурилиши ҳамда Ўрта Осиёнинг ўзида ва Оренбург сингарии жойларда фабрика эгалари томонидан пахтанинг сотиб олинishi сабабли ярмаркага Ўрта Осиё пахтасини кўплаб келтиришга эҳтиёж қолмади. Барибир пахта Ўрта Осиё савдосида энг асосий буюм бўлиб қолган эди.

38-жадвал

Йиллар	Сўм	Йиллар	Сўм	Йиллар	Сўм
1815	3 916 000	1849	450 600	1869	2 508 000
1829	3 100 000	1851	558 560	1871	2 852 000
1830	750 150	1852	8 667 300	1873	3 693 600
1831	524 650	1853	843 200	1874	5 334 000
1832	1 500 000	1854	653 350	1875	5 324 000
1836	3 400 000	1855	934 560	1876	5 796 000
1837	4 884 800	1856	427 030	1877	4 488 475
1838	3 000 000	1858	617 340	1878	3 663 600
1839	2 330 000	1859	1 035 000	1880	5 354 725
1840	657 745	1860	779 000	1881	5 794 125
1843	513 299	1861	1 322 100	1882	6 931 250
1844	388 277	1864	4 019 250	1885	4 506 750
1846	477 328	1866	1 475 020	1888	6 953 400
1847	296 900	1867	3 624 500	1890	5 952 325
1848	357 348	1868	1 642 225	1891	6 756 110
				1892	3 866 400

XIX аср давомида ярмаркага келтирилган Ўрта Осиё молларини ўз ичига олувчи умумлаштирилган маълумотларга (38-жадвал) қараб Ўрта Осиё савдоси ҳақида тўла тушунча ҳосил қилиш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, дастлабки йилларда Ўрта Осиё молларининг миқдори 3 миллион сўмдан ортган, Ўрта Осиё молларини ярмаркага ўз вақтида етиб келмаслиги сабабли айрим йилларда савдо-сотик сусайган. Масалан, 1830 йилда Ўрта Осиёдан савдо карвони Оренбург губернияси орқали ярмаркага август охирларида кечикиб келган<sup>224</sup>. Натижада Ўрта Осиё молларининг бир қисми Москва-

<sup>224</sup> Журнал МВД, СПб., 1830, кн. 5—6, стр. 185.

га олиб кетилган эди. Шунингдек, 1847 йилда 3000 туялик савдо карвони 25 августда Оренбург губернияси оstonасига келиб тўхтаган. Ўз-ўзидан маълумки, бу савдо карвони ярмаркага ўз вақтида етиб бора олмас эди<sup>225</sup>. Манбаларда ярмаркага савдо карвонларининг кейинги вақтларда, жумладан, 1856 йилда ҳам кечикиб келганлиги туфайли Ўрта Осиё моллари Қозон ва Москва бозорларига олиб кетилган<sup>226</sup>. Шубҳасиз, ярмаркага савдо карвонларининг кечикиб келишига алоқа йўлининг узоқлиги ва кўчманчилар ҳужуми сабаб бўлган. Бундан ташқари, Ўрта Осиёдаги ички зиддият ва ўзаро урушлар савдо карвонларининг ўз вақтида ёки мунтазам равишда ярмаркага қатнаб туришига тўсқинлик қиларди. Масалан, 1856 йили Хива хонлигидаги ўзаро уруш туфайли ярмаркага мутлақо савдо карвони келмаган<sup>227</sup>.

1866 йилда Бухоро хонлигидаги оғир вазият вақтида савдо карвонлари Хива хонлиги орқали ярмаркага қатнаган.

Савдо карвонларини уюштириш ва уларни бошқариш ҳам анча қийинчилик туғдириб, савдо алоқаларининг кенг ривожланишига маълум даражада тўсқинлик қиларди. Савдо карвонлари неча минглаб иш ҳайвонларини ташқил этарди. Масалан, 1857 йилда 20000, кейинги галда эса 16000 туя билан савдо карвонларининг ярмаркага келганлиги маълум<sup>228</sup>. Ярмаркага савдо карвонларининг ўз вақтида етиб келмаслигига айрим йилларда Волга дарёсида сувнинг камайishi орқасида кемалар қатнашининг қийинлаishi сабаб бўлган. Масалан, худди шу сабадан 1868 йилда ярмаркага Ўрта Осиё моллари келтирилмаган<sup>229</sup>. 1869 йилда Волга дарёсида сувнинг камайishi туфайли мўлжалдаги 300000 пуд пахта ўрнига ярмаркага 100000 пуд пахта келтирилган<sup>230</sup>.

Ярмарка вақтларида ўрта осиеликлар турли рус молларини олиб кетардилар. Масалан, Ўрта Осиё савдогарлари 1831 йилда кўпроқ чит, миткол ва мовут сингарии молларни олиб кетганлар<sup>231</sup>. 1836 йилдаги маълумотларга кўра, ўрта осиеликлар Москва ва унинг атрофидаги жойларда тўқиладиган гулдор докани талабчанлик билан сотиб олганлар<sup>232</sup>.

<sup>225</sup> Журнал МВД, СПб., 1849, кн. 4—6, стр. 405—406.

<sup>226</sup> Журнал МВД, СПб., 1856, кн. 21, стр. 65.

<sup>227</sup> Уша жойда.

<sup>228</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 12, л. 50.

<sup>229</sup> Журнал МВД, СПб., 1858, кн. 1—2, стр. 68.

<sup>230</sup> Государственный, архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1279.

<sup>231</sup> Уша жойда, ф. 681, оп. 6, д. 717.

<sup>232</sup> Журнал МВД, СПб., 1831, кн. 6, стр. 240.

1844 йил ярмаркада олинган рус молларининг тури 39-жадвалда кўрсатилган<sup>233</sup>.

Демак, ярмаркадан кўпроқ Бухоро хонлигига моллар кўп олиб кетилган. Бироқ бундай ҳолатни қатъий деб ҳисоблаш тўғри эмас. Чунки ярмаркада Бухорога ёки бошқа шаҳарга олиб кетилгани маълум қилинган рус моллари Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига ҳам олиб кетилган. Шунинг

39-жадвал

Рус моллари	Бухорога	Хивага	Тошкентга
	сўм	сўм	сўм
Чит	19 900	14 400	4 300
Нани <sup>234</sup>	10 000	—	—
Дока	10 400	—	—
Коленкор <sup>235</sup>	8 800	—	—
Ип румол	30 380	3 000	3 300
Чий бахмал	4 000	—	—
Сархон мол	4 000	—	—
Козинску <sup>236</sup>	1 000	—	—
Мовуи	2 000	—	—
Салла	200	—	—
Ип газлама	—	—	400

учун кўрсатилган маълумотдаги рус молларининг шаҳарларга тақсимланиши ҳақиқий аҳволни акс эттирмаслиги мумкин. Ўрта осиеликлар ўз моллари эвазига кўпроқ тилла, кумуш тангачалар, Голландия червони олиб кетганликлари 1846 йилга тегишли архив ҳужжатларда уқтириб ўтилган<sup>237</sup>.

Шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари 1849 йил<sup>238</sup>, 1855 йил<sup>239</sup>, 1856 йил<sup>240</sup>, 1859 йил<sup>241</sup> ва 1860 йил<sup>242</sup>ларда ҳам ярмаркалардан ўз ватанларига кўпроқ олтин ва кумуш тангачалар олиб кетганлар. Масалан, 1862 йилги ярмаркада ўрта осиеликлар савдо-сотикдан тушурган 2 ярим миллион

<sup>233</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 236, д. 1844, лл. 11 об — 111.

<sup>234</sup> Сарик рангли дағал ип газлама.

<sup>235</sup> Бир хил қалин сурп.

<sup>236</sup> Газлама турларидан бири.

<sup>237</sup> Центральный Государственный исторический музей СССР, ф. 170, д. 36, л. 45.

<sup>238</sup> Журнал МВД, СПб., 1850, часть XXX, стр. 233.

<sup>239</sup> Уша жойда, кн. 1—2, стр. 91.

<sup>240</sup> Уша жойда, 1856, часть XXI, стр. 64.

<sup>241</sup> Уша жойда, 1859, кн. 12, стр. 196.

<sup>242</sup> Уша жойда, 1860, кн. 12, часть 45, стр. 137.

сўмдан ортиқ пулнинг 400 минг сўмига рус моллари, қолган қисмига эса олтин ва кумуш тангачалар олганлар<sup>243</sup>.

Ўрта осиеликлар билан эронликларнинг олтин ва кумуш тангачаларни борган сари кўпроқ олишлари орқасида 1863 йилда ярмаркада тангалар етишмаслиги сезилади. Ҳатто, савдогарлар Москва, Санкт-Петербургга ҳам пул юбориб, олтин ва кумуш тангачалар олиш ҳаракатига тушдилар. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимият вакиллари ни ташвишга солиб қўйди. Чунончи, Нижний Новгород ярмарка конторасига доир ҳужжатда (1830 йилгача) олтин ва кумуш тангаларни четга чиқариш тақиқланган вақтларда ўрта осиеликлар ўз моллари эвазига нуқул рус молларини олганликлари айтилган. Бундан ҳар икки томон баробар манфаатдор бўлган. Олтин ва кумуш тангаларни четга чиқаришга ижозат берилши, Россияда тангаларнинг сезиларли даражада камайганлиги архив ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган<sup>244</sup>. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Эрон савдогарларига олтин ва кумуш тангаларни олишларини тақиқлаш масаласи олдинга сурилган. «Албатта (бу фикрга Ҳ.З.) дейилади ҳужжатда,— қарши чиқувчи кишилар топилиб, агар Россиядан олтин ва кумуш чиқариш тақиқланса, у вақтда осиеликлар ўз молларини келтирмай қўядилар дейишлари мумкин. Бироқ бу кишилар шу нарса-ни ўйламайдиларки, Эрон, Бухоро ва Хива 100 йиллардан бери Россия билан қўшничиликда яшаб ўз молларини фақат (Россияга — Ҳ.З.) шу ерга келтирмоқдалар. Чунки улар ўз моллари учун бошқа бозорга эга эмаслар. Бухоро ва Хива моллари учун қатъий айтиш мумкинки, ягона бозор Россиядир»<sup>245</sup>.

Маълумки, Россия ўзининг тайёр маҳсулотлари учун Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда бозорга эга эди. Унинг Европа мамлакатларига чиқариладиган молларининг асосий қисмини эса хом ашё қопларди. Шунинг учун тайёр маҳсулотлар билан савдо қилишда Россия учун Ўрта Осиё қанчалик зарур бўлса, Ўрта Осиё Россия учун шунчалик керак эди. XIX аср ўрталаридан бошлаб Россия Ўрта Осиёга муҳим бозор сифатидагина эмас, балки хом ашё базаси сифатида қарагани учун ҳам рус давлати Ўрта Осиё билан алоқани мустаҳкамлашга ва у ерда ўз таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилган.

<sup>243</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, д. 1145, л. 56 об.

<sup>244</sup> Уша жойда, д. 1161, 2 л. 51.

<sup>245</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, д. 286, л. 33—34.

Шунинг учун олтин ва кумушни четга чиқаришни тақиқлаш ҳақидаги таклиф амалга олмади. Чунки кейинги йиллардаги ярмаркаларда ўрта осиеликлар томонидан олтин ва кумуш тангаларнинг сотиб олинганлиги маълум. Бироқ кейинги вақтларда ярмаркада олтин ва кумушнинг нархи ошиб кетганлиги сабабли XIX аср биринчи ярмисига қараганда анча оз миқдорда сотиб олинган<sup>246</sup>. Шунинг учун ўрта осиеликлар кўпроқ рус (турли газламалар, шакар, қанд, мовут, чинни ва мис идишлар) молларини олганлар. Ҳатто нархнинг ғоятда ошиб кетиши орқасида 1877 йилда олтин тангалар ярмаркада Ўрта Осие савдогарлари томонидан сотиб олинмаган эди<sup>247</sup>. 1882 йилдаги ярмаркага тегишли ҳужжатда эса ўрта осиеликларнинг 10 миллион сўм миқдорда рус моллари сотиб олинганлиги кўрсатилган. Қана сўмлик олтин танга олинганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмади<sup>248</sup>. 1888 йилдаги ярмаркада ўрта осиеликларнинг тахминан бир ярим миллион сўм миқдорда кумуш қўймаси олинганлиги архив ҳужжатларда уқтириб ўтилган. Ўрта Осиега олиб кетилган бунча кўп кумушни ярмаркада 25 йил старший маклер бўлиб хизмат қилган ва 30 йил у ерга қатнаган Виктор Агапитов биринчи мартаба кўрганлигини таъкидлаган<sup>249</sup>. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда, яъни 1891 йил<sup>250</sup> ва 1892 йил<sup>251</sup>лардаги ярмаркаларда Ўрта Осие савдогарларининг қисман кумуш қўймаси олинганлиги маълум. Демак, ярмаркадан Ўрта Осиега келтирилган молларнинг асосий қисми ёки деярли ҳаммаси тайёр маҳсулотлардан иборат эди.

Россиядаги энг машҳур ярмаркалардан бири Нижний Новгород ярмаркасида бутун Волга бўйлари ва умуман Россиянинг ҳар томонидан моллар келтирилар ҳамда олиб кетиларди. Нижний Новгород ярмаркаси орқали узоқ йиллар давомида Ўрта Осие Россия билан савдо қилиб, ярмарка чатиштирувчи бозор сифатида муҳим роль ўйнаган.

#### АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ

Каспий — Волга йўли узоқ йиллар Ўрта Осие, Кавказ, Эрон, Шарқий Европа, Хитой ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқасида му-

<sup>246</sup> Государственный архив Горьковской области, ф. 489, оп. 286, л. 33—34.

<sup>247</sup> Уша жойда, д. 1888, л. 271—272.

<sup>248</sup> Уша жойда, д. 1801, л. 20.

<sup>249</sup> Уша жойда, ф. 42, оп. 287, д. 182.

<sup>250</sup> Уша жойда, д. 1819, л. 27.

<sup>251</sup> Уша жойда, д. 1836, л. 53.

ҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам Каспий — Волга йўли эгаллаш учун асрлар давомида савдо, хунарманд ва ҳукмрон доиралар ўртасида қизғин курашлар олиб борилган.

Каспий — Волга йўли жуда қадимдан Ўрта Осиега маълум эди. Чунки, Александр Македонский замонида савдогарларнинг Амударё бўйлаб Каспий денгизи орқали Албания ва Қора денгизгача борганликлари ҳақида маълумотлар бор<sup>252</sup>. Ўрта осиеликлар, жумладан, хоразмликлар VIII аср биринчи ярмида, яъни Хоразм — Ҳазар империяси вужудга келган вақтларда Каспий-Волга йўли орқали қизғин савдо олиб борган эдилар. Олтин Ўрда вақтида ўрта осиеликлар икки йўлдан: биринчиси Волга бўйидаги Булғордан Ўрта Осие, Кавказ, Эрон ва Узоқ Шарққа борадиган, иккинчиси Дашти Қипчоқ орқали Қримга, ундан эса Кичик Осиедаги Трапезунд ва Константинополга борадиган йўлдан фойдаланганлар. Бинобарин, Каспий-Волга йўли орқали олиб бориладиган савдонинг доираси кенг бўлган. Уша вақтларда Олтин Ўрдан Ўрта Осиега борадиган йўлнинг бири Волгадан Ёйиқ, Эмба, Урганч орқали ўтган. Бу ердан йўл Бухоро ва Ўрта Осиенинг бошқа шаҳарларига уланиб кетарди. Ўрта Осиега бошқа маршрут билан, яъни Волга орқали Ёйиқ, Эмба, Қипчоқ даштлари, Чув дарё водийси ва Илига борилган. Урганчдан Утзор ва Олмалиқ орқали Хитойга йўл кетган эди. 1333 йилда Беркасаройдан Урганчга келган араб сайёҳи ибн Батутанинг кўрсатишича, бу йўлни босиб ўтиш учун 40 кун кетган<sup>253</sup>. Йўлларда ўт жуда кам бўлганлигидан тўрт гилдиракли аравага от ўрнига туялар қўшилар экан.

Олтин Ўрда парчаланиб, Қозон ва Астрахань хонликлари барпо бўлган вақтларда Каспий-Волга йўли орқали савдо жуда сусайган бўлса-да, ўрта осиеликлар бу йўлдан кўрсатилган хонликларга онда-сонда қатнаб турганлар<sup>254</sup>.

XVI аср ўрталарида Қозон ва Астрахань хонликларининг рус қўшинлари томонидан эгалланиши Каспий-Волга йўлининг рус давлати ихтиёрига ўтишига сабаб бўлди. Шундан сўнг Каспий-Волга йўли орқали Ўрта Осие билан рус давлати ўртасида бевосита алоқа ўрнатилган. 1558 йилда Урганч ва Бухорога борган англиялик А. Дженкинсоннинг берган маълумоти қараганда Каспий-Волга йўлининг бир учи

<sup>252</sup> В. Бартольд, Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XII в., Ташкент, 1902, стр. 11.

<sup>253</sup> Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский, Уша асар, 20-бет.

<sup>254</sup> А. Якубовский, Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X-XV вв., МИУТ СССР, стр. 46.

Москвага, иккинчи учи эса Урганчга тақалган. Одатда Москвадан дарё бўйлаб Колома орқали Ока дарёсига ўтиланган. Бу дарёда Переяслав, эски Рязан, Қосимов, Муром каби жойлар босиб ўтилиб, Нижний Новгород шаҳрига келинган. Шундан кейин бевоёита Каспий-Волга йўлига ўтилиб, Василгород, Чебоксари ва Қозон орқали Астраханга келинган. Бу ердан Каспий денгизи бўйлаб кемада Манқишлоқ ярим-оролга борилган. Манқишлоқдан савдогарлар қуруқ йўлга

40-жадвал

Жойларнинг номи	Мософа км.	Кемаларда	Кун ҳисобида	
			юк билан	жамии
Москва-Астрахань	3312	40	—	40
Астрахань-Манқишлоқ (Қараган пристани)	900 га яқин	10—15	—	10—16
Манқишлоқ-Урганч	500	—	25	25
Урганч-Бухоро	700	—	25	25
Манқишлоқ-Урганч	500	—	18	18

чиқиб, Уст-Юрт орқали Хива хонлигидаги Вазир номли шаҳарга, сўнгра Саригқамишдан ўтиб Урганчга борганлар. А. Дженкинсон шу йўл билан Урганчга, Бухорога борган эди. 40-жадвал бу йўлнинг масофаси ва унга кетган вақт ҳақида тушунча беради<sup>255</sup>. Бунга қараганда, Каспий-Волга йўли орқали Москвадан Бухорога бориш учун 5 минг 400 километрдан ошиқ йўл босиб ўтилиб, бунга уч ойдан ортиқ вақт кетарди. Астрахандан Урганчга 35—40 кунда бориларди. А. Дженкинсон Бухорода маҳаллий савдогарлардан Астрахандан Урта Осиё шаҳарларига ва бу жойлардан Хитойга борадиган алоқа йўллари ҳақида маълумотлар тўплаган<sup>256</sup>. Буларга кўра, Астрахандан Саройчик орқали Урганчга карвон йўли ўтган. Астрахандан Саройчикгача 10 кунда, Урганчгача 15 кунда, Бухорога 15 кунда, Қашқарга 30 кунда, Хитой чегарасига 30 кунда бориларди. Бухородан Тошкентга 14 кунда келинарди. Тошкентдан Хўжандга 7 кунда, Қашқарга 20 кунда, Сочинга (ички Хитой чегараси) 30 кунда, Қамчикга

5 кунда, Пекинга 2 ойда борилган. Волга бўйидаги йирик савдо маркаларидан бири ҳисобланган Қозондан ҳам ўзбек хонликларига йўл кетган эди. Жумладан, 1595 йилга тегишли маълумотда Қозондан Камагача, Уфа, Иргиз дарёсигача борилиб ҳозирги Қозоғистон чўллари орқали Тошкент ва Самарқандга ўтилган<sup>257</sup>. Уша вақтларда ўзбек хонликларидан Волга бўйидаги Самарага ҳам карвон йўли мавжуд эди. 1589 йилда рус ҳукумати Бухоро ва Хива элчиларини Самарадан Нўғой даштлари орқали ўз ватанига кетишларини у жойнинг маҳаллий ҳокимиятига маълум қилган эди. XVII аср бошларига тегишли маълумотларнинг кўрсатишича, Самара орқали кўп савдо карвонлари қатнаб турган. Масалан, 1614 йилда йирик савдогар Наврузхўжа ва карвонбоши Дарвиш Бухоро ҳамда Урганчдан 900 га яқин савдогарларнинг моллар билан Самарага келаётганликларини рус ҳукуматига маълум қилган<sup>258—259</sup>. Самара йўли дашт орқали Ёйиққа, Эмбага сўнгра Урганчга бориб тақалган.

XVI аср иккинчи ярми ва XVII асрда юқорида баён этилган сув ва қуруқ йўллар орқали Урта Осиё билан рус давлати ўртасида савдо-сотиқ ва элчилик алоқалари давом этган. Бу вақтларда Астрахандан Манқишлоқ орқали ўзбек хонликларига борадиган сув йўлида Кабакли ва Қараган пристанлари муҳим роль ўйнаган. Кабакли пристани кемалар тўхташи учун Қараганга нисбатан ноқулайроқ бўлганлигидан кейинчалик ўз аҳамиятини йўқотди. Қараган пристани эса узоқ вақтлар давомида савдогар ва элчиларнинг қуруқликка ёки денгизга ўтадиган муҳим пристани бўлиб турди. Қуруқ ёки сув йўллардан кўчманчилар талон-тарожининг кучайиши ёки тўхталишига қараб фойдаланилар эди. Сув йўли ҳақида 1775 йилда Москвага келган Бухоро элчиси мулла Эрназар Мақсудов батафсил маълумот берган. Унинг кўрсатишича, Бухоро шаҳридан Қулчук, Базирган ва Урганч орқали Хивага борилган. Сўнгра Анбар қишлоғи орқали Хоразм, Сематемур, Боки ва Қуланоқ қудуқлари босиб ўтилиб, Манқишлоққа ва бу ердан кемада денгиз бўйлаб Астраханга келинган<sup>260</sup>.

Элчи мулла Эрназар Мақсудов Бухородан Манқишлоқгача 30 кун, бу ердан Астраханга бир кунда келган. Сув йўли билан бир қаторда савдогар ва элчилар Гурьев орқали ўтадиган қуруқ йўлдан ҳам фойдаланганлар. Бу йўл

<sup>255</sup> М. Фехнер, Уша асар, 48-бет.

<sup>256</sup> «Английские путешественники о Московском государстве в XVI в.», М., 1937, стр. 189—190.

<sup>257</sup> МИУТТССР, стр. 293; М. Фехнер, Уша асар, 50-бет, Бухарские столбцы, л. 4.

<sup>258—259</sup> Т. XXI, СПб., 1892, стр. 171.

<sup>260</sup> АВПР, ф. Сношения России с Бухарой, д. № 1, л. 61—62-бет.



Астрахандан Гурьев, Ёмба, Урганч, Бухорогача чўзилган эди. XIX аср биринчи ярмига тегишли маълумотларга қараганда сув ва қуруқ йўллarning ҳар иккаласи ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу вақтларда Астрахандан Каспий денгизи орқали кема билан Манқишлоққа келинган. Бу ердан моллар туяларга ортди. 41-жадвалда кўрсатилган жойлар орқали Хивага борилган.

41-жадвал

Жойларнинг номи	Масофа	Йўл шартли
Манқишлоқ—Канга	2 кун	Йўл икки тоғ орасидан ўтган.
Канга—Боқи қудуқ	4—1	Йўл паст-баланд бўлиб, сув ва ўт бор.
Боқи қудуқ—Бурдук	1—1	Йўл текис ва қумли. Сув ва ўт етарли, саксовул ҳам бор.
Бурдук—Беш ўғил	1—1	Йўл текис ва қумли, ўт, сув, саксовул жуда сероб.
Беш ўғил—Сой қудуқ	2—1	Йўл текис бўлиб, оҳакли ва айрим жойлар тошли. Саксовул бор.
Сой қудуқ—Қора қудуқ	3—1	Йўлда сув ва саксовул йўқ, ўт оз. Қудуқнинг суви ичишга ярамайди.
Қора қудуқ—Элтодона	4—1	Йўл текис бўлиб, сув, саксовул ва ўтга бой.

Рус ҳукумати Ўрта Осиё билан алоқада Манқишлоқнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, у ерда ҳарбий қалъалар қурган. Бу қалъалар келажакда Ўрта Осиёга ҳарбий юриш уюштиришда таянч ролини ўйнамоғи лозим эди. Манқишлоқ яримороллиги, Қайдан қўлтиғида 1834 йилда Ново-Александровск номида қалъа қурилди. Бироқ сув ва оби ҳавонинг ёмонлиги орқасида горнизон, аскарлари орасида касал кўпайгач, 1835 йилда қалъа йўқ қилиниб, ўша яриморолнинг Тюкарага номида Ново-Петровск қалъаси қурилди. Бу қалъа 1859 йилдан Александр порти номи билан юритиладиган бўлди.

XIX аср ўрталарида келиб Астрахань орқали Ўрта Осиё билан рус давлатининг савдо алоқаси тўхтаб қолиши орқасида кўрсатилган алоқа йўлларида қатнанилмади. Бу ҳолат Ўрта Осиё Россия ҳомонидан босиб олингандан сўнг ҳам

ўзгармади. Закаспий темир йўлининг қурилиши Красноводский орқали Астраханга бориладиган савдо карвонлари қатновини тамомила пучга чиқарди.

XX асрда Ўрта Осиёдан Нижний Новгородга борадиган йўл ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу йўл Оренбург, Троицк, Петропавловск ва Семипалатинск сингари савдо пунктлари орқали ўтиб, Нижний Новгород ярмаркасига бориб тақаларди. Савдогарлар Оренбургдан Нижний Новгород ярмаркасига икки йўл билан борардилар. Биринчи йўл Орен-

42-жадвал

Жойларнинг номи	Масофа	Йўл шартли
Элтодан—Табин қудуқ	4—1	Йўл текис, айрим жойлар тошли. Қудуқлар йўқ.
Табин қудуқ—Айбатур	—	Йўл текис, аммо қудуқлар йўқ.
Айбагур—куня Урганч	—	Йўл яхши
Куня Урганч—Ташауз	2—1	Йўл яхши
Ташауз—Хива, Шават, Қушқунгур	3—1	Йўл яхши

бургдан Самарагача бориб, Волга дарёси орқали ўтган бўлса, иккинчиси Қозондан қуруқ йўл орқали ўтиб Нижний Новгородга бориб тақалган эди. Нижний Новгородга Троицкдан бориш учун Мизеленск, Чистопол ва Ламшев сингари жойлар орқали Қозонга ўтиш лозим эди. Ярмаркадан Петропавловскийга кетадиган йўл Қозон, Перм, Екатеринбург (Свердловск) ва Шадринский орқали ўтган. У ердан Семипалатинскийга Қозон, Омск шаҳарлари орқали борилган.

Демак, Ўрта Осиёдан Нижний Новгородга бориладиган қуруқликдаги йўллarning ҳаммаси Қозон орқали ўтган эди.

Бухорога боровчи савдогарлар эса Янги Урганч орқали юрганлар. Қуруқ йўл эса Астрахандан Гурьев, Ёмба орқали саройгача ва бу ердан Хивага уланган эди.

Учинчи боб

## БУХОРО КОЛОНИЯСИНING АҲВОЛИ

Астрахань, Қозон ва Сибирь хонликларининг бўйсундирилиши рус давлатининг халқаро қудратини оширди. Рус давлати марказлашган давлат сифатида танилиб, у ерда ҳунармандчилик саноати, қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши учун бирмунча қулай шароит вужудга келди. Рус давлати ўзига тобе давлатларни ўзаро урушлардан ҳамда чет эл босқинчилари ҳужумидан ҳимоя қилиш имконига эга эди.

Айни бир вақтда ўзбек хонликларида аҳвол бошқачароқ бўлган. Чунончи, феодалларнинг ўзаро урушлари авж олган эди. Бунинг устига кўчманчилар ва ажнабий босқинчиларнинг ҳужумлари меҳнаткаш омма аҳволини янада оғирлаштирган. Меҳнаткаш омма орасида ўз ватанида тинч ҳаёт кечиришдан умидсизланган кишилар оз эмас эди. Уларда ҳаёт учун қулайроқ шароит қидириб бошқа мамлакатларга кетиш фикри туғилган. Меҳнаткаш оммагина эмас, балки савдогар, олим, ёзувчи, шоир ва айрим дин қоҳинлари ҳам ўзаро урушлар, ажнабийлар тажовузи, таъқиб ва қувғин остига олинишлари орқасида ўз фаолиятлари учун тинч шароит излаб чет мамлакатларга кетганлар. Мамлакатдаги тарқоқлик ва ўзаро урушлар, айниқса, савдогарлар ва ҳунармандларнинг норозилигини кучайтирди. Бу доирадаги кишиларга марказлашган ва қудратли давлат керак эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдан Россияга, жумладан, Астраханга бориб ўрнашувчилар ташаббускори, биринчи галда, савдогарлар бўлган.

Рус ҳукумати Ўрта Осиё молларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва ўзбек хонликларида ўз таъсирини кучайтириш мақсадида Астраханга ўрнашувчи ўрта осиеликларга хайрихоҳлик билан қаради. Архив ҳужжатларига кўра, XVI асрнинг иккинчи ярмидаёқ Астраханда ўрта осиеликлар колонияси вужудга келган эди. Бухоро колониясидаги кишилар

хиваликлардан, бухороликлардан, самарқандликлардан, тошкентликлардан ва бошқа ўрта осиеликлардан ташкил топган. Бу ҳақда архив ҳужжатида шундай дейилган: «Бухоро колониясидаги кишилар узоқ йиллар илгари турли жойлардан... хусусан хиваликлар, бухороликлар, туркистонликлар, қашқарликлар келишлари биланоқ Астрахандаги Бухоро хонадонига киритилган... ва бу ерда (улар) уйланиб бола-чақа орттирдилар ҳамда ўз уйларида яшаб савдо-сотиқ, ҳунармандчилик билан шуғулландилар»<sup>1</sup>.

Иккинчи бир ҳужжатда Бухоро колониясида тошкентлик<sup>2</sup> ва самарқандликларнинг ҳам борлиги қайд қилинган. Астрахандаги Бухоро колониясини ўрганишда шу колонияда яшовчи бир гуруҳ кишиларнинг 1746 йилда рус подшоси Елизавета Петровнага ёзган хати муҳим аҳамиятга эгадир: «Бундан юз йилдан кўп вақтлар илгари бизнинг ота-боболаримиз,— деб ёзган улар,— Бухородан, Хивадан, Тукистондан ва бошқа чегара жойлардан келган вақтларидан бери бизлар сиз подшоҳ ҳазратлари билан бирга Астраханда яшамоқдамиз...»<sup>3</sup>.

Бухоро колониясида жуда оз бўлса-да, туркманлар ҳам яшаган. Шунингдек, Бухоро колониясининг юқори табақаси ихтиёрида бармоқ билан санарли даражада қалмоқ ва татарлардан иборат малайлар бор эди. Айтиб ўтиш лозимки, Астраханда гилян (Эрон) ва агрижан (ҳиндларнинг бошқа миллатларга уйланиши орқасида туғилган)лардан иборат колониялар ҳам бўлган. Бу колонияларда ҳам бухоролик ёки хиваликларни учратиш мумкин эди. Масалан, бир хивалик гилян колониясига киритилишини сўраб, рус ҳукуматига ариза берган эди.


Бу ариза кўрилаётган масала нуқтаи назаридан эмас, балки ўрта осиеликларни рус тобелигига қабул қилиш тартиби ҳақида тушунча беради, шунинг учун унинг тўла текстини келтириш мақсадга мувофиқдир: Олий ҳазрат ва улўф подшоҳ рус давлатининг ҳокими император Елизавета Петровнага хивалик Шоберди Ниёзов қуйидаги пунктлардан иборат аризани маълум қилади:

«1. Бундан 17 йил муқаддам мен Хива хонининг элчиси Ортиқ Ботирнинг... ҳамроҳлари билан Хивадан Астраханга келганман. Ҳозирда мен улардан алоҳида Россияда яшамоқдаман.

<sup>1</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 819, оп. 1, д. 348, л. 28—29.

<sup>2</sup> Уша жойда, 32-бет, ф. 394, оп. 1, д. 1019, л. 14.

<sup>3</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 942, л. 60.



6-расм. Хивалик Шоберди Ниёзовнинг рус давлати фуқаролигига ўтишни истаб ёзган аризаси.

2. Мен ҳозирда олий ҳазрат ва улуғ император тобелигига ўтишни ва Астраҳанда гилян хонадони аҳолиси билан бирга яшашни истаيمان.

3. Шунинг учун олий ҳазрат ва улуғ императордан мени ўз тобелигига олиш, гилян хонадонига киритиш, уйланиш ва уй қуриш ҳақида фармон беришини сўрайман»<sup>4</sup>. Бу аризани Астрахань губерния маҳкамаси ҳукуматининг қарори асосида тасдиқлатиб, хивалик Шоберди Ниёзовдан рус давлатига содиқ бўлиш ҳақида қасамд олди<sup>5</sup>. Шубҳасиз, бошқа ўрта осиеликлар ҳам ана шу тартибда рус давлати тобелигига қабул қилинган. Гилян колониясида қадим вақтларда ҳам ўрта осиеликлар бўлганлиги маълум. Чунончи, бундай ҳол 1695 йилга оид архив ҳужжатида қайд қилинган. Шунга ўхшаш Бухоро колониясида айрим эронлик ёки бошқа мусулмон динидаги кишилар бўлган. Афтидан, бир диндаги кишиларнинг бир-бирлари колониясига ўтишлари учун ўзлари хоҳлаган тақдирда тўсқинлик қилинмаган.

Ўзбек хонликларидан Россияга элчилар билан бирга келган айрим кишилар ва, ҳатто, баъзи элчиларнинг ҳам Астраҳанда яшаб қолган вақтлари бўлган. Бу тўғрида хивалик Шоберди Ниёзовнинг ва элчи Ортиқботирнинг (кейинги саҳифаларда сўз боради) рус давлатининг тобелигига ўтиши бунга гувоҳлик беради. Ўрта Осиега қалмоқлар ҳужуми вақтида асир олинган хивалик<sup>6</sup>, қашқарлик<sup>7</sup> ва туркманлардан<sup>8</sup> иборат кишилар ҳам Астраҳанга ўрнашганлар.

Астраҳанда Бухоро колониясининг вужудга келишига биринчи галда савдогарлар сабабчи бўлган. Савдогарлар узоқ вақтлар мобайнида Астраҳанга қатнаб савдо қилишлари орқасида Россияда ўз фаолиятлари учун қулай шароит мавжуд эканлигини кўрганлар. Рус ҳукумати Астраҳанга ўрнашувчи ўрта осиеликларга бир қатор имтиёзлар берган эди. Ҳатто, айрим Ўрта Осие савдогарлари рус давлати фуқаролигига ўтмай, узоқ вақт солиқ тўламай Астраҳанда яшаганлар. Пировардида, бундай кишилар ҳам рус давлатининг фуқаролигига ўтганлар, ёки бир қанча вақт турганларидан сўнг, ўз ихтиёрлари билан ватанларига қайтиб кетардилар. Астраҳанга ўрнашган Ўрта Осие савдогарлари ўзбек хонликларига савдо билан бориб, Россияга боришни истаган кишиларни ўзлари билан олиб келганлар. Айрим маълумотларга

<sup>4</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 1858, л. 28.

<sup>5</sup> Уша жойда, л. 31—32, ф. 248, кн. 942, л. 505.

<sup>6</sup> Уша жойда, л. 1019, л. 27.

<sup>7</sup> Уша жойда, 30-бет.

<sup>8</sup> Уша жойда, 17-бет.

қараганда Бухоро колониясидагиларнинг кўпчилиги камбағаллардан иборат бўлган. Улар орасида рус давлати тобелигига ўтмай, дуч келган ишларни бажариб юрувчи ва жуда қашшоқ кишилар ҳам бўлган. 1746 йилда Бухоро колониясининг оқсоқоли ҳукуматга ёзган хатида ўз колониясида Бухоро, Хива ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарларидан келган камбағал кишилар борлигини уқтириб ўтган<sup>9</sup>.

Шубҳасиз, бу кишилар ўзбек хонликларидаги оғир шароит туфайли қашшоқланиб, ҳаёт учун қулай шароит излаб савдо карвонлари билан Астраханга келиб ўрнашганлар. Бухоро колониясидаги эзилувчи табақа ана шундай камбағаллардан ташкил топган. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, Ўрта Осиёдан кишилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб Астраханга ўрнашганлар. Бундай ҳолат, айниқса, ўзбек хонликларига чет эл босқинчилари ҳужум қилган вақтларда рўй берган. Масалан, Хива хонлигига Эрон аскарлари ҳужуми орқасида катта бир гуруҳ хиваликлар Астраханга бориб ўрнашиш учун Гурьевга келадилар. Бу тўғрида Гурьев канцелярияси бошлиғининг Астрахань маҳкама концеляриясига юборган рапортида шундай дейилган: «Шу 1745 йили Ейиқ-Гурьев маҳкамасига эркак ва хотинлардан иборат 126 та хивалик келиб шу йили Хива (эронликлар — Х. З.) томонидан босиб олинганлиги учун улар ўзларининг Астраханга қочиб келаётганликларини айтадилар. Уларнинг ихтиёрида 50 та от, 30 та туя ва битта сизир бўлиб, бошқа мулклари йўқдир»<sup>10</sup>.

Маълумки, Эрон аскарлари Нодиршоҳ бошчилигида Ўрта Осиёга ва, шу жумладан, Хива хонлигига ҳарбий юришлар уюштириб, меҳнаткаш оммани ғоят оғир аҳволга солиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам ўзбек ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари чет эл босқинчиларига қарши кураш олиб борганлар. Бироқ халқнинг оғир аҳволи яхшиланмаган, кишилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Астраханга жўнаган.

Бухоро колониясида яшовчи кишилар рус ҳукумати берган имтиёзларга кўра, турли солиқ ва мажбуриятлардан озод бўлган. Улар жуда оз миқдорда тутун солиғи ва савдо божига тўлаганлар. Бу имтиёзлар 1701 йилда Петр I томонидан махсус фармон билан тасдиқланган<sup>11</sup>. Шундай фармоннинг 1731 йилда яна қайта чиқарилганлиги маълум<sup>12</sup>.

1744 йилда рус ҳукумати Астраханда яшовчи эронлик, арман, ҳинд ва ўрта осиеликлар билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида маҳаллий ҳокимиятга кўрсатма юборган. Кўрсатмада ўрта осиеликларни Астраханга жалб қилиш учун аввалгидек уларга суд ишлари ва ўзаро муносабатларни ўз урф-одатлари, тартиблари асосида олиб бориш, уй-жойлар қуришга ер ажратиб бериш қайд қилинган ҳамда диний дахлсизликларини сақлаш, давлат хизматлари ва бошқа мажбуриятларни бажаришга жалб қилмаслик айтилган. Булардан ташқари, агар улар ўзлари хоҳласалар Астраханда фабрика ёки манфактура қуришларига ҳам ижозат берилиши уқтириб ўтилган<sup>13</sup>. Демак, рус ҳукумати Астраханда ўрта осиеликлар фаолияти учун қулай шароит яратишга қаратилган амалий тадбирларни кўрган. Аммо шунга қарамай Бухоро колонияси имтиёзларига қарши норозилик ҳаракатлари бўлган. Бу соҳада, айниқса, маҳаллий ҳокимиятнинг айрим вакиллари ташаббускорлик кўрсатиб, ўрта осиеликларга берилган имтиёзларни ўзбошимчалик билан бузишга уринганлар ёки уларни бекор қилишни сўраб рус ҳукуматига мурожаат қилганлар. 1745 йилда Астрахань маҳаллий ҳокимияти Бухоро колониясини шаҳар магистрати ихтиёрига ўтказиб, ўрта осиеликларга бир қатор солиқ ва мажбурият юклаш учун ҳаракат қилди. Натижада Бухоро колониясидаги кишилар ҳам рус, татар ва бошқа маҳаллий халқлар сингари шаҳар магистратига бўйсуниб, уларга берилган имтиёзларни бекор қилиш хавфи туғилди. Шунинг учун ҳам Бухоро колониясидагилар қаттиқ норозилик билдириб, 1746 йилда рус ҳукуматига махсус хат билан мурожаат қиладилар. Хатда ўрта осиеликлар узоқ пайтлардан бери тутун солиғи ва савдо божларини ўз вақтида тўлаб келаётганликларини, ҳозирда эса маҳаллий ҳокимиятнинг уларга берилган имтиёзларни бекор қилиш ҳамда турли солиқларни тўлатишга қаратилган тадбирлар кўраётганлигини маълум қилганлар<sup>14</sup>. Хатда улар ўзларининг Ўрта Осиё шаҳарларидан келиб Астраханда яшаётганликлари ва савдо соҳасида рус давлатига фойда келтираётганликларини ҳам баён этганлар<sup>15</sup>. Шунингдек, улар Бухоро колониясига берилган имтиёзлар бекор қилинса, Ўрта Осиё ва Эрондан қатнаб турадиган савдогарлар Астраханга келмай қўядилар, натижада рус давлатининг савдо манфаатларига путур етиши мумкинлигини маълум қилдилар<sup>16</sup>. Шу билан баробар, агар бухороликлар магистратга киритилса, рус тилини

<sup>9</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 943, л. 101.

<sup>10</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, л. 1083, л.л. 27—28, 36.

<sup>11</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 943, л. 185.

<sup>12</sup> П. С. З., т. XII, стр. 178.

<sup>13</sup> П. С. З., т. XII, стр. 178.

<sup>14</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 943, л. 101.

<sup>15</sup> Уша жойда.

<sup>16</sup> Уша жойда.

билмасликлари орқасида давлат хизматини ўташда катта ҳа-толик ва тушунмовчиликларга йўл қўйилиши уқтириб ўтил-ган. Бунга қарши ўлароқ Астрахань магистрати бухоролик-лар орасида фақат рус тили эмас, балки немис ва бошқа тил-ларни билувчи кишилар ҳам борлигини кўрсатиб ўтган. Хул-лас, хатда бухороликлар колониясини шаҳар магистратига бўйсундирмаслик ва унга берилган имтиёзларни ўз кучида қолдириш рус подшоҳидан сўралган.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, ҳатто, айрим шахс-лар ўз номларидан юқоридаги мазмунда рус ҳукуматига ариза юборганлар. Масалан, Хива хонининг элчиси сифатида Россияга келган ва Астраханда қолган Ортиқботир Рўзибо-ев<sup>17</sup> рус давлати тобелигига ўтиш хоҳишини изҳор қилиш би-лан бирга, Бухоро колониясини шаҳар магистратига кири-тишга қарши ўз фикрини шахсан рус подшоҳига қуйидаги тарзда баён этди: «Сиз император жаноб олийларига шу ҳақ-да ариза бермоқдаманки, мен рус давлати тобелигига ўтиш ва Астрахандаги Бухоро, гиян ёки агрижан хонадонлари-даги аҳоли билан бирга яшашни истайман. Мен бу хонадон-лардаги бухоролик, гиянлик, агрижанлик, эронликларни ва бошқа чет эллик кишиларни сиз император олий жанобнинг тобелигида хотиржам ва тинч ҳаёт кечираётганликларини кў-риб... бу тўғрида Хивага, шунингдек, Манқишлоқдаги туркман дўстларимга Астраханда қолганлигим, уларнинг ҳам рус дав-лати тобелигига ўтишлари ҳақида хат ёздим. Шунга кўра, кўп хиваликлар, туркманлар сиз император олий жанобнинг тобелигига ўтишни истайди. Яна сиз император олий жанобла-рига шуни маълум қиламанки, Астрахань губернатори Бухоро, гиян ва агрижан хонадонларида яшовчи кишиларни маги-стратга ёзмоқчи. Агар шундай қилинса ва буни хиваликлар билан туркманлар эшитса, у вақтда у ерлардан кишилар Аст-раханга келмай қўядилар... Шунинг учун Бухоро ва бошқа колонияларни шаҳар магистратига қўшмаслик, уларнинг им-тиёзларини сақлаш лозим»<sup>18</sup>. Ана шундагина Ўрта Осиёдан кўп кишиларнинг рус давлати тобелигига ўтиши мумкинли-гини Ортиқботир Рўзибоев маълум қилган.

<sup>17</sup> 1743 йилда Хива хони Абулғози ўз элчиси Оллобердини Россияга юбориб, савдо алоқаларини кучайтириш таклифи билан бир қаторда ота-сининг хонлиги даврида (1739 йилда) юборилган Хива элчиси Ортиқботир Рўзибоевни қайтаришни рус подшоҳидан сўраган. Демак, Ортиқботир Рўзибоев Россияга элчи бўлиб келгандан сўнг Хивага қайтмаган. Бунга рус ҳукумати қаршилиқ қилмаган. Ортиқботир Рўзибоевни Хивага қай-тариш ҳақидаги Абулғозининг сўрови қондирилмаган. Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, элчи Ортиқботир Рўзибоев билан бирга унинг ҳамроҳ-ларининг кўпчилиги Астраханда қолиб рус давлати тобелигига ўтган.

<sup>18</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 943, л. 187.

Рус ҳукумати Бухоро колониясини шаҳар магистратига киритмаслик ҳақидаги шикоятларни эътиборга олиб, Астра-хань маҳаллий ҳокимиятига махсус фармон юборди.

Фармонда Астраханда Бухоро колонияси Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан алоқаси туфайли узоқ вақтлар-дан бери ташкил топганлиги ва ундаги кишиларнинг савдо фаолиятлари орқасида давлат хазинасига анча фойда кела-ётганлиги маҳаллий ҳокимиятга уқтириб ўтилди<sup>19</sup>.

Шу туфайли Бухоро колониясига берилган имтиёзларни ўз кучида қолдиришга қарор қилинганлиги фармон билан маҳаллий ҳокимиятга маълум қилинди. Фармонда 1731 йилда бухороликлар уйига ҳарбий кишиларни квартирант сифатида қўймаслик ҳақидаги кўрсатма ҳам эслатиб ўтилди<sup>20</sup>.

Фармон чиққандан сўнг кўп ўтмай рус ҳукумати иккинчи бир қарор қабул қилди. Сенат муҳокамасидан ўтган бу қарор-да Астрахандаги Бухоро колониясида яшовчиларнинг фаоли-ятларига тўла шароит туғдириш, бунинг учун уларга турли солиқ ва мажбуриятларни қўлламаслик маҳаллий ҳокимиятга буюрилди. Шундай қилинмаган тақдирда Бухоро колонияси-нинг тарқалиб кетиши ва бунинг орқасида Россиянинг Шарқ мамлакатлари билан алоқаси узилиб қолиш хавфи уқтириб ўтилди<sup>21</sup>.

Шу нуқтаи назардан рус ҳукумати Бухоро ва Эрон коло-ниясидаги кишилардан тутун солиғи ўрнига 150 сўм пул тў-лашни жорий этди. Шунингдек, солдат казармаларини таъ-минлаш учун гиянлик ва бухороликлардан ҳаммаси бўлиб 350 сўм ундириш Астрахань маҳаллий ҳокимиятига топши-рилди. Ҳатто, жуда камбағал кишилардан ҳеч қандай йиғим ва мажбуриятлар олмаслик кўрсатиб ўтилди<sup>22</sup>.

Солдат казармалари қуриш учун тўланадиган пулнинг миқдори кейинги йилларда, жумладан, 1763 йилда ҳукумат-нинг махсус фармони билан 300 сўмга камайтирилди. Бун-дан мақсад «бухоролик ва хиваликларни кўпроқ Астраханга жалб қилиш» эди<sup>23</sup>.

Солдат казармалари қуриш учун тўланадиган пулнинг миқдори рус ва бошқа маҳаллий кишилар тўлайдиган солиқларга қараганда анча оз бўлган. Шунинг учун ҳам 1770 йилда Астрахань генерал-губернатори Бекатовнинг сенатга

<sup>19</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 1083, л. 32.


<sup>20</sup> Уша жойда, в. 194.

<sup>21</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 943, л. 173.

<sup>22</sup> Уша жойда, в. 171.

<sup>23</sup> ЦГАДА СССР, ф. 259, кн. 3799, л. 1102.





7-расм. Хивалик Шоберди Ниёзовнинг рус давлати фуқаролигига ўтиш учун қилган қасамёди.

ёзган рапортида Бухоро колониясидаги кишилар «имтиёзларга эга астраханликлар ва рус савдогарларига нисбатан ҳеч қандай мажбуриятлар қўлламайдилар (бироқ — Ҳ.З.), бу билан бир қаторда улар савдо, ҳунармандчилик билан шуғулланадилар...»<sup>24</sup> деган. Шунингдек, генерал-губернатор Бухоро колониясидаги кишиларнинг жуда оз миқдорда солиқ тўлашларини маълум қилган<sup>25</sup>.

Бухоро колониясида идора услуби ва суд ишлари шарият асосида олиб борилиб, унинг тепасида оқсоқол турган. Оқсоқол мансабидаги киши ўрта осиеликлар устидан раҳбарлик қилиш билан бирга марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг Бухоро колониясидаги расмий вакили ҳисобланган. Одатда оқсоқол мансабига колония йиғилишида кўпчиликнинг қатнашуви ва розилиги билан номзод кўрсатиларди. Шундан сўнг оқсоқолликка номзодни рус ҳукуматининг тегишли вакиллари тасдиқлаш лозим эди. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, айрим шахсларнинг ғайри қонуний равишда оқсоқоллик мансабига кўтарилган вақтлари ҳам бўлган. Чунончи, 1743 йилда Абдулла Бегим номли киши Бухоро колониясига оқсоқол қилиб тайинлашларини сўраб сенатга ариза берган: «Утган замонларда... тахминан 80 йиллар муқаддам, — дейилганди аризада, — менинг бувам Мамадаминов Бухородан келиб Астраханга ўрнашган. Шундан сўнг у ва бошқа қариндошларимизнинг чақирғи туфайли, юздан ортиқ хонадон Астраханга Бухородан келиб жойлашган. Уларга аввал бувам; сўнгра менинг отам оқсоқоллик қилган...»<sup>26</sup>. Сўнгра Абдулла Бегим ўз аризасида унинг отасидан сўнг Бухоро колониясининг оқсоқоллигига бошқа бир киши, яъни Сидиқхўжа тайинланганлигини эслатиб ўтади. Сидиқхўжа вафот этиши муносабати билан оқсоқоллик мансабига ўтириш Абдулла Бегимга ота мерос эканлиги ва шунинг учун уни шу мансабга тайинлашни лозимлиги аризада баён этилган. Абдулла Бегимнинг бу сўрови сенат томонидан қондирилиб, Астрахань генерал-губернаторига махсус фармон юборилди. Шу асосда Абдулла Бегим оқсоқоллик мансабига ўтирган эди.

Бироқ Абдулла Бегимнинг оқсоқоллиги кўпга давом этмади. Бухоро колониясидагилар рус подшосига унинг ғайри қонуний равишда оқсоқоллик мансабини эгаллаганлигини кўрсатиб ариза берган эдилар. Аризада Бухоро колониясидагилар шунини эслатиб ўтдиларки, Бухородан, Хивадан, Туркистондан ва бошқа жойлардан келган ота-боболаримиз вақт-

<sup>24</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 3799, л. 1078, 1079.

<sup>25</sup> Уша жойда.

<sup>26</sup> Уша жойда, ф. 248, кн. 937, л. 175.

ларидан бери Астраханда яшамоқдамиз. Олдинги оқсоқоллар сайлов йўли билан тайинланган бўлиб, улар бизларни хафа қилмаганлар ва хўрламаганлар<sup>27</sup>. Бу билан бир қаторда аризада 1723 йилда Бухоро колониясининг розилиги билан Сидиқ Дилдоров оқсоқол қилиб тайинлангани ва бу киши то вафот этгунга қадар (1739) ўз вазифасини ҳалоллик ва адолат асосида бажарганлиги қайд қилинган. Шунингдек, унинг ўрнига ўғли Ҳусайн Сидиқовнинг оқсоқол қилиб сайланганлиги ва бу киши ўз вазифасини яхши давом эттираётган бир вақтда Абдулла Бегимнинг оқсоқоллик мансабини фирибгарлик билан эгаллаганлиги аризада уқтириб ўтилган. Аризада кўрсатилишича, Абдулла Бегимнинг ота-боболари ҳеч вақт оқсоқол бўлмаган. Унинг бу ҳақда ёзган аризаси мутлақо асоссиз ҳисобланган. Бунинг устига Абдулла Бегим оқсоқол бўлгач, ўз қўл остидаги кишиларга кўп азоб берган ва порахўрлик қилган. Хуллас, аризада оқсоқоллик мансабига Ҳусайн Сидиқовни қайта тайинлаш ҳақида Бухоро колониясидагиларнинг қарори баён этилган.

Аризага биноан рус ҳукумати оқсоқоллик лавозимига яна қайта Ҳусайн Сидиқовни тайинлади. Шу равишда Бухоро колонияси ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган оқсоқол тайинланишига эришганлар. Бу ҳолат оқсоқолнинг Бухоро колониясидаги аҳамияти ва роли муҳим эканлигидан дарак беради.

XVIII асрнинг 40 йилларидан рус ҳукумати вакиллари Астрахандаги Бухоро ва бошқа колониялар идора услубларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни кўра бошлади. 1746 йилда Бухоро, арман, гилян ва грузин сингари колонияларнинг урф-одати ва динини сақлаган ҳолда, уларнинг ҳаммаси учун битта радгауз тузиш ҳақида фармон чиқарилди. Ҳар бир колония радгауз судига ўз вакилини сайлаши лозим эди. 1765 йилга келиб эса Астраханда яшовчи Бухоро, арман, грузин ва шунга ўхшаш колонияларнинг радгаузга сайланган судьяларини бир уйга қовуштириш жорий қилинди. Ҳар бир колониянинг сайланган суди ўз миллатига тегишли масалани кўраётганда бошқа колония судларидан алоҳида ўтириши керак эди. Бордию масала ҳамма колонияларга тегишли бўлса, у вақтда ҳамма колониялар судьялари биргаликда муҳокама ўтказиши ва қарор чиқариши лозим эди. Шу таразда қабул қилинган қарордан норози бўлган кишилар ёки бирор колония губерния канцеляриясига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

<sup>27</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 942, л. 605.

Колония судлари фаолиятини назорат қилиб туриш ва адолатсизликларга йўл қўймаслик учун радгаузга губерния канцелярияси томонидан обер-офицер лавозими тасдиқланди. Юқорида баён этилган Астрахандаги турли колонияларнинг янги идора формаси Бухоро, арман, грузин ва бошқа миллатларнинг ўзаро алоқа боғлашида маълум роль ўйнади.

Астрахандаги Бухоро колониясининг Урта Осиё ва Россиядаги мавқеи шу даражада кучли бўлганки, бу колонияга ўзбек хонлиқларининг ҳам ғамхўрлик қилиб турган пайтлари бўлган. Биринчи бобда кўрсатилганидек, 1731 йилда Бухоро хони карвон боши Едгор орқали рус ҳукуматига махсус хат юбориб, савдо масалалари билан бир қаторда Бухоро колониясидаги аҳвол ёритилган. «Узоқ вақтлардан бери,— дейилганди хатда,—бухороликлар Астраханда турли бўёқлар билан газламаларни бўярдилар, ҳозир эса бир арман кишиси ўша бўёқчиликни ижарага олган. Илгари бундай ижарага олиш бўлмаган эди. Шунинг учун ўша ижаранинг бекор қилиниши учун фармон бўлмоғи керак»<sup>28</sup>.

Бинобарин, Астраханда газламаларни бўйаш узоқ вақтлардан бери Бухоро колониясининг монополияси қилиб қўйилган эдики, бўёқчилик билан арманларнинг шуғулланишига, ҳатто, Бухоро хони қаршилик кўрсатган. Афсуски, Астраханда ўрта осиеликларнинг газламаларни бўйаш ишлари билан шуғулланганликларига доир маълумотларга эга эмасмиз. Шунинг учун бу масалани ёритиш қийин. Бироқ айтиш мумкинки, газламаларни бўйаш ҳунари Бухоро колониясида муҳим ўрин эгаллаган. Акс ҳолда бу масала рус ҳукумати олдида қўйилмаган бўлур эди.

Бухоро колониясидаги кишилар ҳунармандчилик, савдосотиқ билан шуғулланганлар. Ипакчилик ҳам асосий вазифаларидан бири бўлган. 1667<sup>29</sup>, 1679<sup>30</sup> ва 1688<sup>31</sup> йилларга оид архив ҳужжатларида Бухоро колониясида ипакчилик билан шуғулланувчилар «шолковник» ёки «шолковой мастер» деб кўрсатилган. Бундай кишилар давлат учун ҳам ишлаганлари учун ҳукуматдан моддий ёрдам олганлар. Ипакчилик билан шуғулланувчи кишилар ҳукумат томонидан командировкага юбориб турилган. Масалан, 1688 йилда Пирмамат Комолов номли бухоролик Теркага бориб, ипак қуртини Астраханга келтирган<sup>32</sup>. Бухоро колониясида газламаларни бўёвчи

<sup>28</sup> ЦГАДА СССР, ф. 248, кн. 914, л. 264.

<sup>29</sup> Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 173, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 5076, л. 1.

<sup>30</sup> Уша жойла, оп. 1, № 8010, л. 1—3.

<sup>31</sup> Уша жойда, № 5753, л. 1—2.

<sup>32</sup> Уша жойда.



кишилар бўлганлиги маълум<sup>33</sup>. Шунингдек, кўнчилик анча тараққий этган эди<sup>34</sup>. Бухоро колониясида савдо муҳим ўринни эгаллаган. Ўрта осиеликлар XVI асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср давомида Ўрта Осие, ҳинд ва рус моллари билан савдо қилганлар. Афсуски, ўрта осиеликларнинг савдо фаолиятларига оид ҳужжатлар тўла сақланмаган.

Бухоро колониясидаги савдогарлар Ўрта Осие шаҳарларига ва бошқа жойларга қатнаб турганлар. Жумладан, 1692 йилда бир ўрта осиеликнинг Дарбантдан Астраханга келганлиги архив ҳужжатида қайд қилинган<sup>35</sup>. 1726 йилда ўрта осиеликлар Терек ва Святой Кресть қалъасига савдо қилиш учун борганлар<sup>36</sup>. Шу йили бир гуруҳ ўрта осиеликларнинг савдо-сотик билан қалмоқ ерларига кетганлиги маълум<sup>37</sup>. Кейинги йилда бир ўрта осиелик Дарбантга жўнаган эди<sup>38</sup>. Улар кўпчилик бўлиб Россиянинг ички томонларига ҳам қатнаб турардилар. Масалан, 1757 йилда 30 кишига яқин ўрта осиелик моллар билан Макарьев ярмаркасига жўнаган<sup>39</sup>. Бундай аҳвол 1763 йилда ҳам юз берган<sup>40</sup>.

Бухоро колониясида деҳқончилик билан шуғулланувчилар бўлган. Улар Астраханда янги экинларни иқлимлаштиришда муҳим роль ўйнаганлар. Бу тўғрида 1913 йилда авторлардан бири шундай деб ёзган эди. «...бизнинг ота-боболаримиз жанубий ўлка (Астраханда — Ҳ.З.) — Ўрта Осиеда ўсадинга бодринг, қовоқ, тарвуз ва қовун билан танишганлар. Бизда қовун ва бодринглар Фарбий Европага нисбатан олдин тарқалган. Астрахань ва унинг атрофларида полиз экинлари билан Ўрта Осие ичкарасидан келган татарлар (ўрта осиеликлар — Ҳ.З.) шуғулланганлар... Табиийки, улар Волга қирғоқларига ўрнашиб, ўзлари билан қовун, тарвуз ва бодринг уруғлари олиб келганлар. Шу пайтгача Астрахань полизчилиги ва сабзавотчилиги Ўрта Осиеникига жуда яқиндир...»<sup>41</sup>.

Астраханда ўрта осиеликлар Хоразм ва кеч пишар Бухоро қовунини иқлимлаштирган эдилар. Бу қовун Астраханда «бухарка» номи билан тарқалган.

<sup>33</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 89, л. 10.

<sup>34</sup> Уша жойда.

<sup>35</sup> Архив ЛОИИ АН СССР, ф. 178, Астраханская приказная палата, оп. 1, № 12227, л. 1.

<sup>36</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 114, л. 37.

<sup>37</sup> Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 64, л. 46-об.

<sup>38</sup> Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 133, л. 187-об.

<sup>39</sup> Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 202, л. 249-об.

<sup>40</sup> Уша жойда, ф. 394, оп. 1, д. 2153, л. 204-об.

<sup>41</sup> «Краткий очерк развития русского плодводства за Романовский период истории России», СПб., 1913, стр. 10, 22.

Бухоро колониясида савдо-сотик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан шуғулланувчи кишилардан ташқари қассоблик, заргарлик, ошпазлик билан шуғулланувчи кишилар ҳам бўлган. Шундай қилиб, Бухоро колонияси бир-бирига қарама-қарши икки синфдан ташкил топган эди.

Рус ҳукумати ўзининг Шарқ мамлакатлари билан муносабатида Бухоро колониясидаги кишилардан таржимон ва дипломат сифатида фойдаланган. Масалан, XVII асрда Давлатмамат Абизов араб, форс ва турк тилларини таржима қилувчи киши сифатида давлатга хизмат қилган<sup>42</sup>. У 1688 йилда таржимон сифатида Москвага олиб кетилган эди. Унинг ўрнига бошқа киши тайинланган<sup>43</sup>.

XVII асрда Бухоро колониясида Шарқ тилларини мукамал билувчи кишилар бўлган. Шу туфайли 1645 йилда у ерга Москвадан П. Зверьев номли киши рус подшоҳининг кўрсатмасига мувофиқ форс, араб, турк тилларини ўрганиш учун юборилган эди<sup>44</sup>. XVIII асрда ҳам йирик таржимонлар бўлганлиги маълум. Масалан, 1732 йилда Хива хонининг Астрахань губернаторига ёзган хатини Бухоро колониясидаги киши рус тилига таржима қилган<sup>45</sup>. Рус ҳукумати бухороликлардан элчи сифатида ҳам фойдаланган. Жумладан, биринчи бобда баён этилган М. Қосимов 1675 йилда рус давлатининг элчиси сифатида Ҳиндистонга юборилган эди.

Астраханда Бухоро колонияси XVII асрдан то XVIII асрнинг охиригача бўлган давр ичида иқтисодий жиҳатдан анча мустақамланиб, унда йирик савдогарлар мавжуд эди. Бухороликлар ўз тиллари, урф-одатларини сақлаганлар. Афсуски, уларнинг сони ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. XVIII аср ўрталарида Бухоро колониясидаги кишилар сони 470 тага борган<sup>46</sup>. 1836 йилдаги маълумотга кўра уларнинг сони 800 киши бўлган<sup>47</sup>. Булардан ташқари Астраханда рус давлати тобелигига ўтмай, савдо-сотик билан шуғулланувчи 190 хивалик ва 10 бухоролик яшаган<sup>48</sup>. Юқорида келтирилган Бухоро колониясидаги кишилар сонини кўрсатувчи рақамлар фақат эркаклар сонини ўз ичига олади. Агар хотинлар сони назарга олинса, у вақтда Бухоро колониясида

<sup>42</sup> Архив ЛОИИ АН СССР, ф. Астраханская приказная палата, оп. 1, № 10867, л. 1—2.

<sup>43</sup> Уша жойда, № 1566, л. 1—2.

<sup>44</sup> Уша жойда, № 1566, л. 1—2.

<sup>45</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 394, оп. 1, д. 3639, л. 314-об.

<sup>46</sup> Уша жойда, д. 1019, л. 1—22.

<sup>47</sup> Журнал МВД, СПб., 1836, кн. 10—12, стр. 434.

<sup>48</sup> Уша жойда, 438-бет.

ги аҳолининг сони кўрсатилган рақамларга нисбатан кўпроқ бўлиб чиқади.

XVIII аср охиридан Бухоро колониясининг аҳволи оғирлашиб борган. Астрахань губерния маҳкамасининг кўрсатишича, ўзбек хонликларига қатнаб турадиган савдогарларнинг кўчманчилар томонидан таланиши, улар маблагларининг жуда камайиб кетишига олиб келган. Бунинг устига Астраханда катта ёнғин бўлиши орқасида Бухоро колониясига қарашли дўконлар моллари билан куйиб кетган<sup>49</sup>. Натижада Бухоро колониясининг савдо фаолияти тушкунликка учраб, йирик савдогарлар камбағаллашиб қоладилар. 1809 йилга оид архив ҳужжатларига кўра, ўрта осиелик савдогарлар майда-чуйда молларни сотиш билан тирикчилик қилганлар, бошқа кишилар эса нонвойчилик ва озиқ-овқатларни пишириб сотиш билан шуғулланганлар<sup>50</sup>.

Бу маълумот Бухоро колониясининг<sup>51</sup> Ўрта Осие билан Россия ўртасидаги алоқада мавқеи пасайганлигидан дарак беради. Вақт ўтиши билан Бухоро колониясидаги кишилар маҳаллийлашиб, кўпроқ ички савдо билан шуғуллана бошлаганлар. XVII асрнинг 30 йилларида Оренбургнинг Ўрта Осие билан алоқада Астраханга нисбатан муҳим роль ўйнай бошлаши Бухоро колонияси мавқеининг пасайиб кетишига сабаб бўлди. Пировардида, XIX аср ўрталарига келиб Астраханда Бухоро колонияси тарқалиб, уларнинг бир қисми татарларга аралашиб кетган. Архивларда Бухоро колониясидаги аҳволга тегишли маълумотлар жуда кам сақлангани учун колония аҳволини чуқур ва кенг ўрганишнинг имкони йўқ. Бироқ юқорида баён этилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Астрахандаги Бухоро колонияси Ўрта Осиенинг рус давлати билан алоқаси ривожланишида муҳим воситачилик ролини ўйнаган. Рус ҳукумати давлат манфаатларини кўзлаб, Шарқ мамлакатлари ва, шу жумладан, Ўрта Осие билан савдо алоқаларини кучайтириш йўли билан ўрта осиеликларни Астраханда турғун қилиб қўйиш

<sup>49</sup> Государственный архив Астраханской области, ф. 488, оп. 1, д. 105, л. 3-об.

<sup>50</sup> Уша жойда.

<sup>51</sup> Маълумки, Ўрта Осие ва Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ривожланишида Қозон шаҳрининг ҳиссаси муҳимдир. Шунинг учун ҳам у ерда Бухоро колониясининг вужудга келганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Бироқ Қозон архивининг ёнғин орқасида куйиб кетиши туфайли бизни қизиқтирадиган масала бўйича ҳужжатлар сақланмаган. Фақат айрим архив ҳужжатлари орасида Қозонда ўрта осиеликлар яшаб савдо билан шуғулланганлари ҳақида жуда қисқа ва умумий маълумотларни учратиш мумкин. Шунинг учун Қозондаги ўрта осиеликлар фаолиятларини ва улар ҳаётини ёритишнинг имкони йўқ.

сиёсатини қўллади. Натижада ўзбек ва бошқа ўрта осиеликлардан иборат Бухоро колонияси ташкил топди. Улар ҳар икки томоннинг ўзаро иқтисодий алоқаларида воситачилик қилдилар. Астраханда Бухоро колониясининг вужудга келиши бу ердаги рус, татар ва бошқа халқларга Ўрта Осие халқлари урф-одатлари ва маданиятини яқиндан билиш имконини берди. Ўз навбатида ўрта осиеликлар Россия халқлари ҳаёти билан яқиндан танишди ва у билан ёнма-ён яшаб ҳамкорлик қилди. Бухоро колонияси рус давлатининг фақат Ўрта Осие билан эмас, балки Шарқ мамлакатлари ўртасидаги алоқасида ҳам муҳим роль ўйнаган.

## ХУЛОСА

1. Манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, XVI аср ўрталарида Қозон ва Астрахань хонликлари рус давлати томонидан босиб олингандан кейин Ўрта Осиё билан Волга бўйи ўртасидаги қадимий алоқалар янги босқичга кўтарилди. Волга-Каспий йўли қудратли ва марказлашган рус давлати қўлига ўтди. Натижада Ўрта Осиёнинг Волга бўйи билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг тобора ривожланиб бориши учун қулай шароит вужудга келди. Рус давлати мамлакатдаги Ўрта Осиё молларига бўлган талабни қондириш, ўз қўшиниси — ўзбек хонликлари билан алоқани яхшилаш мақсадида савдо ва элчилик муносабатларини яхшилашга қаратилган чораларни амалга оширди. Айни бир вақтда ўзбек хонликлари Волга бўйи орқали рус давлати билан савдо алоқаларини кучайтиришдан манфаатдор эди. Чунки Волга бўйи ва, умуман, рус давлати Ўрта Осиё моллари учун кенг ва талабчан бозор сифатида муҳим роль ўйнаган. Бунинг устига Ўрта Осиёда рус молларига талаб анча кучли эди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томон савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида бир-бирларига элчилар юбориб турганлар.

Рус давлати ҳам, Ўрта Осиё ҳам ўзаро алоқаларни яхшилаш ва ривожлантиришдан баробар манфаатдор бўлган.

2. Савдо буюми ва миқдорини ўз ичига олувчи архив ҳужжатларига кўра, савдо ривожланиб иккала томоннинг ўзаро алмашинадиган молларининг асосий қисмини тайёр маҳсулотлар ташкил этган. Бу ҳар икки томонда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир этган. К. Маркс ўзининг «Капитал» асарида савдо ва савдо капиталининг ривожланиши ишлаб чиқаришни алмашув қиммати томон ривожлантиради, унинг ҳажмини кенгайтиради ва хилма-хил қилади деган эди<sup>1</sup>. Айниқса, Волга бўйига кўплаб газлама-

<sup>1</sup> К. Маркс, Капитал, т. III, ч. 1—2, кн. 3, М., 1955, стр. 344.

ларнинг келтирилиши, Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик саноати, жумладан, тўқимачилик ва бунга боғлиқ бўлган бошқа тармоқларнинг ўсишига таъсир кўрсатган. Хива хонлиги Волга-Каспий йўлига яқин бўлганлиги орқасида Волга бўйи билан алоқада муҳим ўринни эгаллаган.

Астрахань ва Нижний Новгород сингари Волга бўйидаги шаҳарлар рус давлатининг Ўрта Осиё билан алоқасида катта роль ўйнади. Астраханга келтирилган Ўрта Осиё моллари бутун Волга бўйи халқлари ва, умуман, Россия бўйлаб тарқаларди. Ўз навбатида Волга бўйи ва Россиянинг бошқа жойларидан Астраханга келтирилган рус моллари Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларга олиб кетилган. Бу соҳада Нижний Новгород ярмаркаси муҳим ўринни эгаллаб, у жой орқали Ўрта Осиё моллари бутун рус давлати бўйлаб тарқалган.

Ўрта Осиё рус давлати томонидан босиб олингандан кейин ярмаркага ва, умуман, рус давлатига келтириладиган Ўрта Осиё молларининг тури пахтанинг ҳисобига ўзгариб борди. Бунинг устига рус газламалари Россияда эмас, балки Ўрта Осиё бозорида ҳам маҳаллий газламаларни сиқиб чиқарди. Ўрта Осиё рус давлатининг хом ашё базасига айланиб борди. Ўрта Осиё босиб олингандан кейин рус савдогарлари у ерга бориб бевосита савдо қилиш имконига эга бўлди. Эндиликда кўпроқ Ўрта Осиёнинг ўзида рус давлати билан савдо олиб бориладиган бўлди. Фақат Нижний Новгород ярмаркаси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу ерга баъзи-баъзидагина Волга-Каспий орқали Ўрта Осиё моллари келтирилган. XIX аср ўрталарига келиб Волга-Каспий йўли ўзининг аввалги мавқеини йўқотди.

3. Ҳар икки томон ўртасидаги элчилик ва савдо алоқаларининг ривожланишига ўзаро феодал урушлари ва айрим маҳаллий ҳокимият вакилларининг ўз мансабларини сунъий истеъмол қилишлари ҳамда қарвон йўллари хавфсизлигининг тўла таъминланмаганлиги тўсқинлик қилган. Феодализм шароитида савдо-сотиқни мунтазам равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сабабларни бартараф қилишнинг иложи йўқ эди. Оренбургнинг барпо этилиши ва унинг йирик савдо марказига айланиб бориши ҳам Волга-Каспий йўли орқали Ўрта Осиё билан олиб бориладиган алоқага путур етказган.

4. Манбаларнинг кўрсатишича, элчилик, савдо алоқалари ҳар икки томонни бир-бирлари билан танишишлари ҳам яқинлашишига асос солиб, Россия қудратли ва марказлашган давлат сифатида Ўрта Осиёда ном чиқарди. Россияда саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқнинг ўсиши учун ўзбек хонликларига нисбатан қулай шароит мавжуд эди. Шунинг учун ҳам Астраханда ҳаёт учун қулай шароит излаб ўз ватанидан

бош олиб кетган ўрта осиеликлар колонияси вужудга келди. Ўрта Осие колонияси бир-бирига қарама-қарши икки синфдан ташкил топган эди. У рус давлатини фақат Ўрта Осие билан эмас, балки бошқа Шарқ мамлакатлари билан алоқасида ҳам воситачилик ролини ўйнади.

Рус давлати савдо алоқаларини ривожлантириш йўли билан Каспий бўйида ҳарбий қалъалар қуриб, ўз территориясини аста-секин Ўрта Осие ҳисобига кенгайтириб борди. Бошқача қилиб айтганда, рус давлати савдо-сотиқдан фақат мамлакатнинг Шарқ молларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва ўз молларини сотиш мақсадида эмас, балки сиёсий мақсад учун ҳам фойдаланиб, ўз таъсирини Ўрта Осиенинг ички томонларига тарқатишга эришди.

Хуллас, савдо ва элчилик алоқалари рус давлати ҳукмронлигининг ўрнатилиши учун Ўрта Осиеда маълум замин ҳозирлаган эди.

6. Демак, Ўрта Осиенинг Волга бўйи билан алоқасидан шу нарса маълумки, ўзбек ва Ўрта Осиенинг бошқа халқларининг рус халқи билан ҳамкорлиги ва дўстлиги кўп асрлик тарихга эга. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Коммунистик партия раҳбарлигида Ўрта Осие халқларининг рус халқи билан иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлиги ва дўстлиги янада юксак чўққига кўтарилди.

ИЛОВА

**Хива билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларини яхшилаш ҳамда савдо маҳкамалари очиш тўғрисида ҳукумат сенатининг Астрахань порти божхонасига юборган фармойиши**

1759 йил 31 декабрь

Император ҳазрати олияларининг фармониға биноан жаноб генерал-порутчик ва кавалер Воронцовға 1759 йилдан бошлаб 30 йиллик муддат билан Астрахань портидан тортиб, то Каспий денгизининг чап қирғоғида яшовчи бухореликлар, хиваликлар ва туркманлар билан савдо ишини йўлга қўйишни ҳукумат сенати буюради. Савдонн қандай асосларда олиб бериш генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцов ихтиёриға топширилсин, унинг томонидан ҳукумат сенатига тўловлар бериш қўйидаги шартлар бўйича бажарилсин.

1. Бу савдо Бухоро ва Хива билан савдо қилувчи коммерсия компанияси деб юритилсин ва ҳар бир ҳужжат шу номға ёзилсин. Каспий денгизининг чап қирғоғи бўйлаб Астрахань ва Қизлар портидан бошлаб, то Эрон чегарасигача бўлган жойларда, яъни Белий бугор, Туркман тизма тепаликлари, Балхон қўлтиғи, Серебрянный бугор ва бошқа савдо қилишга муносиб бўлган ерлар ва чегара жойларда олиб борилсин (бу жойларда кўчманчи элатлар яшайди, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида мулк эгалари — бухореликлар, татарлар, хиваликлар ва туркманлар тасарруфидадир). Ушбу савдо император ҳазрати олияларининг манфаати учун ва подшоҳи аъзам улуғ Петр ҳазратлари хотираларига муносиб бўлган 1723 йил 8 ноябрдаги шоҳона фармойиш асосида Каспий денгизининг чап қирғоқларида янги тартиблар ўрнатиш ва савдогарчиликни йўлга қўйиш мақсадида қуруқликдаги йўл орқали (бунда Бухоро ва Хива хонлари билан тузилган шартномаға биноан ҳукумат сенати ўзининг 1752 йил 14 май қарори бўйича Ташқи ишлар министрлиғи коллегиясига Бухоро ва Хиваға Оренбург орқали савдо қарвчилари қатнашини таъминлаш учун чопар юборишни топширган) савдо алоқалари кенгайтирилади. Лекин ҳамма ерда, қонун бўйича ман этилган товарларни истисно қилганда, чет эллардан Россияға келтириладиган, Россиядан четға олиб кетиладиган ҳамма товарлар учун юрт ва ички бозор божлари, закотлари тўлаш талаб қилинади.

Астрахань ва Қизлар портининг бош қўмондонн ҳамда божхона маъмурларига ана шу савдо устидан қонунда кўрсатилган тарзда қаттиқ назорат ўрнатиш топширилади. Янги ташкил этилаётган мазкур компания учун Россиянинг фармойиши ва кўрсатмасига биноан ҳар бир шаҳарға бирмунча миқдорда, яъни юз минг пудгача темир (тўп, бомба, ўқ-дори ва бошқа ҳарбий аслаҳалардан ташқари) юбориб туриш рухсат этилади. Коммерц коллегия ҳамда сенат қошида тузилган бож комиссиясининг 1717 ва 1719 йиллардаги фармонларига асосан Эронға темир чиқариш ман этилган бўлса-да, лекин жаноб генерал-порутчикнинг Хива

билан Бухорога темир чиқаришига ижозат берилади. Лекин юқоридаги фармонларга асосан, Эрон савдосида темир ҳамма вақт ҳам тақиқлаб келингани жаноб генерал-порутчик маълумоти учун яна алоҳида таъкидлаб ўтилиши билан бирга яна шу нарса маълум қилинадики, россиялик бошқа ҳар қандай савдогарларга Оренбург орқали Каспий денгизининг чап қирғоғи бўйлаб Бухоро билан Хивага мол олиб касриб сотиш ўттиз йилгача ман этилади. Жаноб генерал-порутчик савдо компаниясининг муътадил савдо юргизишига путур етказмасликни таъминлаш мақсадида Астрахань ва Қизлар портининг бош қўмондонлари ҳамда божхона маъмурлари зиммасига ўғринчи йўллар билан бўладиган савдогарчиликнинг олдини олиш хусусида қаттиқ назорат ўрнатиш, бордию, шундай ҳодисалар бўлиб қолса, ғайри қонуний ўтказилган товарларга муайян миқдорда жарима солиш топширилади. Шунингдек, Бухоро билан Хива савдосининг мутасаддис бўлмиш жаноб генерал-порутчикдан Эрон компанияси ва бошқа савдогарлар фаолиятларига аралашмаслик талаб қилинади. Чунки улар илгари Эрондан бошқа жойларга, жумладан, Бухоро билан Хивага ҳеч қандай товар юборишмаган. Шунга қарамай, жаноб генерал-порутчик Астрахань ва Қизлар портидаги божхоналарга ўз номидан ишончли одамлар қўйиши лозим. Бундан ташқари, товарларни назорат қилиш учун савдо уставига кўра, керак бўлган жойларга чопарлар юборилади.

2. Каспий денгизининг чап қирғоғида Тюккараган ёки Манқилшоқ пристани бўлиб, у ҳукумат сенатининг 25, 27 февраль 1752 йил қарорига мувофиқ Астрахань денгиз кемачилик компанияси ихтиёрига ўтказилган ва ҳозиргача мазкур компания шу пристан бадалига подшоҳ хазинасига йилига 174 сўм миқдорида оброк солиғи тўлайди. Компания ушбу пристанга қора буғдой уни жўнатиб туриш ҳуқуқига эга. Қўйроқ томонга, яъни Каспий денгизининг чап қирғоғидаги жойларга товар чиқариш ҳуқуқи эса ҳукумат сенати томонидан генерал-порутчик ва кавалер Воронцев жаноблари ихтиёрига топширилган. Бошқа кишиларга Оренбург орқали ўша жойларга товар чиқариш тақиқланган. Астрахань губерна маҳкамасининг 26 август 1759 йилда ҳукумат сенатига юборган хабарида Караган пристанини эндиликда кимнинг ихтиёрига ўтказиш ва пристан учун бундан кейин кимдан бож тўловлари ундириш кераклиги айтилади. Жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцов Караган пристанини сотиб олишга рухсат берилишини сўрайди ва агар 20 декабрь 1752 йилда чиқарилган фармонга кўра, пристан учун тўланадиган оброк солиғи бекор қилинмаса, тегишли оброк пулларини тўлаш мажбуриятини ўз устига олади. Шунинг эътиборига олиб, Караган пристани 1759 йилдан бошлаб 30 йиллик муддатга жаноб генерал-порутчик, граф Воронцов ихтиёрига берилсин. Бу пристан орқали Бухоро ва Хивага қуруқликдаги йўл билан товарлар жўнатиш ва келтириш, шунингдек, жаноб генерал-порутчикка қарашли кемаларнинг қиш кунлари ана шу пристанда туриши жуда қулай. Жаноб генерал-порутчик ва кавалер Воронцов мазкур пристан учун илгари денгиз кемачилик компанияси қанчадан бож тўлаган бўлса, шунчадан, чунончи, йилига 174 сўмдан Астрахань губерна маҳкамасига бож тўлаб туриши лозим. Лекин жаноб генерал-порутчик ҳукумат сенатига ёзган илтимосномасида 20 май 1753 йилда чиқарилган фармонга асосланиб Караган пристани учун тўланадиган оброк пуллари бекор қилинишини сўрайди. Бу хусусда шунинг эслатиб ўтиш кифояки, у мазкур фармондан давлатнинг ўз ички территорияси миқёсидаги бож ва бошқа бир қанча солиқлар турини бекор қилиш мақсадида фойдаланишни кўзда тутган эди. Караган пристани эса мамлакат ичкисидан эмас, балки чет ерда жойлашганди. Шунинг учун унинг бадалига олинadиган оброк пулларини бекор қилиб бўлмайди. Каспий денгизининг чап қирғоғида ҳали савдо-сотиқ йўлга қўйилмаганиги сабабли мазкур Караган пристани 1752 йилда денгиз кемачилик компанияси ихтиёрига берилган эди.

Агар у ерда савдо-сотиқ мавжуд бўлганда эди, Караган пристани ҳам кемачилик компаниясига топширилмаган бўларди. Бинобарин, бу пристан ана шу чап қирғоқ савдосининг қошида бўлиши керак. Жаноб генерал-порутчик компанияси ва ишончли вакили томонидан Каспий денгизининг чап қирғоқларидан келтириладиган олтин, кумуш, император ҳазрати олиялари хазинасига, Астрахань губерна маҳкамасига топширилиши лозим. Маҳкама боттинга икки сўм етмиш беш тийиндан, кумушга эса ўн тўққиз тийиндан ва яна ҳар сўмига бир процент устамаси билан ҳақ тўлайди. Маҳкамадан тўланадиган ушбу пул хазина аҳволи қандайлигидан қатъий назар дарҳол тўланиши лозим. Чунки савдо-сотиққа путур етмаслиги ва компания синиб қолмаслиги керак. 27 август 1759 йилда Астрахань губерна маҳкамасининг ҳукумат сенатига юборган маълумотида кўрсатилишича, 1758 йил кузида арман моллари ортилган учта кема билан Эронга кетган уч савдогардан иккитаси (Петр Вартанов ва Давид Григорьев)нинг маълумотига қараганда улар ўз молларини Эроннинг олтин ва кумуш пулларига сотишган; Астраханга қайтишлари билан ана шу олтин ва кумуш пулларни паст баҳода (чунончи, бир олтин икки сўм қирқ икки тийиндан, кумуш эса ўн олти тийиндан) хазинага топширганлар. Ҳукумат сенатининг 10 август 1759 йилда чиқарган қарорига биноан бундан кейин бир олтин учун икки сўм олтмиш беш тийиндан, кумуш учун эса ўн тўққиз тийин тўлаш қатъий қилиб қўйилди.

Инглиз савдогарлари билан тузилган шартномага мувофиқ денгиз ортидан келтириладиган ва хазинага топшириладиган олтин учун икки сўм етмиш беш тийин, кумуш учун эса ўн тўққиз ярим тийин олтин баҳода нарх қўйилган. Ҳукумат сенатининг 5, 13 август ва 3 сентябрь 1757 йил тарихли қарори бўйича жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцовга ҳам Астрахань губерна маҳкамаси шу нархда ҳақ тўлаши керак.

4. Жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцов Каспий денгиздан Астраханга осетра, оқ балиқ, севрюга ва бошқа хил балиқлар ҳамда балиқ мойи, икралар туширишга, шунингдек, бу балиқларни тузлаш учун тузни ҳар пудига беш тийиндан тўлаш шарти билан Астрахандаги катта-кичик Абасин ва бошқа кўллардан олишга рухсат сўрайди. Ҳукумат сенатининг 9 июль 1759 йил тарихли қарорига асосан жаноб генерал-порутчикнинг бу илтимоси инбатсиз қолдирилади. Мазкур қарорга кўра, Астрахандаги ҳукумат балиқ корхоналари ва сувдан фойдаланишни савдогар Сидер Попов ихтиёрига топширган. Бундан ташқари, император ҳазрати олияларининг 15 декабрь 1749 йил тарихли ман этувчи фармони асосан ҳам бунга рухсат этиш мутлақо мумкин эмас. Чунки фармони олийда кўрсатилишича, барча савдогарлар тузни фақат давлатдангина сотиб олиши лозимлиги, кўллардан эса туз олиш тақиқланганлиги кўрсатилган. Кўллардан туз олишга ҳар кимга ҳам рухсат берилaversа ҳукуматга қарашли балиқ корхоналари манфаатига путур етиши мумкинки, ҳукумат сенати бунга асло йўл қўяолмайди.

5. Мазкур савдо катта масофаларда юритилиши сабабли, уни жаноб генерал-порутчикнинг бир ўзи бошқара олмаслигини назарга олиб, унга Куракиннинг ўғли князь Борис Александровни шерик қилиб олишига ва бу савдони биргалликда юргизиш учун оддий нотариал шартнома тузишига ижозат берилади.

6. Жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцовга ёки унинг шеригига Россия маҳсулотлари ҳамда чет эл товарларини сотиб олиб ёки баҳолаб олиб Астрахань ва Қизлар портига жўнатиш лозим бўлса, у ҳолда ўз товарларига харидорларни жалб қилиш ҳақида шаҳар маҳкамаларига — магистратлар ва ратушаларга хабар қилсин. Шунга биноан магистрат ва ратушалар эълон чиқарсинлар, бундан хабардор бўлган хари-

дорларнинг савдо қилишлари учун уларнинг Астрахань, Санкт-Петербург ва Москвадаги компания контораларига келишларига ҳеч қандай моёлик кўрсатилмасин. Борди-ю улар ана шу шаҳар ва ярмаркаларда чакана ёки кўтара товарлар сотиб олиш учун ўз вакиллари ёки приказчикларини юборсалар, уларга ҳам ҳеч қандай тўқинлик қилинмасин...

7. Астрахань, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларидаги компания конторалари қошида жаноб генерал-порутчкнинг вакиллари ва приказчиклари учун тўлар жойлар, молларига магазинлар қуриш учун давлатга қарашли ерлардан энг яхши ва қулай жойлар ажратиб берилсин. Ҳамма компания конторалари турли хил иш қоғозлари ва хатлар учун Россия давлатининг оддий герби нақшланган, чор атрофида эса мазкур компаниянинг аниқ номи туширилган ўз печатига эга бўлмоғи керак.

Компания контораларида приказчиклар ва умуман, мазкур компаниянинг ҳамма вакиллари томонидан ишга олинган ёлланма хизматчилар, товар пудратчилари, извошчиклар билан шартномалар тузғди ва шубу шартномалар ҳақиқий ҳужжат деб юритилади...

9. Компаниянинг савдо конторалари учун керак бўлган миқдорда одам ёллаш мумкин. Улар истеъфога чиққан собиқ хизматчилардан олинади. Еланганлар орасида ярамаслари чиқиб қолса, улар приказчик ва барча компания хизматчилари қаторида суд қилиниши, жазоланиши керак.

10. Савдо компанияси бирор ёққа товар ёки олтин, кумуш жўнатиладиган бўлса-ю, йўлда савдо қарвонини қароқчилардан ҳимоя қилиш учун конвой даркор бўлиб қолган тақдирда компания конторалари ва контора вакиллари талаби билан мунтазам ёки номунтазам ҳарбий командалардан дарҳол ҳарбий кишилар ажратиб берилади. Ҳарбийларнинг ўз командаларига бориб келишларига қадар кетган вақт учун компания конторалари ҳақ тўлашлари лозим. Конвойлар учун тўланадиган ҳақ уларнинг ўз командаларида оладиган пулларидан кам бўлмаслиги, шунингдек, ўз вақтида тўланиши керак.

11. Компания капитални, контора дафтарлари ва хатлари давлатдан ва граждандардан бўлган қарзлар учун ҳар қандай далил-сабабларга, чақув ва раддияларга қарамай ҳеч қандай хатлаш ёки терговга, шунингдек, бир дақиқа бўлса ҳам бирон бир тафтишга ҳадаф бўла олмайди. Борди-ю, бу капитал бирор бир сабаблар билан мусодарага лойиқ деб топилса, у ҳолда капиталнинг ҳаммаси эмас, балки шу капиталдан келадиган фойданинг тўртдан уч қисми вақти-вақти билан мусодарага олиб турилади, фойданинг қолган тўртдан бир қисми эса қарздорга қолдирилади. Фойда пули қарзга етмай қолган тақдирда ҳам соф капиталга тегилмайди, у доим ўша савдонинг ўз ихтиёрида туриши лозим.

12. Россиядан олиб келиладиган ва келтириладиган ҳар хил сортли ипак газламалар ва бошқа хил товарлар учун Астрахань ва Қизлар портлари қошида савдо, қилувчи барча кишилардан маълум миқдорда порт ва ички солиқлар ундирилади.

13. Астрахандаги бон қўмондон (губернатор), Қизлар портининг комендант ва ҳамма ҳарбий командалар зиммасига компания директорлари, приказчик, хизматчиларни ранжитмаслик вазифаси юклатилган. Директорларга, приказчик ва хизматчиларга, эҳтиёж туғилиб қолса, намлакат ичкарисидан юрини учун компания конторалари томонидан муҳр босилган йўл ёрлиқлари берилиши лозим. Йўлда, бекатларда уларни давлатга қарашли энг яхши жойлар, от-аравалар билан таъминлаш талаб қилинади. Астрахань ва Қизлар портларидан Бухорога ва бошқа музофатларга товар ортилган кемалар жўнатишда товарлар паспорти ўша ерлик халқ тилига таржима қилиниб, ҳар қайси кема ва кемалардаги ҳар қайси хизматчига алоҳида паспорт берилиши даркор. Астрахань магистрати жаноб генерал-порутчик ва кавалернинг Эрон билан олиб борган туз савдо-

сига анча зарар келтирган ҳамда бу савдонинг мунтазам юришига тўқинликлар келтирган, чунончи, 1758 йилда туз ортилган кемалар билан Эронга жўнатишга приказчик Александр Астраханцевга 4 ойгача паспорт берилмаганлиги натижасида, унинг кемалари ўша ерда қишлаб қолшига мажбур этилиб жуда кўп моддий зарар кўрган. Бинобарин, Астрахань губернатори мазкур компания манфаатини кўзлаб, уларни камситишларига йўл қўймаслиги лозим. Астрахань губерна маҳкамасидаги ва магистратиди хизматчилар мазкур савдо ишга совуққонлик билан қарамаслиги, лозим бўлган тақдирда Бухорога ерли тил ва урф-одатларни яхши биладиган тилмочлар юборилишига тўқинлик қилмаслиги керак.

14. Ҳукумат сенатининг қарорига мувофиқ жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцовга Қозон ва Астрахандаги адмиралтейство конторалари денгиз кемалари қуриш учун керакли асбоб-ускуналар, денгиз сафари учун хизматчилар беришлари лозим. Компания кемаларидан давлат юкларини ташиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади. Каспий денгизининг чап қирғоғида бошқа ҳар қандай савдо ёки давлат кемаларининг қатновига мутлақ йўл қўйилмайди. Борди-ю, ўша қирғоқда рухсатсиз бошқа кемалар пайдо бўлиб қолса, уларнинг асбоб-ускуналарни мусодара қилинсин ва кема эгаларига жарима солинсин. Бирон бир қонуний эҳтиёж туфайлигина давлатга қарашли кемалар кўрсатилган жойдан ўтиши, кема ичида ҳеч қандай товар бўлмаслиги керак.

15. Юқориди таъкидланган савдо конторалари Астрахань, Санкт-Петербург ва Москвада очилиши мумкин. Лекин ҳамма ишларни бошқариб турадиган бош бошқарма эса Астрахань шаҳрида қарор топиб, уни жаноб генерал-порутчик ва кавалер граф Воронцов томонидан компанияга қабул қилинган савдогарлар — астраханлик Алексей ва Иван Астраханцевлар ҳамда Фома Рафаилов, армени Василий Абрамов билан сурин ва белил фабрикасининг эгаси ярославлик Қолчик ўғли Иван Афанасьевлар бошқариб туришади. Россия коммерциясининг мазкур компания орқали Бухорода ва чет эллардаги бошқа жойларда олиб борадиган савдоси натижасида император ҳазрати олияларининг манфаатлари ҳамда Россия савдоси раънақига келтираётган фойдасини назарга олиб, бошқа портлар орқали ҳам йўл очилиб, одил қоида ва асосларда савдо-сотиқ қилиш лозим. Чунки Каспий денгизи чап қирғоқларининг жуда узоқ жойларида олиб борилаётган савдо-сотиққа осиеликларнинг ёмон кўз билан қараётганликлари маълум эмас. Жаноб генерал-порутчик ва кавалернинг илтимосига кўра, ака-ука Алексей ва Иван Астраханцевлар, Рафаилов, Абрамов, Иван Афанасьевлар Россия давлатининг коммерция директорлари қилиб тайинланадилар, уларнинг шамшир тақиб юришларига рухсат берилади...

Агар жаноб генерал-порутчик ва кавалер Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидаги контораларга обер-директор ва директорлик лавозимларига ҳамда ўз компаниясига савдогарлардан шериклар, вакиллар ва приказчиклар олиши лозим бўлиб қолса ёки уларга унвонлар бериш, шамшир тақиб юришга рухсат бериш, уларни гражданлик хизматида бўшатиш лозим бўлган тақдирда, жаноб генерал-порутчик коммерц-коллегиясига эмас, балки ҳукумат сенатига ахборот топширади. Ҳукумат сенати мазкур компанияни коммерц-коллегияда эмас, балки ўз қарамоғида тутлади. Мабодо контора директорлари ёки бошқа лавозимдаги хизматчилар савдо-сотиқда алдамчилик йўлини тутсалар ва бунда сирлари очилиб қолса, бундайлар компаниядан четлатилади ва улар ўрнига ҳукумат сенатининг ижозати билан бошқа одамлар қабул қилинади.

16. Қимки жаноб генерал-порутчик ва кавалер билан биргаликда Каспий денгизининг чап қирғоқларида савдо қилишни хоҳласа, у киши ўз сармоясини ана шу савдога солиши лозим ва бу савдодан мазкур